

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК
ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ВА
ТЕРМИНОЛОГИЯСИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

проф. Б.Х.ХОДЖАЕВ

2017 йил

**“ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ВА
ТЕРМИНОЛОГИЯСИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В - У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тилшунослиги
Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари

Тошкент – 2017

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди**

Тузувчи:

Х.Дадабоев, филол.ф.д.,
профессор, ТошДЎТАУ

Такризчилар:

А.Маматов, филология
фанлари доктори, профессор,
ЎзДЖГУ

М.Раҳматов,
филология фанлари номзоди,
доцент, ТошДЎТАУ

*Ўқув -услубий мажмуа ТошДЎТАУ Кенгашининг 2017 йил 26 августдаги
1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган*

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| I. ИШЧИ ДАСТУР..... | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 10 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР..... | 12 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ..... | 52 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 87 |
| VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ..... | 88 |
| VII. ГЛОССАРИЙ..... | 89 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 91 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ўзбек лексикографияси ва терминологияси шаклланиш ва ривожланишнинг бир неча асрлик маҳсули ҳисобланади. Ўзбек терминологияси тизими дастлаб қадимги туркий тил(VII-X) битикларида кўзга ташланади. У эски туркий тил (XI-XIV) ва эски ўзбек адабий тили (XV-XX асрлар боши) манбаларида миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиб борди, ҳозирги ўзбек адабий тилида туб ўзгаришларга учради. Ўн асрлик шаклланиш ва тараққиёт тарихига эга ўзбек лексикографияси олдида аждодлар тилида қўлланишда бўлган сўз, истилоҳ, ибора, фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, мақол, матал ва ҳ.к.ларни жамлаш, изоҳлаш, кейинги авлодга қолдириш, ҳозирги ўзбек тили терминологик тизимлари, терминларнинг ҳосил бўлиш омиллари, терминлардаги лингвистик ҳодисалар, терминологик луғатлар тузиш, терминшунослик ва луғатшуносликни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишдек долзарб вазифа кун тартибига қўйилган.”Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг 7-моддасида таъкидланганидек, “Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди”. Мазкур вазифа ечими филология ва тилларни ўқитиш йўналишидаги олий таълим муассасаларида таълим самарадорлигини яна ҳам ошириш, педагог кадрларни замонавий билим ва амалий кўникма ҳамда малакалар билан қуроллатириш, хорижий давлатлар илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш масаласини ҳал этишда кўринади. “Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” модули айнан мана шу йўналишдаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилгани билан ҳарактерланади.

“Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” курсининг мақсади

тингловчиларни ўзбек лексикографияси ва терминологияси олдида турган долзарб вазифалар ва уларни ечиш йўллари ва усуллари, ОТМда мазкур йўналишда ўқитилаётган фанлардаги янги натижалар билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: “Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борада мамлакатимизда ва хорижда тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларга “Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” масалалари бўйича концептуал асослар, мазмуни, таркиби ва асосий муаммоларига доир назарий маълумотлар бериш ҳамда уларнинг мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- таълим-тарбия жараёнида ўзбек лексикографияси ва терминологияси мазмуни, вазифалари, таркибий элементларини ёритиш ва тингловчиларда улардан истифода этиш маҳоратини ошириш;

- том маънодаги демократик жамият тараққиётини таъминлаш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохатларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш маҳоратини ошириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

- лексикография ва терминология шаклланиши ва тараққий этишининг биринчи галда ўзбек жамиятнинг ижтимоий даражаси, иқтисодий вазияти билан боғлиқлиги, ўзбек тили лексикографияси ва терминологияси тараққиётини уч катта босқичга бўлиб таҳлид қилиш зарурлиги, ўзбек терминологиясининг ўзбек тили ички ресурслари, қонун-қоидалари негизида тараққий этиши, ўзбек терминологиясининг бошқа тиллардан сўз-термин ўзлаштириш ҳисобига бойиши, терминологиянинг ривожланишида илмий-техникавий тараққиётнинг ўрни, терминлар таркибидаги лексик-семантик жараёнлар, терминларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш ҳақида билимга эга бўлиши лозим;

- касбий фаолият олиб бориш мақсадида замонавий лексикографик ва терминологик манбалардан унумли фойдаланиш; лексикография ва терминология соҳаларида воқеланаётган янги тенденцияларни ўқув машғулотларида талабаларга тушунтира бера олиш; замонавий лексикография ва терминологияда кечаётган жараёнларни фарқлаш кўникмаларига эга бўлиши керак;

- филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) йўналишига доир фанлардаги янгиликлар асосида ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларга ўзгартириш киритиш; маъруза матнларини янги хорижий ва миллий адабиётлар асосида янгилаш; мазкур йўналишдаги фанлар доирасида талабаларнинг мустақил амалий фаолиятини ташкил этиш **малакаларини эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланиш;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалар, экспресс-сўроқлар, тест сўроқлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режасидаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” модули ўқув режасидаги филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар, филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил, тилшунослик назарияси ва методикаси, антропоцентрик тилшунослик йўналишлари модуллари билан боғлиқликда ва узвийликда олиб борилади.

Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологиясига доир когнитив, креатив, коммуникатив ва методик компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | |
|----|--|-----------------------------------|-------------------------|----------|-----------------|----------------|-----------------|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | | Мустақил таълим |
| | | | Жами | жумладан | | | |
| | | | | Назарий | Амалий машғулот | Кўчма машғулот | |
| 1. | Ўзбек лексикографияси ва терминологиясининг шаклланиш босқичлари: ўзбек тили сўз бойлигида соҳавий терминлар ва уларнинг тил хусусиятлари. | 4 | 2 | 2 | | | 2 |
| 2. | VII-XX асрнинг 20-йилларигача бўлган давр ўзбек терминологияси ва лексикографияси | 2 | 2 | 2 | | | |
| 3. | Ўзбек терминологияси тизими: терминларнинг структур-грамматик тузилиши. | 2 | 2 | 2 | | | |
| 4. | Ўзбек терминологиясини такомиллаштириш масалалари: соҳавий терминологияда амалга оширилаётган ислохотлар | 4 | 2 | 2 | | | 2 |
| 5. | XX аср ўзбек терминологиясининг тараққиёт тамойиллари, методологик асослари: терминологияда юзага келган муаммолар, уларнинг омиллари ва сабаблари | 2 | 2 | | 2 | | |
| 6. | Мустақиллик даври ўзбек терминологияси ва лексикографияси | 2 | 2 | | 2 | | |
| 7. | Терминларнинг ясалиши: терминологик луғатлар. | 2 | 2 | | 2 | | |
| 8. | Истиклол даври ўзбек терминологияси ва лексикографиясида ўзига хос хусусиятларнинг акс этиши | 2 | 2 | | 2 | | |
| | Жами: | 20 | 16 | 8 | 8 | | 4 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ўзбек лексикографияси ва терминологиясининг шаклланиш босқичлари. Ўзбек тили сўз бойлигида соҳавий терминлар ва уларнинг тил хусусиятлари.

Ўзбек терминологияси ва лексикографияси шаклланишининг уч босқичи. Соҳа терминологиясининг ўзбек тили луғат фондидаги ўрни.

2-мавзу: VII-XX асрнинг 20-йилларигача бўлган давр ўзбек терминологияси ва лексикографияси.

Эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили сўз бойлигининг лексикографик асарларда акс этиши. Алишер Навоий ва бошқа ўзбек адиблари асарларига бағишланган мумтоз луғатларнинг тузилиш принциплари.

3-мавзу: Ўзбек терминологияси тизими: терминларнинг структур-грамматик тузилиши.

Собиқ шўроларлар даври ўзбек терминологияси. Ўзбек терминологиясининг байналмилал истилоҳлар ҳисобига бойиши. Терминологияда юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун бўлган ҳаракатлар. Мустақиллик даврида ўзбек терминологияси ва лексикографиясининг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда тараққий этиши.

4-мавзу: Ўзбек терминологиясини такомиллаштириш масалалари: соҳавий терминологияда амалга оширилаётган ислоҳотлар.

Мустақиллик даврида ҳаётда юз берган туб ўзгаришларнинг ўзбек терминологиясига таъсири. Термин ясашда фаол моделларнинг ўрни. Истиклол даври ўзбек луғатшунослиги эришган ютуқлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-машғулот. XX аср ўзбек терминологиясининг тараққиёт тамойиллари, методологик асослари: терминологияда юзага келган муаммолар, уларнинг омиллари ва сабаблари

Қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили терминологияси ва луғатнавислиги. Ўзбек тили терминологиясининг шаклланишида ўз ва ўзлашган қатламнинг ўрни. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий-техникавий ва ҳ.к.терминлар тизими. Туб терминлар, ясама терминлар (содда ясама), кўшма терминлар, термин-бирикмалар.

2-машғулот. Мустақиллик даври ўзбек терминологияси ва лексикографияси

Терминларнинг морфологик, синтактик, семантик усуллар билан ясалиши. Терминологик луғатлар, уларнинг мазмуни ва сифати.

3-машғулот. Терминларнинг ясалиши: терминологик луғатлар

Ўзбек терминологияси тизимида архаизмларнинг роли. Ўзбек тили этимологик ва энциклопедик луғатларининг тузилиш принциплари.

4-машғулот. Истиқлол даври ўзбек терминологияси ва лексикографиясида ўзига хос хусусиятларнинг акс этиши

Соҳа терминологиясида рўй бераётган ўзгаришлар. Терминларни унификациялаш ва тартибга солиш. Соҳа изоҳли луғатлари.

МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар воситасида маърузалар кесимини ўзлаштириш;

- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ва мавзулари устида ишлаш;

- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

1-мавзу: Ўзбек лексикографияси ва терминологиясининг шаклланиш босқичлари: ўзбек тили сўз бойлигида соҳавий терминлар ва уларнинг тил хусусиятлари.

2-мавзу: Ўзбек терминологиясини такомиллаштириш масалалари: соҳавий терминологияда амалга оширилаётган ислохотлар.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Ўқув-топшириқ турлари | Максимал балл | Баҳолаш мезони | | |
|----|---------------------------|---------------|----------------|--------|--------|
| | | 0,5 | “аъло” | “яхши” | “ўрта” |
| 1. | Ўқув-лойиҳа ишини бажариш | 0,5 | 0,5 | 0,4 | 0,3 |

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади

Намуна:

| Терминларнинг қўлланиши | | | | | |
|-------------------------|-----------|-----------------------|-----------|-----------------|-----------|
| умумлексикада | | Соҳа терминологиясида | | Бадий адабиётда | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | | | |
| Хулоса: | | | | | |

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилди (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Қўшимча маълумот |
|----------------|--|------------------|
| терминология | | |
| туб термин | | |
| ўзлашма термин | | |
| модель | | |
| дериват | | |
| унификатсия | | |

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Ўзбек лексикографияси ва терминологиясининг шаклланиш босқичлари: ўзбек тили сўз бойлигида соҳавий терминлар ва уларнинг тил хусусиятлари.

РЕЖА:

1.1. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси шаклланишининг уч босқичи.

1.2. Соҳа терминологиясининг ўзбек тили лугат фондидаги ўрни.

Таянч иборалар: *Ўзбек терминологияси тизими, термин, истилоҳ, атама, ўзбек терминлогиясини даврлаштириш, асл туркийча, сўздча, санскритча, хитойча, эронча, арабча, Русча-байналминал терминлар, ўзбек лугатишунослиги босқичлари, таржима лугатлар.*

1.1 Ўзбек терминологияси ва лексикографияси шаклланишининг уч босқичи.

Муайян адабий тилнинг сўз бойлиги ўз таркибида махсус тушунчаларни ифодаловчи терминологик лексикани у ёки бу даражада камраб олиши лингвистикада эътироф этилган воқелик ҳисобланади. Ўзбек терминологияси тизими ҳам бундан мустасно эмас.

Умумистеъмол сўзлардан фарқли равишда доим махсус тушунчаларни англатиш, ифодалаш учун хизмат қилишга йўналтирилган терминлар ўзбек адабий тилининг шаклланиш ва тараққий этиш босқичлари заминимда таркиб топди ва такомиллашди.

Ўзбек адабий тили лексикаси қонуниятлари негизида шаклланган терминологик лексика тарихини қадимги туркий тил (VII-X) терминологияси, эски туркий тил (XI-XIV) терминологияси, эски ўзбек адабий тили (XV-XX аср боши) терминлогияси, шўролар даври ўзбек тили терминологияси ва истиқлол даври ўзбек тили терминологияси тарзида даврлаштириш салкам ўн тўрт асрлик вақт мобайнида терминлогик лексика тизимида экстралингвистик ва интралингвистик омиллар негизида содир бўлган жараёнларни англаб этиш имконини беради.

Ҳозирги қардош туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили лексик хазинасида муайян даражада қўлланишда давом этаётган ёки бугун истеъмолдан бутунлай чиқиб кетган қадимги туркий тилга тааллуқли лексик birlikлар таркибида терминологик лексика ҳам сезиларли ўринни эгаллаганлиги билан характерлидир. Қадимги туркий тил манбаларида қайд этилган турфа соҳа терминологияси асосан

соф туркийча туб ҳамда ясамалардан ҳамда буддизм ва монийзм таъсирида сўғд, санскрит, хитой тилларидан кириб келган ўзлашмалардан ташкил топган эди. Жумладан, *барғу* “ўлжа”, *қарғу* “соқчи, дозор”, *тамға* “муғр”, *кўруг* “айғоқчи”, *элчи* “элчи; ҳукмдор, юртбоши”, *йўлчи* “сардор”, *чигай* “йўқсил, камбағал”, *қишлағ(қ)* “кўшиннинг қишки қароргоҳи”, *айғучи* “давлат маслаҳатчиси” сингари асл туркча, *чериг/черик* “кўшин, армия”, *сарт* “тожир, савдогар” каби санскритча, *хатун/қатун* “малика”, *кент* “қишлоқ; шаҳар” сингари сўғдча, *қаган* “ҳукмдор”, *хан* “ҳоким”, *тегин* “хонзода, шаҳзода”, *йабғу* “хоқондан кейинги олий лавозим эгаси”, *сенгун* “хитой генерали”, *тарқан* “тархон”, *тутуг* “туман ҳокими” каби хитойча, *шад* “Турк хоқонлигида олий лавозим”, *шаданит* сингари эронча терминлар фаол қўлланишда бўлганлигини манбалар сўз бойлиги яққол кўрсатади.

Айни чоғда эътироф этиш жоизки, санскрит, эрон, хитой тилларида битилган асарларнинг туркий тилга қилинган таржималарида қайд этилган ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, социал, ҳайвонот дунёси-фауна, ўсимлик дунёси-флора, илми нужум-асторonomia ва ҳ.к. соҳаларга хос терминлар кейинчалик деярли қўлланмади, туркий тиллар, чунончи, ўзбек тили уларни қабул қилмади.

Саккизинчи асрдан эътиборан араб тили, араб хати ва ислом мафқурасининг Туронзаминда қарор топиши, бир қатор маҳаллий сулолар (қорхонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар)нинг бирин-кетин сиёсат саҳнасига чиқиши сингари объектив жараёнлар остида ўзлигини йўқотмаган эски туркий тил (XI-XIV)да терминологик лексика кўламининг бир қадар кенгайганини кузатиш мумкин. Эски туркий тил терминологияси мавжуд лисоний қонун-қоидалар доирасида шаклланди ва ривожланди. Унинг қадимги туркий тил даврига нисбатан янада тараққий этишида жонли сўзлашув тили, турфа шева материаллари қатори сўз яшаш андозалари – моделлари асосида юзага чиққан истилоҳлар муҳим аҳамият касб этади. Қадимги туркий тилдан фарқли ўлароқ эски туркий тилда санскрит, сўғд, хитой тилига оид ўзлашмаларнинг ишлатилиш суръати пасайди, аксинча, арабча ва форсча-тожикча ўзлашмаларнинг қўлланиш частотаси ва кўлами анча кенгайди. Бироқ эски туркий тил терминологиясининг ўзагини асл туркий қатлам ташкил қилишда давом эди. *Алим* “қарз, кредит”, *берим* “тўлов, қарзни қайтариш”, *беглиг* “беклик”, *битигчи* “мирза, мунший, котиб”, *йатғақ* “тунги соқчи”, *йариша* “кўршапалак”, *йарғу* “ажрим”, *йарғучи* “қози, судья” каби туркийча, *рабат* “карвонсарой”, *малик* “ҳукмдор”, *сийасат* “сиёсат”, *омил* “иш юритувчи”, *тиб* “медицина, тиббиёт”, *нужум* “астрология”, *ҳандаса* “геометрия” сингари арабча, *лашкар* “кўшин”, *майфуруш* “май ичувчи; май сотувчи” сингари форсча-тожикча, *даруга* “қалъа, кўрғон коменданти”, *муран* “дарё”, *нукар/навкар* “навкар, аскар” каби мўғулча терминлар бу давр терминологик тизимида нисбатан кенг кўламда ишлатилган.

Эски ўзбек адабий тили терминологиясининг такомиллашувида, унинг янада юқориқ босқичга кўтарилишида тилнинг ички қонуниятлари қатори ташки таъсирнинг, яъни экстралингвистик омилларнинг роли салмоқли бўлган. Ўзбек адабий тилининг асосчи Алишер Навоий, унинг Лутфий, Отоий, Саккокий, Яқиний сингари салафлари, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Огаҳий, Мунис каби издошлари томонидан таълиф этилган бадий, тарихий, илмий асрлар лексик

бойлиги таҳлилидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, ўзбек тили ички имкониятларидан кенг фойдаланилган тарзда термин яратиш бу давр учун анча сермахсул усул ҳисобланган. Она тилига миллатнинг бош кўзгуси тарзида муносабатда бўлиш заруриятининг Алишер Навоий томонидан зиёлилар, олимлар, шоиру ёзувчилар олдида кун тартибига қатъий ва рўй-рост қўйилиши ўз ижобий аксини терминлар тизимида ҳам топган эди. Аниқ фанлар қатори ижтимоий-гуманитар фан соҳаларининг шаклланиб бориш жараёни уларга тааллуқли махсус тушунчаларни ифодаловчи терминлар яратилиши билан параллел кечди. Бунда биринчи галда эски ўзбек адабий тили, жонли сўзлашув тили, лаҳжа ва шеваларда мавжуд лексик бирликлар терминлар сафини кенгайтди, ўзбек тилда сўз ясашда кенг қўлланган аффикслар ёрдамида катта адабда терминлар ҳосил қилинди. Араб, форс-тожик, мўғул тилларидан ўзлашган терминлар миқдори шиддат билан ошиб борди. Хорижий тиллардан кириб келган сўз ясовчи қўшимчалар ҳам терминлар ясашда муҳим ўрин эгаллади. Ҳарбий курул-яроғ, техника билан боғлиқ *тўп* “замбарак”, *қазан* “оғир тўп”, *туфанг* “милтиқ” каби асл ўзбекча терминлар билан ёнма-ён арабча *раъд* “ёниб турган нефтни душман томон ирғитувчи тўп”, *аррода* “палоқмон”, *манжаниқ* “катапульта”, форсча-тожикча *зарбзан* “замбарак тури”, *фарангий* “Европа, Кичик Осиёда қуйилган тўп”, *занбурак* “замбарак” каби терминлар жамият аъзоларининг маълум қатлами тилидан ўрин олди.

1.2. Соҳа терминологиясининг ўзбек тили луғат фондидаги ўрни

Ҳар қандай тилнинг сўз бойлиги у тарихий ёки замонавий тусда бўлмасин, инсонлар томонидан тузиладиган ранг-баранг луғатларда маълум даражада аксини топади. Луғат тил сўз бойлигини ўзида сақловчи аккумулятор вазифасини бажаради. Бугун муайян тилшуносликнинг қай даражада ривожлангани, такомил топгани айни тилда яратилган луғатларнинг тури, миқдори ва сифати билан ўлчанмоқда.

Ўзбек луғатчилиги тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Ҳозирга қадар етиб келган луғатлар ичида 1074-1075 йили атоқли луғатнавис Маҳмуд Кошғарий томонидан тузилган “Туркий сўзлар девони”, яъни “Девону луғотит турк” улкан аҳамиятга эгаллиги билан характерланади. Зотан, араб миллати вакиллари учун жуда катта ҳудудда истиқомат қилувчи туркий халқлар тил хусусиятлари, чунончи, алифбоси, товуш қурилиши, луғат бойлиги, сўз туркумлари ва гап қурилиши ҳақида маълумот бериш учун мўлжалланган мазкур асарнинг илмий аҳамияти шу кунга қадар дунё олимлари қаламига мансуб 1800 атрофидаги илмий изланишларда эътироф этилган. Араб луғатчилиги анъаналари ва қоидалари асосида тузилган бу луғатдан тахминан саккиз минга яқин сўзлар, бирикмалар, иборалар, мақол ва маталлар, халқ оғзаги ижоди намуналари жой олган. “Девону луғотит турк”, гарчи, луғат деб номлансада, бироқ унда қорахонийлар даври эски туркий тилнинг ўзига хос хусусиятлари яхши таҳлил қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Девон”дан ўрин олган лексик бирликлар қатори, қорахонийлар салтанатининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳарбий, маиший турмуш тарзида мавжуд тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар

сон жиҳатдан салмоқли ҳисобланади. Бу каби соҳа истилоҳлари билан ёнма-ён ономистика, жумладан, атоқли отлар, жой номлари, географик объектлар номи, гидронимлар, ҳайвонот (фауна) ва ўсимлик дунёси(флора)га оид талайгина лексемалар қиёмига етган ҳолда изоҳланган.

Ўзбек лексикографиясининг шаклланишида Махмуд Замахшарийнинг (18.03.1075 -1144) “Муқаддимат ул-адаб”(Адаб илмига муқаддима) асари алоҳида илмий аҳамиятга эга. Отсиз Хоразмшоҳга бағишлаб тузилган асардаги арабча сўзлар остида форсча ва туркийча таржималарнинг берилиши ўзбек тарихий лексикологияси ва лексикографияси учун қимматли ҳисобланади. Луғат беш қисмдан иборат бўлиб, от, феъл, боғловчи ҳамда от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида фикр юритилади. Луғат муаллифи асарда ўша давр араб тилида қўлланишда бўлган ҳамма сўзларни, ибораларни қамраб олган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилган, уларнинг этимологиясини аниқлашга интилган. Луғат арабчадан форс, эски ўзбек тили (чиғатой тили), мўғул ҳамда турк тилларига илк бор 1706 йилда Хожа Исҳоқ афанди томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган. Замахшарийнинг мазкур асарида шеършунослик, услубшунослик хусусида ҳам баҳс юритилган. Бадиий тасвир воситаларига аниқ, лўнда изоҳлар келтирилган. Чунончи, киноя ва тарз бадиий санъатлари орасидаги фарқ кўрсатиб берилган.

Ўзбек терминологияси ва лексикографиясининг қарор топишида XIV асрга оид араб тилида ёзилган грамматик(филологик) рисоаларнинг сезиларли ўрни борлиги туркологияда аллақачон эътироф этилган. Туркий тилнинг грамматикаси ҳақида баҳс юришишга йўналтирилган Абу Ҳайённинг (вафоти 1344 йил) “Китоб ул-идрок ли-лисон ул-атроқ”, М.Т. Хоутсма фикрича, 1245 йилда Мамлюклар давлати(1250-1517)да Ҳалил бин Муҳаммад бин Юсуф ал-Кўнвий томонидан яратилган “Китоби мажмуаи таржумони турки ва ажами ва муғали”, муаллифи номаълум “Китоби ат-туҳфат уз-закийа фи-л-луғатит туркийа”, Жамолуддин Туркийнинг “Китоб булғат ал-муштоқ фи-л-луғатат- турк ва-л-қифчақ”, XV аср бошида Қоҳирада таълиф этилган “ Ал-қавонину-л куллийа ли-забтил-луғатит-туркийа” сингари асрларда туркий тилнинг сўз бойлиги,алалхусус, терминлар тизими маълум даражада ифодасини топган. Мазкур давр асарларида қайд этилган туркий тил лексикаси, чунончи, терминлар сиистемасини “Таржумони турки ва ажами ва муғали”да келтирилган куйидаги мавзуй гуруҳларнинг ажратилганини қайд этиш билан чекланамиз: *киши номлари* – Алақуш, Ақтай, Алтунташ, Байбарс, Сонқур ва ҳ.к.; *Астронимлар* : Улқар; *географик номлар*: Шам, Миср; *зоонимлар*: ат, окуз, қатир, боға, айғир ва ҳ.к.; *йиртқич ҳайвонлар*: аслан, сиртлан, бори, тулку ва ҳ.к.; *қуш ва ҳашоратлар*: қартал “бургут”, сарча “чумчуқ”, қаз, қарлағач, қарға ва ҳ.к.; *ҳарбий асбоб-анжомлар*: йа, кириш “ёй ипи(тетива)”, сунгу “найза”, қалқан, чокмар ва ҳ.к.; *тиббий терминлар*: йиг/ик “касаллик, иллат”, ағри “оғриқ”, сокан “бемор, касал”, иситма, отурмак “йўтал” ва ҳ.к.; *музиқий терминлар*: дудук “музиқа асбоби”, томру “дўмбира”, йақлик “рубоб”, сибизғу “сивизға” ва ҳ.к.

Ўзбек лексикографиясининг шаклланишида Алишер Навоий ва ўзбек мумтоз адабиёти намояндлари асарларига тузилган луғатларнинг роли сезиларлидир. Жумладан, Ҳусайн Бойқаро мирзо кўрсатмасига биноан 1405 йилда Толи Имони

Ҳиравий томонидан тузилган “Бадое ул-луғат”, Туркия (Рум)да яратилган муаллифи номаълум чиғатойча(эски ўзбекча)-усмонли туркча “Абушқа” (XVI аср), Муҳаммад Махдийхоннинг эски ўзбекча-форсча “Санглох” (1748), Фатҳали Кожар Қазвинийнинг 1862 йилда тузилган “Луғати атрокия”, Яъқуб Чингийнинг “Келурнома”, Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” каби асрлар ўзбек луғатнавислигининг дурдоналари сафидан ўрин олган.

XIX асрнинг 70-йилларидан эътиборан ўзбек терминологияси ва лексикографияси рус тили орқали Ғарбий Европа тилларидан кириб келаётган ўзлашмалар таъсирида ривожланиш палласига қадам қўйди. Собиқ шўролар ҳукмронлиги вақтида ўзбек тили терминологияси янги тушунчалар ва уларни ифодаловчи ҳаддан ташқари кўп миқдордаги ўзлашмалар терминлар ҳисобига кенгайди. Соҳа терминологияси тизимининг вужудга келишида соф ўзбекча лексик бирликлар қатори Русча-байналминал терминларнинг роли юқори бўлди. Бу жиҳат айниқса, табиий фанларга хос терминологик тизимда яққол ифодасини топди. Мустақиллик даври ўзбек терминологияси Глобаллашув ва Интернетга қадам қўйилган XXI асрда ҳар томонлама такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда.

Хуллас, ўзбек терминологияси ва луғатшунослиги бир неча асрлик шаклланиш ва тарққий этиш босқичларини босиб ўтди. Бу босқичларда ўзбек терминологияси ва лексикографияси на фақат ўз ресурслари, шунингдек қариндош бўлмаган тиллар бойликларидан ўрни билан фойдаланган ҳолда ўз ривожланиш йўлида давом этди.

Назорат саволлари

1. Терминнинг сўздан нима фарқи бор?
2. Лексикографиянинг тилшуносликдаги ўрни қандай?
3. Ўзбек терминологиясининг нечта шаклланиш ва ривожланиш босқичларини биласиз?
4. Ўзбек луғатчилигига асос бўлган қандай асарларни келтира оласиз?
5. Ўзбек терминологияси қайси манбалар ҳисобига шаклланган?
6. Ўзбек терминологиясининг шаклланиши ва таракқиётида ўз қатламнинг роли қандай?
7. Ўзбек терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишида қайси чет тилларининг таъсири кучли бўлган?
8. Ўзбек лексикографияси қандай анъанлар ва принципларга суянган тарзда шаклланди?
9. Ўзбек луғатчилигининг шаклланишида “Девону луғотит турк”нинг қайдай улуши бор?
10. “Муқаддимат ул-адаб” неча тиллик луғат?
11. XIV асрда Мамлюклар давлатида араб тилида ёзилган рисоаларни тавсифланг.
12. XV-XX аср боши эски ўзбек адабий тили вакиллари асарларига тузилган қандай луғатлар бор?
13. Ўзбек терминологиясининг бугунги аҳволи хусусида нима дейсиз?

14. Мустақиллик даврида ўзбек луғатшунослиги қандай ютуқларни қўлга киритди?

Фойдаланилган адабиёт:

1. Абдушукуров Б. Эски туркий тил лексикаси. Тошкент, 2015.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-IV. Тошкент: Фан, 1983-1985.
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент, 1983.
4. Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент, 2002.
5. Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. Ташкент, 1940.
6. Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке/Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент: Фан, 1990. – С. 3-83.
7. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Ташкент: Ёзувчи, 1991.
8. Дониёров Р. Ўзбек тили илмий-техникавий терминлар тарихидан. Тошкент, 1974.
9. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Тошкент, 1977.
10. “Таржумон”-XIV аср ёзма обидаси. Тошкент: Фан. 1980.
11. Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. Тошкент: Фан, 1981.
12. Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари. Тошкент, 1985.
13. Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиначилари. Тошкент: Гафур Гулом, 1989.

2-мавзу: VII-XX асрнинг 20-йилларигача бўлган давр ўзбек терминологияси ва лексикографияси

РЕЖА:

2.1. Эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили сўз бойлигининг лексикографик асарларда акс этиши.

2.2. Алишер Навоий ва бошқа ўзбек адиблари асарларига бағишланган мумтоз лугатларнинг тузилиш принциплари.

Таянч иборалар: эски туркий тил, илк эски туркий тил, товуш ўзгариши, инлаут, фонема, лексик фонд, рудимент шакл, ўз қатлам, лексикографик манбалар, исмлар, феъллар, феъллардан ясалган исмлар, истеъмолдан чиққан сўзлар, эскирган сўзлар, истилоҳ.

2.1. Эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили сўз бойлигининг лексикографик асарларда акс этиши.

Туркийшуносликда эски туркий тил тушунчаси остида XI-XIV асрларда туркий тил хусусиятларини акс эттиришга йўналтирилган нафақат туркий, балки нотуркий тилларда яратилган манбалар ҳам назарда тутилади. Эски туркий тил манбалари муайян тил қоидалари, уларда юз берган жараёнлар, қолаверса ёзилиш тарихи нуқтаи назаридан илк эски туркий тил (XI-II) ва XIII-XIV асрларда қўлланган эски туркий тил тарзида таснифланади. Илк эски туркий тил обидалари сирасига асосан қорахонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган вақтда юзага келган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Аҳмад адиб Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлари”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб”, муаллифи номаълум “Ўғузнома” сингари асрлар тааллуқлидир. Бу асарлар шунингдек дз тилли манбалар деб юритилади. Маълумки, қадимги туркий тилнинг ўзига хос жиҳатларидан бири *йадаг* “яёв, пиёда”, *адаг* “оёқ”, *адзу* “эзгу”, *қадзу* “қайғу, алам, изтироб” сингари лексемаларнинг инлаутида д фонемаси ишлатилган. X-XI асрлардан эътиборан мазкур фонеманинг дз шаклига ўтиши қонуният тусини ола бошлаган ва келтирилган сўзлар *йадзаг*, *адзаг*, *адзгу*, *қадзгу* тарзида қўлланишда бўлган. XIII-XIV асрга келиб дз товушининг секин-аста й товуши билан алмашилиш жараёни кузатилади. Ушбу жараён тахминан XV аср бошларига қадар давом этган. Яъни *йадзаг*, *адзаг*, *адзгу*, *қадзгу* каби соф туркий сўзлар йайағ, айағ, эзгу, қайғу шакллари дам қўлланаверган. Баъзи манбалар матнида ҳар учала

шаклли сўзларнинг ишлатилганининг гувоҳи бўламиз, Масалан: Носируддин Рабғузийнинг 1310 йилда Работўғуз беки Носируддин Тўқбўғабек илтимосига кўра яратилган “Қисас Рабғузий” асари тилида “кудук” маъносини ифодалаш учун нафақат сўзнинг асар яратилган даврга оид қудзуқ, қуйуқ шакллари балки қадимги қудуқ шакли ҳам ифодасини топган. Мазкур ашъвий материал XIV асрда Хоразмда д товушининг дз товушига ўтиш жараёни тўла-тўқис яқунламаганлиги, айни чоғда тилда етакчилик қилган дз товушининг й товушига ўрини бўшатиб бера бошлаганидан далолатдир. Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тилида юқорида таҳлилга тортилган лексеманининг қудуқ рудимент шакли сақланиб қолган.

Назарий машғулотнинг биринчи мавзусида таъкидланганидек, ўзбек лексикографияси ўзоқ шаклланиш ва ривожланишнинг уч босқичини кечирган.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида фотиҳ араблар ҳамда салкам юз йил тахт тепасида турган сомонийлар вақтида қадди дол ҳолатига тушиб қолган туркий тилнинг қомати маълум даражада ростланди, унда бир қатор бадий, дидактик, диний, тарихий асарлар яратилди. Бизнинг кунимизга етиб келган обидалар матндан эски туркий тил сўз бойлигининг ўта ранг-баранг, микдор жиҳатдан салмоқли, асосан, ўз қатламдан иборат бўлганлигини илғаш қийинчилик туғдирмайди. Айни чоғда эски туркий тил сўз бойлигининг ривожланишда араб, форс-тожик тилларининг ҳам сезиларли таъсири бўлганлигини инкор этиш мумкин эмас, албатта. Эски туркий тил лексикасининг ўзига хос жиҳатлари ўша даврларда тузилган лексикографик манбаларда равшан аксини топган. Бой маданий меросга эга бўлган туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг тарихида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари алоҳида аҳамиятга молик. “Девон” ўз давридаги туркий қабилаларнинг сўз бойлиги, луғатини изоҳлашга, сўзларнинг маъно ва маъно нозикликларини очиб беришга, турли қabila тиллари ўртасидаги характерли фонетик ва морфологик фарқларни кўрсатишга мўлжалланган. Бу жиҳатдан луғат С.Муталлибов таъкидлаганидек, фақат изоҳли луғатгана бўлиб қолмай, XI аср тилининг фонетика ва грамматикаси ҳамдир.

“Девон” XI асрда Марказий Осиёда истиқомат қилган туркий қабилалар, уруғлар, қавмлар ва уларнинг тил хусусиятларини ўрганишда, изланишлар олиб боришда ҳамда ҳозирги туркий халқларнинг шаклланиш ва қарор топишини белгилашда муҳим сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга. Маҳмуд Кошғарийнинг саъй-ҳаракати, она тилига бўлган чексиз муҳаббати, қолаверса, элга, юртга бўлган фидойлиги натижаси ўлароқ дунё юзини кўрган бу луғат қадимги туркий тил, эски туркий ва эски ўзбек адабий тили обидаларини тушуниш ва ўрганиш йўлида қимматли қўлланма вазифасини ўтади, ўтамоқда ва ўтайди ҳам.

“Девон” Муқаддима ва Луғат қисмидан иборат бўлиб, муқаддимада муаллиф турк тилининг аҳамияти ва хусусиятлари, ўз олдига қўйган мақсади, асарнинг структураси ва тартиби, қўлланилган ёзув-алифбо, феъллардан ясалган исмлар, сўзларнинг тузилиши ва ўзгариши, тилга олинмаган сифатлар, масдарлар хусусида, турк табақалари ва қабилалари борасида қисқача маълумот келтиради, уларнинг яшаш жойларини доира(харита)да тасвирлайди.

Луғат қисмида луғатнавис ўша даврда қўлланишда бўлган барча туркийча сўзларни қамраб олишга, изоҳлашга ҳаракат қилган, уларни етарли даражада

илмий, тарихий аспектларда кенг ва тўлиқ ёритиб берган. Луғатчининг таъкидлашича, тилда истеъмодан чиққан сўзлар луғатга киритилмаган, Зеро, ишлатишдан қолган *рақа, ақуз, зиқи, зиқ* каби сўз(историзм)ларни изоҳлашга ҳожат бўлмаган. Айти пайтда Маҳмуд Кошғарий эскирган (архаизм) сўз намунасини кўрсатиб, уларнинг адад жиҳатдан кўплигини эътироф этган. Бу ҳолат “Девон”да изоҳланган тилнинг жуда қадимийлигини белгилайди.

Луғатдадан ўрин олган сўзлар икки, яъни исм ва феълларга тақсимланган ҳолда изоҳланган. Дастлаб исмлар, сўнгра феъллар берилган. Исмларда ҳам, феълларда ҳам олдин ҳамза (у, о, а) ҳарфлари билан бошлаган сўзлар, кейин махсус алифбо тартибида б, т ба ҳ.к. ҳарфлар билан бошланган лексемалар изоҳини топган. “Девонда” оз ҳарфли сўзлар олдин, кўп ҳарфли сўзлар эса кейин берилган. Луғат муаллифи энг кам ҳарфли исм икки, энг кўп ҳарфли исм етти ҳарфли деб кўрсатади. Маҳмуд Кошғарий луғат материалларини йиғиш асносида нафақат жонли сўзлашув тили материаллари, шунингдек эски туркий тил терминологияси тизимига доир кўпдан-кўп истилоҳларни ҳам тўплаган ва изоҳлаган. Чунончи, *су* “лашкар, армия”, *оқ* “ўқ”, *им* “пароль”, алп “қахрамон, ботир”, сунгу “найза”, уруш “жанг”, атлиғ “суворийлар”, *тутғақ* “айғоқчи қисм” ва ҳ.к., *қаган* “хоқон”, *хан* “хон”, *йафғу* “олий лавозим эгаси”, *тутуқ* “ҳарбий губернатор сингари ижтимоий-сиёсий истилоҳлар шулар жумласидандир ва ҳ.к.

Эски туркий ва эски ўзбек адабий тили сўз бойлигини ўзида мужассам этган лексиграфик манбалар сирасига аввалги мавзуда таъкидлаганидек араб тилида яратилган бир қатор рисоаларни киритиш ўзини оқлайди. Зотан, “Китоб ул-идрок”, “Таржумон”, “Ат-тухфа”, “Китоб –ул-булғот”, “Ал-қавонин” сингари филологик рисоалар асосан турк тилини ўргатиш учун мўлжалланган кўлланма вазифасини ўтаган бўлса-да, бироқ бу асарларда туркий тилларнинг сўз бойлиги, уларнинг структураси, тематик гуруҳларига оид қимматли маълумотлар аксини топган.

Ашёвий материалларга мурожаат қиламиз. Туркий-қипчоқ тили фонетикаси, лексик бойлиги, морфологиясини араб миллати вакилларига таништириш учун юзага чиққан “Таржумон турки ва ажами ва мўғали” рисоласи тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда исмлар, иккинчи қисмда феъл масдари буйруқ майли, учинчи қисмда сўзларнинг турланиши ва феълларининг тусланиши, тўртинчи қисмда сўзларнинг кўлланиш қоидалар ҳақида мулоҳаза юритилган. Асарнинг биринчи исмлар ҳақидаги қисми 26 фаслни ўз ичига олган. Булар: осон ва унга тегишли нарсалар, ер ва ундаг жойлар, дарахтлар, мевалар, ўсимликлар, экин ва донлар, қушлар ва уларга ўхшаш нарсалар, йиртқич ҳайвонлар, ҳашоратлар, отлар ва уларнинг турлари, от абзали, қурол-аслаҳа ва уруш асбоблари, туя ва қорамоллар, қўй ва эчкилар, озиқ-овқат ва сутлар, уй асбоб-анжомлари, палос, аёлларга хос нарсалар, кийим-кечак, газмол, унинг хиллари, инсоннинг ташқи ва ички аъзолари, сон ва санок сонлар, ҳунар турлари, мартабалар, кишиларнинг сифатлари, ҳар бир нарсанинг номи ва уларнинг зиди, вақт, турки ва туркий бўлмаган исмларнинг изоҳи, ранглар ва уларнинг орттирма даражалари, маъданлар, қариндош уруғлар, хўжайин, қул-чўри, таниш-билишлар ва дард-касалликлар, дори-дармонлар ва ўлим ҳақидаги фасллардан ташкил топтирилган. Рисолада туркий тил сўз бойлигининг қайд этилган усулда тақдим

этилиши бугунги кунда шаклланган тезаурус луғатлари тузиш принципларги мос тушади.

Айни шунга яқин фикрни “Ат-туҳфа”нинг тузилиши борасида ҳам билдириш мумкин. Ҳарфлар бўлимидан кейин бевосита сўзларнинг изоҳи, маъноси очилган. Изоҳланаётган сўзлар қандай ҳарф билан бошланиши жиҳатидан гуруҳлаштирилган: ҳамза ҳафи билан бошланувчи сўзлар-*тангри* “Оллоҳ”, *кичи* “киши”, *қадаш* “ака”, *тул* “тул”, йалмағай, *сақалсиз* “сақолсиз”, *солагай* “чапақай”, *тумав*, *тумаг* “тумов” ва ҳ.к., б/п ҳарфли сўзлар *қарин* “эгов”, *қизлиқ* “қизлик, бокиралик”, *қут* “бахт”, *қизгани* “бахил”, *абдал* “аҳмоқ”, *кол* “кўл” ва ҳ.к. Асар бой лексик материални қамраб олган бўлиб, унда катта миқдордаги синонимлар, антонимлар, омонимлар қатори бошқа филологик рисоаларда қайд этилмаган лексемаларнинг ҳам м авжудлиги билан аҳамият касб этади. Асарнинг лексик таркиби тахминан 8000га яқин сўзлардан иборат бўлиб, 1729 таси от, 1185 таси феъл, 313 таси сифат, 92 таси сон, 53 таси олмош, 34 равиш, 22 таси боғловчи, 32таси кўмакчи, 7 таси юклама, бтаси ундовлардир. Асарнинг луғат қисми 36 тематик гуруҳни ташкил қилади. Асар муаллифи ва бошқа тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, “Ат-туҳфа”нинг тил материаллари туркий тиллар ва шеваларга хос бўлиб, аралаш тилнинг кипчоқ-ўғуз типи хусусиятларини ифодалайди.

2.2. Алишер Навоий ва бошқа ўзбек адиблари асарларига бағишланган мумтоз луғатларнинг тузилиш принциплари.

XV асрнинг бошларидан эски ўзбек адабий тили тўлалигича *й* тилига айланди, яъни олдинги асрларда қўлланган бир қатор сўзларнинг инлаутидаги *дз* товушининг *й* товушига ўтиш жараёни узил-кесил якунига етди. Айни ҳодисанинг юз берганини эски ўзбек адабий тилида яратилган дастлабки асар ҳисобланмиш Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони яққол намоёиш этади.

Эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш ва ривожланишига бебаҳо улуш қўшган Яқиний, Лутфий, Отоий, Саккокий, Муқимий, Гадоий сингари шоирларнинг назамий асарларида XV аср ўзбек адабий тили сўз бойлиги маълум даражада ифодасини топган. Бироқ ўзбек тилининг бундан тахминан беш аср муқаддам қўлланишда бўлган луғат хазинаси, муболағасиз, тилимизнинг том маънодаги асосчиси, улуғ шоир ва мутафаккир, йирик давлат арбоби, эл-юрт ҳомийси ҳазрат Низомуддин Мир Алишер Навоийнинг ҳам назм, ҳам насрда битилган 32дан ортиқ бадиий, тарихий, илмий, дидактик асарларида қайд этилган. Турли жанрларда ижод қилган Навоий ўзбек тилининг жозибаси, қудрати, имкониятларидан истифода этган ҳолда 26 мингдан ортиқ сўз, сўз бирикмалари, ибораларни қўллаб, тилимизнинг на қадар бой, серқирра, ҳар қандай тушунчани ифодалаш имкониятига эга эканлигини жаҳон афкор оммасига рўй-рост кўрсатди. Алишер Навоий эски ўзбек тили сўз фондида мавжуд бўлган, кундалик турмуш тарзида фаол ишлатилган сўзларни асарларида ишлатиш, уларга турли маъновий вазифалар юклаш билан чекланиб қолмади, балки она тилининг кенг имкониятларини ишга солиб кўпдан-кўп янги сўзлар яратди, тил луғат таркибининг бойишига салмоқли хисса қўшди. Таъкидлаш жоизки, Навоий асарларида омма учун маъноси тушунарли бўлган сўзлар қатори, мазмун-моҳиятини англаш мураккаб ёки қийин ҳисобланган лексик birlikлар ҳам

анчагина эди. Мана шу вазиятдан чиқиб кетиш мақсадида шоир вафотидан сўнг унинг асарларига луғатлар тузиш масаласи кун тартибидан ўрин олган эди. Ушбу йўналишдаги дастлабки иш сифатида 1505 йили шахсан Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо ташаббуси билан Толи Имони Ҳиравий томонидан тузилган “Бадое ул-луғат” саналади. Мазкур луғатнинг тузилиш принциплари, унда изоҳланган сўзлар, тасдиқловчи фактик материаллар хусусида туркологияда А.К.Боровков, Б.Ҳасанов, Э.Умаров каби олимларнинг изланишларида керакли маълумотлар берилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, луғат асосан Навоий асарларида ишлатилган соф туркий(эски ўзбек)ча, мўғулча ва жуда оз миқдорда арабча сўзларнинг форсча-тожикча изоҳини беришга қаратилган. Шу жиҳати билан “Бадое ул-луғат” икки тилли луғатлар турига мансубдир. Бу даврга келиб икки тилли луғатлар тузиш борасида муайян тажрибага эришилган эди, арабча-форсча, форсча-туркча, туркча-арабча луғатлар тузиган бўлиб, лексикографик ан-анганинг м авжудлиги Толи Имони Ҳиравийга сифатли луғат яратиш имконини берди. Асардан жами 854 сўз ўрин олган.

Ушбу луғат мақолаларининг тузилиш схемаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олган:

1. Луғат мақоланинг бош сўзи – у феъл, от, сифат, сон, олмош, равиш, сифатдош, ундовлар, юклама ва қўшимчалар бўлиши мумкин.
2. Сўзнинг ёзилиши ва ўқилишига оид фонетик қайдлар.
3. Сўзнинг форсча таржимаси ёки кенгайтирилган изоҳи . Бу ерда сўзнинг этимологияси, ишлатилишига доир турли маълумотлар келтирилади.
4. Сўзнинг шакли бўйича грамматик қайдлар.
5. Бош сўз ва ундан ясалган сўз шакллариининг ҳар бири маъносини тасдиқлаш учун келтирилган шеърини парчалар.

“Бадое ул-луғат”нинг 1705-1706 йилда кўчирилган ягона нусхаси Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақламоқда.

Румий томонидан тузилган “Абушқа” луғатининг ҳозир 8 та қўлёзма нусхасидан 5таси Санкт-Петербургда, 32таси ЎзФА Шарқшунослик илмий-текшириш марказида сақланмоқда. Луғатнинг кенг тарқалган номи унинг ичига кирган сўзларнинг биринчиси, яъни “Абушқа” (қария, кекса) дан олинган. Луғат дастлаб Ҳ. Вамбери, ундан кейин В.Вельяминов-Зернов томонидан 1869 йилди Петербургда нашр қилинган.

“Абушқа” ўз ичига 2054 сўз ва сўз шакллариини қаираб олган. Сўзлар бошланиш ҳарфларига кўра 21 бобга ажратилган. Боблар ўз ичига кирган сўзларининг биринчи ҳарфи номи билан, масалан, *ал-ҳарф ал-алиф*, *ал-ҳарф ал-бо* тарзида номланган. Бошланиш ҳарфи п ва г бўлган сўзлар б ва к бобларига киритилган. Бойи арабиц (б), бойи ажами (п), кофи арабий (к) ва кофи ажамий (г) ишоралари бу ҳарфларнинг жарангли ёки жарангсизлигини билди ради. Ч ҳарфи билан бошланувчи сўзлар ж бобида ва улар уч нуктаси билан ёзилани учун фонетик қайдсиз келтирилган. 21 бобнинг ҳар бири ўз навбатида 3 қисмга бўлинган. Аввлги қисмда биринчи ҳарфи фатҳали, сўнг касрали ва боб охирида биринчи ҳарфи даммали сўзлар келади. Қуйидаги жадвалда “Абушқа” боблари, уларнинг тартиби ва бобларига кирган сўзлар аксини топган:

Боблар тартиби алиф бо то жим ҳо хо дол ро зо син шин Сўзлар сони
560 204 350 122 1 4 61 5 1 165 12

Боблар тартиби то ғайн фо қоф коф лом мим нун ҳо йо

Сўзлар сони 3 10 11 187 144 6 45 21 4 138

Шуни қайд этиш зарурки, луғатда алифбо тартиби қатъий сақланган эмас. Масалан, луғат бошланишида сўзларнинг кетма-кетлиги тубандагича: *абушқа, абага, аталди, атқади, атап, атағил, атип* ва ҳ.к. Бу сўзларни жойлаштиришда алифе тартиби сақланганда улар *абага, абушқа, ат, атап, атағил* тартибида келиши лозим бўлар эди. "Абушқа" лексик материални қамраб олиши нуқтаи назаридан "Бадое ул-луғат"га нисбатан анча бойлиги билан аҳамият касб этади. Луғатда иллюстратив материаллар рубойий бўлса тўлалигича, қазалландан эса фақт бир байт келтирилган.

"Абушқа"дан сўнг икки аср давомида Алишер Навоий ва мумтоз ўзбек адиблари, шоирлари асарларига бағишлаб тузилган луғатлар кўзга ташланмайди. Эски ўзбекса-форсича луғатнавислик анъаналарининг XVIII асрдаги тараққиёти Мирза Муҳаммад Маҳдийхон номи билан боғлиқ. Маҳдийхон Нодиршоҳ (1688-1747)нинг шахсий муншийси ва сарой тарихчи сифати фаолият юритган. Стилист ёзувчи, шоир ҳам бўлган Маҳдийхон кейинчалик Тахмосп II хизматида кирган. 1748 "Тарихи Нодирий" асарини биттади. Ордан 11 йил ўтгач, яъни 1759 йилда "Санглох" ни поёнига етказди. Луғатнинг мўътабар нусхалари Британия музейи ва Бодлен кутубхонасида сақланадию Айни нусхалар асосида 1960 йили Ж.Клосон асарни нашр қилган эди. "Санглох" таркиб жиҳатдан Алишер Навоий асарларига тузилган бошқа луғатлардан фарқ қилади. Унинг таркибига диққат қаратамиз: Санглох: Муқаддима ва Мабони ал-луғат (1б-26а), -луғат (27а-353а) - Тушунилмаган сўз ва байтлар- тазйил (353а-367а). Муаллиф луғатнинг киришида Навоий асарлари лексикаси ва ибораларининг салобати ва қийин (қаттиқлиги) боис китодга "Санглох" (тошлок) ном қўйганини айтади. "Бадое ул-луғат", "Абушқа"дан ташқари иккинчи Румий, Фароғий, Надр Али, Мирзо Абдулжалил Насрийларнинг бизгача етиб келмаган луғатлари бўлганлиги хусусида маълумот беради.

Асарнинг "Мабони ал-луғат" қисми эски ўзбек тилининг грамматикасига бағишланган. Навоий асарларидаги баъзи қийин арабий ва форсий сўз ва ибораларни тушунишда луғат сўнггида илова қилинган "Зайл" кўм ак беради. Китобнинг асосий луғат қисми 5 жузвга тақсимланган. Жузм(қисм)лар китодлар бўлинган. Буларнинг ичига кирган ҳар бир ҳарф мустақил китобни ташкил этади.

Ҳар бир китоб ичига кирган сўзлар биринчи ҳарфларининг ҳаракасига кўра аввал мафтуҳот, сўнг м азмуот ва ниҳоят максурот бобларига йиғилган. Биринчи ҳарфи алиф, вов ёки йо ҳарфли сўзлар ҳам мазкур боб номлари билан номланган. Луғатдан жами 6181 луғат мақоласи ўрин олган. Луғат мақолаларининг кенглиги, сўз шакллари луғат мақола ичида ва уларнинг маъноларини мумкин қадар тўла ва мисоллар билан изоҳлаш жиҳатидан "Санглох" Навоий асарларига тузилган бошқа луғатлардан бекиёс даражада устун туради. Унда араб ва форс лексикографиясининг узоқ вақтлар давомида эришган ютуқларининг татбиқини кўраамиз.

Фатҳали Кожар томонидан тузилган “Луғати атрокия”нинг hozirга кадар фақат икки қўлёзма нусхаси етиб келган. Бир нусхасини А.Ромаскевич 1914 йилда Техронда сотиб олган. “Ромаскевич нусхаси “деб аталувчи бу нусха Салтиков-Шчедрин кутубхонасида 1177 рақми остида сақланмоқда.

Луғат 4 қисмдан иборат: Муқаддима (1-12 варақлар), Луғат (13-104 варақлар), “Санглох” муаллифи Махдийхон ечиб бера солмаган 12 сўз изоҳлари (405-407 варақлар). Луғат жами 28 бобдан иборат бўлиб, 7694 сўзни қамраб олган. Бу сўзларнинг учдан бир (3/1) қисми бир ўзакдан ясалган сўз шаклларида иборат. Масалан, *кўрмак* феълидан ясалган *кўрар*, *кўрасиз*, *кўрдинг*, *кўргали*, *кўрган*, *кўринг*, *кўрмадук*, *кўрмасун*, *кўрмайдур* шулар жумласидандир. Луғатда сўзларни алифбе тартибига солишда принцип йўқ: *асрабан*, *андақ*, *абага*, *авучлабан*, *ара*, *алтун тамга* ва ҳ.к.

Луғатда нафақат туркийча, шунингдек 429 та арабча, форсча ва 200 чамаси мўғулча сўзларнинг ҳам маъноси изоҳланган. Муаллиф ажар, улта, эдур, байағ, чапун, санатин, қаримчи каби сўзларнинг маъносини тушунмаганини айтиб ўтган.

Назорат саволлари:

1. Қайси асарлар илк эски туркий тил манбалари сирасига киради?
2. *Дз* тилли луғатлар дейишнинг маъносини тушунтириб беринг.
3. Махмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асари қандай принциплар асосида яратилган?
4. “Девону луғотит турк”да асосасн қандай ва қанча сўз изоҳланган?
5. “Девону луғотит турк”нинг ўзбек луғатнавислигидаги ўрни қандай?
6. “Муқаддимат ул-адаб” неча тиллик луғат?
7. Араб тилида яратилган филологик рисоаларнинг ўзбек лексикографияси шаклланишидаги роли қандай?
8. “Таржумон турки ва ажами ва мўғали”да лексемаларнинг қандай тематик гуруҳлари акс этган?
9. “Ат-тухфа” да сўзларнинг нечта мавзуй гуруҳига эътибор қаратилган?
10. Алишер Навоий асарларига луғат тузишнинг объектив сабаблари нимадан иборат эди?
11. Нима учун Султон Ҳусайн Бойқаро Толи Имони Ҳиравий зиммасига Алишер Навоий асарлари луғатини тузиш вазифасини юклади?
12. “Бадое ул-луғат”нинг тузилиш принципи қандай эди?
13. “Санглох”ни тузишда Махдийхон қандай йўлдан борди?
14. “Санглох”нинг структурси хусусида қандай фикр берасиз?
15. “Санглох”да нечта сўз- мақола мавжуд?
16. “Луғати атрокия”нинг нечта қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган?

Фойдаланилган адабиёт:

1. Абдушукуров Б. Эски туркий тил лексикаси. Тошкент, 2015.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-IV. Тошкент: Фан, 1983-1985.
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент, 1983.

4. Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент, 2002.
5. Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. Ташкент, 1940.
6. Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке/Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент: Фан, 1990. –С. 3-83.
7. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Ташкент: Ёзувчи.1991.
8. Дониёров Р. Ўзбек тили илмий-техникавий терминлар тарихидан. Тошкент, 1974.
9. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Тошкент, 1977.
10. “Таржумон”-XIV аср ёзма обидаси. Тошкент: Фан. 1980.
11. Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. Тошкент: Фан, 1981.
12. Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари. Тошкент, 1985.
13. Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари. Тошкент: Фафур Ғулом, 1989.

3-мавзу: Ўзбек терминологияси тизими: терминларнинг структур-грамматик тузилиши.

РЕЖА

3.1. Собиқ шўроларлар даври ўзбек терминологияси. Ўзбек терминологиясининг байналминал истилоҳлар ҳисобига бойиши. Терминологияда юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун бўлган ҳаракатлар.

3.2. Мустақиллик даврида ўзбек терминологияси ва

Таянч иборалар: байналминал терминлар, туб луғат бойлик, тараққий этиш йўли, янги тушунчалар, сўз ясаш имкониятлари, семантик усул, синтактик усул, морфологик усул, арабча ўзлашмалар, форсча-тожикча ўзлашмалар, Атамашунослик қўмитаси.

3.1. Собиқ шўроларлар даври ўзбек терминологияси. Ўзбек терминологиясининг байналминал истилоҳлар ҳисобига бойиши. Терминологияда юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун бўлган ҳаракатлар.

Ҳозирги вақтда ўзбек терминологияси ҳар томонлама шахдам қадамлар билан тараққий этмоқда. Фан ва техника, сиёсат, иқтисодиёт ва маданий ҳаётга доир асосий тушунчалар мутаносиб терминология тизими билан таъминланган. Мустақиллик йиллари мамлакатда турфа икки тилли, кўп тилли ҳамда изоҳли луғатлар дунё юзини кўрди. Айни пайтда турли соҳага оид терминологик луғатлар тузиш борасида жадал ишлар амалга оширилмоқда, терминологияга оид ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиёт нашрдан чиқмоқда. Ўзбек терминологиясининг янада ривожланишида оммавий ахборот восталарининг ўрни салмоқли бўлмоқда.

Ҳозирги ўзбек тили муайян терминологик тизими бойиши, тўлдирилиши ва такомиллашининг бош манбаси, бошқа тилларда кечаётганидек, шубҳасиз, ўз луғат бойлиги эканлиги айни ҳақиқат.

Ўзбек терминологиясининг ўз бойликлари ҳисобига тараққий этиши икки йўл билан воқеланади: а) тилда мавжуд, тайёр сўзлардан янги нарса-предмет ва янги тушунчаларни ифодалашда фойдаланиш; б) ўзбек адабий тили сўз ясаш имкониятлари иштирокида янги терминлар яратиш.

Янги терминларни рўёбга келтиришда сўз яшашнинг морфологик, семантик ва синтактик усулларида унумли истифода этилади. Терминлар яратишда калькаланиш усулининг сезиларли роли бор.

Ўзбек тили терминологиясининг улкан улушини Русча-байналминал фонд асосида юзага чиққан номлар ташкил этади. Бошқа нотуркий тиллардан

ўзлашган терминлар ўзбек халқи фаолиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, социал, маданий, маънавий жабҳаларини қамраб олиши билан характерлидир.

Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1989 йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақидаги” Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тили сўз бойлигининг асосий қатламларидан ҳисобланмиш терминологик лексикага янгича муносабатда бўлишни тақозо этди.

Ушбу жаҳоншумул аҳамиятга молик Қонуннинг қабул қилинишидан сўнг, тахминан, 3-5 йил давомида илгаридан тилда қўлланишда бўлган терминларни, айниқса, русча- байналминал қатламни қайтадан қараб чиқиш тенденцияси кучайиб кетди. Сўзсиз, бундай саъй –ҳаракатлар ўзбек тилининг софлигини сақлаш, унинг асл табиатини қайта тиклашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этди. Собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида ўзбек тили луғат таркибининг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ролга эга бўлган кўпдан-кўп кўхна сўзлар асоссиз равишда эскирган лексик бирликлар категориясига, яъни архаизмлар сирасига киритилган эди.

Ўзбек зиёлилари, чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил қилинган Атамашунослик қўмитасининг самарали меҳнати эвазига *мухторият, маъмурият, маъмур, муқобил, ҳакам, ташириф, инсонпарварлик, хусусийлаштириш, бошбошдоқлик, қолдиқ* (сальдо), *иқтисодиёт, маълумотнома, режа, дастур, кенгаш* сингари жуда кўп ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминлар қайтадан қўлланишга киритилди.

Бироқ бу кезларда терминларни алмаштириш ва ишлатишда маълум чалкашлик ҳамда хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Терминологияга хос меъёрларга ҳар доим ҳам амал қилинмади. Илгари маваффақиятли қўлланган терминларни муомаладан зўрма-зўраки сиқиб чиқариш, уларни сўз ясаиш қонуниятларига жавоб бермайдиган лексик бирликлар билан алмаштириш ҳаракати авж олди.

Вақтинчалик эйфория натижасида тоталитар тузумга нисбатан йиллар давомида шаклланган совуқлик оқибатида қатор Русча-байналминал терминларни алмаштириш ҳаракати кўзга яққол ташланди. Масалан, *аэропорт* термини ўрнида *қўналға, тайёрагоҳ, бандаргоҳ* терминлари ишлатила бошланди, *институт* термини *олийгоҳ, илмгоҳ, билимгоҳ* сўзлари билан алмаштирилди, *журнал* термини ўрнида *ойнома, мажалла, жариди, ойбитик* сўзларини ишлатиш тавсия этилди ва ҳ.к. *Четпул* (валюта), *пултопар* (бизнес), *хужжатаасров* (архив), *нусхакаш* (нотариус), *нақлиёт* (транспорт), *малакасинов* (аттестация) сингари янги ясамалар сунъийлиги, термин ясаш меъёрлариги жавоб бермаслиги билан ажралиб турар эди (Бектемиров 2002; 34). Бундай шошқалоқлик оқибатида ўзбек терминологияси тизимида ноилмий терминлар пайдо бўлди, терминлар таркибида синонимиянинг кучайишига олиб келди.

Маълумки, ҳар қандай тил, авваламбор, ўз имкониятлари заминидан ривожланади. Айни чоғда, мамлакатлар, халқлараро ранг-баранг муносабатлар ҳар қандай тилда ўзлашмаларнинг вужудга келишида муҳим омил ҳисобланади. Мазкур ҳодиса ўзбек тили учун ҳам ёт эмас.

Ўзбек тилида катта миқдордаги арабча ва форсча-тожикча ўзлашмаларнинг қўлланишда қолаётгани сир эмас. Буларнинг муайян қисми илмий терминология таркибида ўз фаоллигини йўқотмаган. Хусусан, *мактаб, синф, муаллим, маъруза,*

мувозанат, *вазн*, *тижорат*, *божхона*, *вилоят*, *фалак*, *ҳуқуқ*, *таркиб*, *матн*, *мавзу*, *ҳоким* ва ҳ.к. термин ва сўзлар нафақат мутахассислар, шунингдек аҳолининг кенг қатламлари нутқида ҳеч қандай қийинчиликларсиз фаол ишлатилади. Гарчи, ҳозирги вақтда ўзбек тилида терминлар яшаш жараёнида араб ва форс-тожик тиллари манба сифатида деярли иштирок этмаса-да, аммо ўзга қариндош туркий тилларда бўлгани сингари ўзбек тили луғат таркибидаги терминларнинг аксарияти шу қадимий тилларга мансубдир. Бу ўзлашмалар ўзбек тилининг фонетик ва грамматик қоидаларига бўйсунган ҳолда янги мазмун касб этган ва янги воқеланган тушунчаларни ифодалашда хизмат қилмоқда.

Русча-байналминал сўзларнинг ўзбек тилига кириб келиши XIX асрнинг биринчи ярмидан бошланган бўлиб, унинг ҳаддан ташқари кучайиши ўлканинг Чор Россияси томонидан забт этилиши, кейинчалик бу ерда шўролар ҳукмдорлигининг қарор топиши даврига тўғри келади.

Бу жараён ўзбек тили терминологияси динамикасини кузатишда ёрқин намоён бўлади.

Ўзбек тилига хос илмий-техникавий терминларнинг жуда улкан қисмини бошқа тиллардан ўзлашган лексик birlikлар ташкил қилади.

3.2. Мустақиллик даврида ўзбек терминологияси ва лексикографиясининг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда таракқий этиши

Глобаллашув ва компьютерлаштириш асрида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти сафидан ўрин олиши давлатлараро иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳ.к. алоқаларнинг қизғин, жадал ошишига олиб келди.

Бундай муносабатларнинг ижобий натижалари нафақат ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий ҳаётда, шунингдек тилда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Сўнгги йилларда ўзбек терминологияси тайёр хорижий лексик birlikлар ҳамда улар англатувчи *академик лицей*, *коллеж*, *магистр*, *магистратура*, *бакалавр*, *тендер*, *преференция*, *инвестиция*, *лицензия*, *дилер*, *мегаполис*, *экология*, *эксперт*, *демтинг*, *инфляция*, *клиринг*, *супермаркет*, *мини маркет*, *гипер маркет*, *чат*, *пайнет*, *электорат*, *наркобизнес*, *миллий авиакомпания* ва ҳ.к. мутлақо янги тушунчалар ва реалиялар ҳисобига бойиб борди.

Ўзбекистон Республикаси олимларининг дунёнинг ривожланган мамлакатлари етакчи олимлари билан ўрнатган илмий-техник муносабатларининг жадаллашуви, ҳамкорликда долзарб илмий масалалар устида изланишлар олиб боришнинг йўлга қўйилиши, ёш истеъдод эгаларининг нуфузли чет эл университетлари ва институтларида ўқиши ёхуд малака ошириши мос терминларнинг яқинлашувига кўмак беради. Ҳозирги ўзбек терминологияси учун Ғарб тилларидан, айниқса, инглиз тилидан кўплаб терминларнинг қуйилиб келиши диққатга сазовордир.

Шу билан бир қаторда, ўзбек тили терминларининг бошқа тиллар томонидан ўзлаштирилаётгани ажабланарли ҳол эмас. Зеро, сўз ўзлаштириш ҳодисасининг икки томонлама содир бўлиши тилшуносликда аллақачон тасдиғини топган.

Таъкидлаш жоизки, 1999 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси

Президенти ташаббусига мувофиқ ўзбек кураши бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилди. Кейинчалик бу спорт турининг оммалушуви ва дунё аренасига чиқиши натижасида *кураш, ёнбош, чала, ҳалол, гирром* каби терминлар халқаро спорт терминологиясининг мулкига айланди (Бектемиров 2002;10). *Шарқ тароналари* (восточные мелодий), *ўзбек модели* (узбекская модель) сингари терминлар жаҳонга машҳур бўлди. Маҳалла институтининг қайта тикланиши *фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини раиси, оқсақол* ва ҳ.к. терминларнинг ўзга тиллар сўз бойлигидан мустаҳкам ўрин олишига ёки таржима қилинишига боис бўлди.

Қайд этиш лозимки, ўзбек терминологияси тизимида хорижий тилларга тааллуқли тушунчаларни ўз ички имкониятлар асосида ифодалаш тамойили етакчилик қилмоқда. Бундай жараён пайтида четдан келаётган ўзлашмаларнинг бир қисми ўзбекча мутаносиблари билан алмаштирилади ёки таржима қилинади. Ушбу усул янги тушунчаларни аташда ўта қулайлиги ва маҳсулдорлиги билан ажралиб туради.

Масалан, *акциядорлик жамияти* (акционерное общество), *эркинлаштириш* (либерализация), *тижорат банки* (коммерческий банк), *музёрар* (ледокол), *кичик бизнес* (малый бизнес), *солиқ ставкаси* (налоговая ставка), *тадбиркор* (предприниматель), *хусусий сектор* (частный сектор), *инфраструктура* (инфраструктура), *экологик хавфсизлик* (экологическая безопасность), *сиёсий экстремизм* (политический экстремизм), *потенциал хавф-хатар* (потенциальная угроза), *минтақавий можаро* (региональный конфликт) ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Чет тили терминларини сўз ясашиш усуллари (сўз ясовчи моделлар) асосида янгидан юзага келган ясамалар билан алмаштириш жараёнида ўзбек тили луғат фондида *олувчи* (адресат), *жўнатувчи* (адресант), *тавсиянома* (характеристика), *буюртма* (заявка), *нархнома* (прейскурант), *маълумотнома* (справка), *фуқаролик* (подданство), *дахлсизлик* (иммунитет), *шибилармон* (предприниматель), *таъмирчи* (реставратор) сингари кўпгина терминлар мустаҳкам ўрнини топди.

Ўзбек тили терминологияси тизимида муайян тушунчаларнинг муқобили бўлмаганлиги боис уларни битта сўз билан ифодалашнинг имконияти чекланган. Кириб келаётган тушунчани бир қанча сўзлар ёрдамида изоҳлаш ёки тавсифлаш терминология талабларига зиддир. Мана шундай ҳолатларда русча-байналминал терминлар донор тилда қандай шаклда бўлса ўзбек тилига айна шу шаклда тайёр тарзда қабул қилинади. Масалан: *бюджет* – бюджет, *кредит* - кредит, *атом* - атом, *гидролокатсия* – гидролокатсия, *дедукция* - дедукция, *герб* – герб, *аудитор* – аудитор, *репатриация* – репатриация, *коммуникация* – коммуникация, *фракция* – фракция, *профицит* -профицит, *интеграция*-интеграция, *дипломатия*-дипломатия, *технология*-технология ва ҳ.к.

Ўзбек тили терминологиясининг ҳозирги ҳолатида ўз ҳамда ўзлашма паралелларнинг ёнма-ён қўлланаётганига шоҳид бўламиз. Ушбу жараён аввалги терминология тизимидаги меъёр ва янги лексик бирлик ўртасидаги қарама-қаршилиқдан гувоҳлик беради. Табиий, булардан қайси бири ўзбек тили терминологияси тизимидан муносиб ўрин эгаллашини лисоний ҳаёт, нутқий амалиёт ва вақт кўрсатади. Ҳозирча икки вариантли терминлар жумласига акция -

ҳаракат, акция, археолог– қадимишунос, археолог, блок - *иттифоқ*, блок (депутатский), вето - *вето*, таъқиқ, офицер – *зобит*, *офицер*, реанимация – *жонлантириш*, *реанимация*, термин - *атама*, *термин*, эмбарго – *эмбарго*, таъқиқлаш, цивилизация – *цивилизация*, тамаддун, коллегия – *ҳайъат*, *коллегия*, денонсация - *денонсация*, бекор қилиш сингарилар киритилмоқда.

Баъзи вазиятларда, мабодо бирор бир тушунча икки, яъни ўз ва ўзлашма термин билан ифодаланса, шубҳасиз, афзаллик ўзбекча вариантга берилади – *тилишунослик* (лингвистика), *назоратчи* (инспектор), *қалам ҳақи* (гонорар), *низом* (устав), *гиёҳвандлик* (наркомания), *заҳира* (резерв), *тенглик* (паритет), *ҳоким* (мэр), *жарроҳ* (хирург) ва ҳ.к.

Ўзлашма терминларнинг маълум гуруҳи ўзбек тили қонунларига бўйсунган тарзда унинг фонетик ва грамматик хусусиятларига мослашади. Чунончи, ўзлашма терминларнинг ўзбек тили фонетикасига мослашуви қуйидаги жиҳатлари билан ойдинлашади:

- 1) фонемаларнинг қисқариши: авианосец – *авинос*, ракетаносец - *ракетанос*;
- 2) фонемалардаги товуш алмашинуви: маяк – *маёқ*, очаг – *ўчоқ*, плащ-палатка - *плашч-палатка* ва ҳ.к.

Ўзбек тилида қурилиши жиддий ўзгаришларга учраган ўзлашма терминлар категориясига комитет - *қўмита*, бомбардировка – *бомбардимон*, командующий – *қўмондон*, подряд – *пудрат* кабиларни киритиш ўринлидир.

Ҳозирги ўзбек терминологияси тизимида ўзлашмалардан ўзбекча сўз ясовчи аффикслар иштирокида янги ҳосил қилинган терминлар кенг миқёсда қўлланишга кириб келмоқда. Хусуан, бомбардировщик – *бомбардимончи*, дозиметрист – *дозиметрчи*, генеральский- *генераллик*, комиссариат – *комиссарлик*, патронный – *патронли*, гусеничный – *гусеничали*, бетонирование – *бетонлаш*, ионизация - *ионланиш*; *ионлаш*, модернизация – *модернизациялаш* каби ашёвий мисоллар қайд этилган фикрни тасдиқлашга хизмат қилади.

Мустақиллик йиллари ўзбек тили луғат фондининг бойиб боришида республика халқ хўжалиги учун мутлақо янги соҳаларнинг шиддат билан шаклланиши ва ривожланиши каби фавқулотда муҳим омиллар сезиларли таъсир кўрсатди. 1996 йилда Андижон вилояти Асака шахрида Жанубий Кореянинг ДЭУ (DAEWOO) автомобиль корпорацияси билан ҳамкорликда “ЎзДЭУ Авто” кўшма корхонасининг ишга туширилиши натижасида Ўзбекистон дунёдаги 28 та автомобилсозлик давлатлари қаторидан муносиб ўрин олди. 1999 йилда Самарқанд шахрида “СамКочАвто” ўзбек-турк кўшма корхонаси автобуслар ва юк машиналарни ишлаб чиқаришга киришди. Ҳозирги пайтда Япония ва Германия автокомпаниялари ҳамкорлигида “Isuzu” автобуслари ҳамда “Man” юк машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

“ЎзДЭУ Авто” кўшма корхонасининг америка автомобиль ишлаб чиқариш гиганти "Женерал Моторс"(General Motors) таркибига сингдирилиши оқибатида бугунги талабларга тўла жавоб берадиган, юқори тезликка эга, ҳар томонлама қулай ҳамда ёқилғини тежайдиган енгил автомобилларнинг янги русумларини ишлаб чиқариш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг натижасида ўзбек тилида ушбу соҳа терминологияси тубдан такомиллашди. Ўзбек терминологияси *Тико* (*Tiko*), *Дамас* (*Damas*), *Нексия* (*Neksia*), *Ласетти* (*Lacetti*), *Матиз* (*Matiz*), *Спарк*

(*Spark*), *Эника* (*Epika*), *Кантыва* (*Kaptiva*), *Малибу* (*Malibu*), *Коболт* (*Cobolt*) сингари Республикада конвейерга кўйилган енгил автомобилларнинг тижорий номини англлатувчи терминлар ҳисобига яна ҳам бойиди.

Собиқ шўролар давлатининг таназулга учраши ва қулашидан кейин коммунистик мафкура билан боғлиқ барча тушунчалар, уларни ифодаловчи сўз ҳамда терминлар ўзбек тили луғат таркибидан батамом барҳам топди.

Ўзбекистон мустақил ва суверен давлат сифатида жамиятни том маънодаги демократия асосида тараққий топтириш йўлини танлади. Демократик жамиятни ва давлатни барпо этишда миллий давлатчилик анъанларига алоқида эътибор қаратилди. Миллий тикланиш ва ўзликни англаш йўналиши устувор, деб эълон қилинди.

Турмушда тубдан содир бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ўзгаришлар янги тушунчалар, янги номланишларнинг воқеланишига олиб келди. Ўзбек тилининг лексик хазинаси мустақил мамлакат юритаётган миллий сиёсатни акс эттирувчи ранг-баранг сўзлар ва терминлар билан кенгайди. Бундай терминлар сафига тубандаги фактик мисолларни киритамиз: *миллий ўзлик*, *миллий давлатчилик*, *миллий сиёсат*, *сиёсий ислоҳот*, *маънавий қадрият* (духовное наследство) ва ҳ.к.

Бўлиниш тамойиллари негизида янги давлат бошқаруви органларининг тузилиши ва фаолият олиб бориши пировард натижада *Олий Мажлис*, *сенат*, *Вазирлар Маҳкамаси*, *қонун чиқарувчи орган*, *ижро этувчи орган*, *суд ҳокимияти*, *департамент*, *концерн*, *холдинг*, *компания*, *ҳокимлар институти*, *нодавлат ижтимоий бирлашма*, *масъулияти чекланган жамоа* каби кўпдан –кўп терминларнинг муомалага киришига туртки берди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши асосида терминологик лексика *миллий валюта*, *кичик бизнес*, *ўрта бизнес*, *хусусий тадбиркорлик*, *қимматли қозғалар бозори*, *тадбиркорлар палатаси*, *консалтинг*, *инжиниринг*, *лизинг фирма*, *бизнес-инкубатор* сингари қатор янги терминлар билан тагин ҳам кенгайди.

Маълумки, Ўзбекистон камдан-кам учрайдиган улкан ёқилғи-энергетик мабаларига элиги билан донг чиқарган. Нефть, газ ва конденсатнинг ғоят катта захиралари нафақат ички эҳтиёжни тўла қондириш, балки уларни хорижга экспорт қилиш имконини яратди.

Ушбу соҳага тааллуқли *нефть захираси*, *нефть кони*, *нефть маҳсулотлари*, *газ конденсати*, *мэтан*, *пропан*, *бутан*, *полимер материаллар*, *полиэтилен*, *поливинилхлорид*, *нитрилакрил кислота*, *суюлтирилган газ*, *хом нефть* сингари турфа терминлар дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий-оммабоп адабиёт ҳамда маҳаллий матбуот саҳифаларида фаол қўлланиб келмоқда.

Миллий истиқлолдан сўнг Ўзбекистонда кечган аграр ислоҳат, сўзсиз, қишлоқ хўжалигини қайта қуришда етакчи аҳамиятга эга бўлди. Собиқ шўролардан қолган колхоз ва совхозлар тугатилди. Қабул қилинган Ер кодексига мувофиқ дехқон ва фермер ер мулкдорига айланди. Фермер хўжаликлари ўзларига билдирилган умид ва ишончни шараф билан оқладилар. Республика аграр секторида олиб борилган ислоҳатлар *мулкдор*, *мулкдорлар синфи*, *фермер*

хўжалиги, кўп укладли иқтисодиёт, томорқа хўжалиги, субсидия, пай, инвестиция сингари мутлақо янги тушунча ва реалаяларнинг юзага чиқишини таъминлади.

Ҳозирги вақтда фан ва техник соҳларида юз бераётган шиддатли ривожланиш республика аҳолиси фаолиятининг турли қирраларига самарали таъсир ўтказмоқда. Фан ва техника қўлга киритган энг охирги муваффақият ва ютуқлар асосидаги янги техника востиларига эгаллик қилинмоқда. Ушбу техника воситалари номларини англлатувчи терминологик лексика ўзбек тили луғат таркибининг кундан-кунга бойиб, кенгайиб боришида муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, Мустақиллик даври ўзбек терминологияси ўз қарор топиш йўлининг бошланиш нуқтасида турибди. У ўзбек тилшунослигининг муҳим соҳаси сифатида йиллар давомида йиғилган тажрибалар заминида тараққий этмоқда ва кенгаймоқда.

Назорат саволлари

1. Ўзбек терминлар тизимининг ўз бойликлари ҳисобига кенгайишининг нечта йўли бор?
2. Термин яшашнинг қандай усулларидан унмли фойдаланилади?
3. Терминлар яшашда кальканинг ўрнига баҳо беринг.
4. Ўзбек терминлар тизимида арабча ўзлашмаларнинг аҳамияти қандай?
5. Терминология маслаларининг мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилишини изоҳланг.
6. Истиклолдан кейин қандай терминлар жамият аъзолари учун хизмат қила бошлади?
7. Мустақиллик бошларида ноилмий терминларнинг пайдо бўлиши қандай омиллар билан боғлиқ эди?
8. Қайси ўзбек спорти тури терминлари жаҳон тиллари томонидан ўзлаштырилган?
9. Қандай чет тили терминлари ўзбекча мутаносиблари билан алмаштирилмоқда?
10. Хорижий ўзлашмаларнинг ўзбекча таржималарига баҳо беринг.
11. Қандай хорижий ўзлашма терминлар айнан, таёр қабул қилинади?
12. Ўзбек миллий сиёсати қайси терминларда ифодасини топган?
13. Давлат бошқаруви тизими қандай терминлар ҳисобига янада бойиди?

Фойдаланилган адабиёт

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами. -Тошкент: Фан, 1988.
2. БектемировХ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент: Фан, 2002.
3. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. - Ташкент: Ёзувчи, 1991.

4. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.- М.: Наука, 1977.

5. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Тошкент: Фан, 1977.

4-мавзу: Ўзбек терминологиясини такомиллаштириш масалалари: соҳавий терминологияда амалга оширилаётган ислохотлар

РЕЖА

4.1. Мустақиллик даврида ҳаётда юз берган туб ўзгаришларнинг ўзбек терминологиясига таъсири. Термин ясаишда фаол моделларнинг ўрни.

4.2. Истиқлол даври ўзбек лугатшунослиги эришган ютуқлар.

Таянч иборалар: ижтимоий-сиёсий ҳаёт, термин ясаиш моделлари, мотивланган терминлар, мотивланмаган терминлар, метонимик кўчим, аффиксал термин ясаиш, сермахсул аффикс, каммахсул қўшимча, мутахассислик терминлари, зоонимлар, техникавий терминлар, соҳавий терминология, ўзбек лексикографияси, гуруҳлаштириш, тизим, шева ва лаҳжа материаллари, интернет, тилнинг ички имкониятлари, экстралингвистик омиллар, технология, электрон лугатлар, конкорданс.

4.1. Мустақиллик даврида ҳаётда юз берган туб ўзгаришларнинг ўзбек терминологиясига таъсири. Термин ясаишда фаол моделларнинг ўрни.

Ҳаммага маълумки, терминлар оддий сўзлар сингари умумдабий ва махсус лексикада бор бўлган сўз ва ўзаклардан ясалади.

Ўзбек тили терминлари тизими ўзга қариндош туркий тиллардагидек мавжуд структур турлар, яъни содда, ясама, қўшма, қисқартма ва сўз бирикмаларини қамраб олади.

Ўзбек терминологиясини такомиллаштириш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар. Соҳа терминологиясида янги авлод лугатларининг юзага келиши.

Бугунги кунда ўзбек тили соҳа терминологияси ҳар томонлама такомиллашиш жараёнини кечирмоқда. Терминларнинг улар ифодалайдиган нарса-буюм, воқеа-ҳодиса тушунчаси, маъно-мазмунига мутаносиб, мос тушиши, структур(шакл) жиҳатдан ихчам бўлиши, якка маънони ифодалаши, маънодошлик қаторларига кирмаслиги каби талаблар терминшунослар диққат марказидан жой олганлиги янгилик эмас. Айниқса, хорижий тиллардан шиддат билан кириб келаётган фан, техникага доир терминларни қандай тарзда қабул қилиш, ўзлаштириш хусусида ҳар хил ёндашувлар кўзга ташланади. Истиқлолдан кейин ўзбек терминологияси нафақат миқдор, шунингдек сифат ўзгаришларга ҳам юз қўйди. Ўзбек тили имкониятларидан фойдаланган тарзда терминлар тизимини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, муайян нарса-буюм, тушунча, вқеа-ҳодисани ифодалашда она тили катори ўрни билан ўзбек тили шевалари ва

лахжалари сўз хазинасида мавжуд тайёр сўзлардан фойдаланилмоқда, ўзбек тилида асрлар оша синовларга бардош берган сўз ясовчи аффиксларнинг термин ҳосил қилишдаги иштирокидан унумли истифода этилмоқда, калькаланишнинг турлари ёрдамида терминлар ҳосил қилишга жиддий диққат қаратилмоқда, мазкур усулларнинг бирортаси ҳам қўл келмаган кезларда чет тили терминлари айнан, тайёр ҳолда ўзбек терминологияси тизимига оли нмоқда. Сўнгги фикрнинг исботини АКТ ва замонавий педагогик технологиялар, компьютер, интернет билан боғлиқ терминларнинг қўлланишида кўрамыз.

Шубҳасиз, ўзбек терминологияси тизими сезиларли ривожланишда бўлишига қарамай, ушбу соҳа ҳам муайян қусур ва камчиликлардан ҳоли эмас. Бизнинг назаримизда уларни қуйидаги тарзда гуруҳлаштириш ўзини оқлайди:

1) Илмий-техникавий терминларнинг янада тараққий этиши ва такомиллашувида она тилининг ички манбалари ва сўз яшаш усулларидан қониқарли тарзда фойдаланмаслик. Илмий-техникавий тараққиёт бугунги кунда дунёдаги барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ҳаётида локоматив ролини адо этмоқда. Энг замонавий асбоб-анжомлар, дастгоҳлар, роботлар, ахборот коммуникатсия технологияларисиз келажак жамият тараққиётини тасаввур қилиш амри маҳол. Ўзбек модели асосида ўз ривожланиш йўлини белгилаб олган мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча

тармоқлари, хусусан, оғир ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, санъат соҳалари илдам қадамлар билан ривожланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзосига айланди. Дунёнинг етакчи давлатлари билан ўрнатилган сиёсий, иқтисодий, илмий, ижтимоий, маданий, диний ва ҳ.к. алоқалар негизида тараққиётнинг янги палласини бошидан кечираётган халқимиз хориждан олиб келинаётган энг сўнгги техника ва технологиялар билан ошно бўлмоқда, уларни кундалик ҳаётда қўллаш имкониятига эга бўлмоқда. Ватандошларимиз, айниқса, истеъдодли ёшларнинг хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиши, ёш мутахассисларнинг чет эллардаги университетларда малакасини ошириши, замонавий ахборот технологияларининг инсонлар турмушидан ўрин олиши каби омиллар оқибатида янгидан-янги тушунчалар ва улар билан боғлиқ терминлар тилимизнинг сўз хазинасидан ўрин олмоқда. Муболаҳасиз таъкидлаш жоизки, айни кезларда ўзбек тили терминологик тизимига Ғарбий Европа тилларидан бевосита ва билвосита ёпирилиб кириб келаётган терминларни тартибга солиш, унификатсия қилиш, уларни ўзбек тили қоидаларига бўйсундириш қийин кечмоқда. Четдан келаётган ахборотнинг ҳаддан ташқари кўплиги ва серқирралиги терминологияга хос жиҳатларни ҳар доим ҳам диққат марказида ушлаб туриш имкониятини бермаяпти. Бу ҳолат терминларни ўзлаштириш, калькалаш, изоҳлаш пайтида муайян қийинчиликларни юзага чиқармоқда. Ўзбек тилининг ички имкониятларидан самарали фойдаланишга зарур эътибор қаратилмоқда, сўз яшаш усулларидан ҳар доим ҳам унумли истифода этилмоқда, деб бўлмайди. Чет тилидан ўзлашаётган истилоҳларни айнан қабул қилиш тенденцияси ҳамон етакчилик қилмоқда.

2) Айни бир термин билан бир нечта ёки ҳар хил маъноларни ифодалаш; Терминологияда салбий жиҳат ҳисобланган мазкур ҳолат қатор тизимлар

тизимдаги чалкашликларни юзага келтириши мумкин. Терминнинг фақат якка маънони ифодалиши лозимлигини ҳисобга оладиган бўлсак, айти ҳолатни ўнглаш борасида жиддий ишларни амалга оширишнинг зарурлиги ойдинлашади.

3) Бир маънони ифодалашда икки, баъзан бир нечта термин-синоним (дублет, лексик вариант)ларнинг параллель ишлатилиши;

Терминологияга оид тадқиқот ишларининг барчасида битта маънони ифодалаш учун фақат битта термин қўлланиши зарурлиги бот-бот такрорланган. Шунга қарамасдан, нафақат ўзбек терминологияси, балки бошқа тил терминологияларида ҳам муайян маънининг бир нечта термин-синонимлар ёки дублетлар ва лексик вариантлар ёрдамида ифодаланиши кўзга ташланади ва ҳ.к.

Ўзбек терминшунослари олдида юқорида келтирилган муаммолар қатори тубандаги маслаларни ҳам ҳал этиш масъулияти кўндаланг турибди:

4) умумқўлланиш характеридаги баъзи терминларнинг мутаносиб вариантнинг мавжуд эмаслиги;

5) фан ва техника турли соҳалари терминларини тартибга солиш ва бир хиллаштиришнинг қониқарсизлиги;

6) терминларни қўллашда имловий чалкашликларга йўл қўйиш;

7) турли турдаги терминологик луғатлар тузиш ва нашр қилиш жараёнини бошқариш ҳамда назорат қилишнинг сустлиги;

8) турли соҳаларда қўлланувчи терминлар айнанлигини таъминлайдиган методик қўлланма ва даврий бюллетеннинг мавжуд эмаслиги;

9) терминологик лексика, айниқса, Мустақиллик даври илмий-техник терминлар ҳақида олиб борилаётган назарий тадқиқотларнинг қониқарли эмаслиги;

10) терминология маслалари билан махсус шуғулланадиган бошқарув органининг йўқлиги ва б.

Мустақиллик даври ўзбек тили соҳа терминологияси бўйича луғатлар яратиш нуқтаи назаридан ҳам мақтовга лойиқ баъзи ишларни амалга оширди. Кимё, математика, тупроқшунослик, физика, тиббиёт, биология, география, ҳуқуқшунослик каби фан соҳалари бўйича қатор типдаги терминологик луғатлар яратилди. Бу ҳолатни ижтимоий-гуманитар фан соҳалари, чунончи, тарихшунослик, адабиётшунослик, тилшуносликда ҳам кўриш мумкин. Ўзбек лексикографияси эришган ютуқлар ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан нашр қилинган “Ўзбекча-русча луғат”, “Ўзбек тилининг имловий луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Тилшунослик терминлари изоҳли луғати”, “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати”, ЎЗМУ тилшунослари тузган “Ўзбек тилининг этимологик луғати”, “Тарихий ҳарбий терминлар луғати”, Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари томонидан эълон қилинган “Алишер Навоий асарлари конкорданси”нинг биринчи жилди, шунингдек, бошқа олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари яратган “Ўзбек давлатчилигида қўлланган тарихий-ҳуқуқий атамалар”, “Бобурнома”даги фразеологик бирликлар ва паремеяларнинг инглизча таржималари луғати”, “Тарих атамалари луғати”, “Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати” сингари асарларни киритиш жоиз. Кези келганда мозийда битилган дурдона асрлар ёки уларга тузилган луғатлар яратиш йўналишида Республикада олиб борилаётган

ишларнинг кун тартибидан тушиб қолмаганлигини таъкидлаш зарур. Зеро, ўзбек тили лексик таркиби, алаҳхусус, терминология тизимида ўтмишда юз берган воқеа-ҳодисларни ҳисобга олмасдан уларнинг ҳозирга ҳолати хусусида объектив фикр юритиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асари русча таржимасининг академик А.Рустамов томонидан Москвада чоп этилиши, 1983-1985 йилларда “Фан” нашриёти томонидан тўрт том тарзида чоп этилган “Алишер Навоий асарлари тили изоҳли луғатининг” 2013 йили академик Э.Фозилов томонидан тўлдирилган, қайта изоҳланган (Алишер Навоий асарлари луғати 1) ҳолда китобхонларга тақдим қилинган наشري муҳим аҳамиятга эга. Бу луғатлар нафақат эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили сўз бойлиги, балки терминлар тизимини ҳам акс эттириши боис муҳим илмий қимматга эгадир.

1. Ўзбек электрон, интернет, википедия луғатларини яратиш масалалари

Истиклол даври ўзбек лексикографияси нафақат анъанавий, балки замонавий луғат тузиш принципларини ҳам ўзлаштирди. Глобаллашув ҳамда интернет даврида ҳар қандай ахборотни санокли сония ёки дақиқаларда қўлга киритиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ўзбек луғатшунослиги ўтган вақтлар давомида китобхонлар оммаси, мутахассислар учун мўлжалланган турфа типдаги луғатларни наشر қилиш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Айни пайтда луғатлар яратиш борасидаги ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатларда ҳар қандай асарни ҳоҳ у оммавий ҳоҳ илмий бўлишидан қатъий назар уларга оид электрон луғатлар тузиш, интернет луғатлари яратиш жадаллик билан тараққий этмоқда. Кўплаб кутубхона фондларида сақланаётган турли асарлар қатори илгари наشر қилинган луғатларнинг ҳам электрон нусхаларини яратиш бугунги кун тартибидан ўрин олган. Шунга ўхшаш ишлар ўзбек луғатшунослигида ҳам аста-секинлик билан бўлса-да кутубхоналардан ўрин олмоқда. Чунончи, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, “Болалар энциклопедияси”, “Тошкент энциклопедияси”, “Заҳриддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг имло луғати” ва қатор таржима луғатлар, терминологик луғатлар ва ҳ.к.ларнинг электрон шакллари нафақат мутахассислар, балки кенг китобхонлар оммаси ҳукмига ҳавола қилинган.

Айни пайтда жаҳон лексикографияси тажрибасидан ўрин олган википедия луғатларини яратиш бўйича республикада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Мазкур луғатлар, ўзининг тезкорлиги, универсаллиги ва оммабоплиги нуқтаи назаридан бошқа луғатлардан фарқланиб, китобхоннинг вақтини тежаши, сўралган маълумотни қисқа ва лўнда ифодалаши билан аҳамиятга моликдир.

Сўз ясалиши ўзбек тилшунослигида чуқур ва атрофлича тадқиқ этилган масалалардан ҳисобланади. Мазкур муаммога оид бир қанча диссертациялар ҳимоя қилинган, талайгина монография ҳамда мақолалар эълон қилинган. Термин ясалиши ҳам ўзбек тилшунослари диққат марказидан ўрин олган соҳалардандир.

Ўзбек тили термини ясалишида морфологик (аффикслар ёрдамида сўз ясалиши), синтактик ҳамда семантик усуллар ўта маҳсулдор ва фаол бўлиб, буларнинг кўмагида лексик таркиб муттасил бойиб, тараққий этмоқда.

Ўзбек тили терминларининг аксариятини мотивланган, яъни сўз-

терминлар (қўшимчалар қўшиши билан ясалган), термин-қўшма сўзлар ҳамда семантик (асосан метафорик) кўчим асосида ҳосил қилинган терминлар ташкил қилади. Шу билан бир қаторда терминларнинг салмоқли қисми мотивланмаган, яъни ўзбек тилининг ўз содда сўзлари, ўзлашмалар, термин-калькалар ва антропонимлардан метонимик кўчим воситасида воқеланган истилоҳлардан ташкил топган.

Сўз туркумлари нуқтаи назаридан ўзбек тили терминологияси асосан от, сифат, равиш ва феъл сўз туркумларига хос сўзлардан иборат. Шак-шубҳасиз, от - терминлар ўзбек терминологиясининг пойдеворини ташкил этади. Айни пайтда, сифат туркумига дахлдор сўзларнинг терминологик лексика таркиби тараққиётидаги ўрни салмоқли эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Ўзбек тилида морфологик усул билан термин ясашиши умумадабий тил лексик бирликларини ҳосил қилувчи айни сўз ясовчи қўшимчалар ҳамда сўз ясовчи қолип (модел)лар ёрдамида амалга оширилади.

Аффиксал термин ясашиши умумадабий сўзларнинг ҳосил қилиниши сингари жуда қадимдан етакчи ва сермахсул усул ҳисобланади. Ўз вақтида Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Ибн Муҳанна луғатларида, XIII-XIV асрларда араб тилида яратилган грамматикага доир рисоаларда, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек (туркий) тили сўз ясашиши воситалари ва йўллари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган эди.

Ҳозирги пайтда ўзбек тили сўз ясашиши масласига тегишли илмий адабиётларда сўз ясовчи аффиксларининг тўла таркиби маълум даражада тартибга солинган.

Аффиксал усул билан ясалган от туркумли термин (турдош от)лар

1. От (сифат) туркумли сўзлардан ясалган терминлар чи аффиксли сўз ясовчи модель

Ўта сермахсул ва турғун ҳисобланмиш –чи аффиксли модель ҳозирги ўзбек терминологияси тизимида амалий қўлланишда қолаётган катта миқдордаги терминлар билан ифодаланган. Мазкур модель турдош отлар ясовчи моделлар қаторида энг маҳсулдорлиги ва фаоллиги билан ажралиб туради (Гулямов 1955; Шоабдурахмонов 1988;175-178; Бегматов 1985;132-133). Мазкур модель от сўз туркумидан аксарият шахс оти, иш - ҳаракатни бажарувчи, бирор касб билан шуғулланувчи, ижтимоий мансублик (Щербак 1977;103; Сравнительно-историческая грамматика 1988;144-146) каби маъноларни ифодаловчи отларни ҳосил қилади.

-чи аффиксининг тарихий тараққиёти жараёнида ҳаракат-ҳолат, касб-ҳунар, мутахассислик маъноларни ифодалаши равшан намоён бўлади. VII-XIV аср қадимги туркий рун ҳамда эски туркий тил ёзма манбаларида ушбу аффикс иштирокида ясалган *бэдишчи* («резчик по дереву, камню, ваятель»)(ДТС,90), *биткачи* («писец, писарь»)(ДТС,10), *айгучы* («советник»)(ДТС,28), *алымчы* («заимодавец, кредитор»)(ДТС,35), *алтунчы* («золотых дел мастер»)(ДТС,40) сингари жуда кўп терминлар қўлланган. Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб “Муқаддимат ул-адаб” луғатида бу қўшимча иштирокида ясалган, турли касб ва ҳунар эгаларини англатувчи йигирмадан ортиқ номлар қайд этилган: *пахсачы*

(«возводящий глинобитные стены»), *йагчы* («маслодель»), *чагырчы* («винодел»), *бычақчы* («ножовник») ва ҳ.к. (Дадабаев 1990; 80).

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида –*чи* аффиксининг функциясига алоҳида диққат қаратган ҳолда, унинг *қурчы, хизаначы, йарагчы, чавганчы, найзачы, шукурчы, йуртчы, шиланчы, ахтачы*, тажже профессии: *қушчы, барсчы, қоруқчы, тамғачы, жибачи, йорғачы, ҳалвачы, кэмачи, қойчы* сингари турфа мансаб ва рутбаларни ифодалашдаги фаоллигини таъкидлайди. Алишер Навоийнинг ёзишича, *қазчы, қувчы, турначы, кийикчи, тавушқанчы* каби қуш ови билан боғлиқ кўпгина терминлар ҳам –*чи* аффикси кўмагида ясалган (Алишер Навоий 1967;116-117).

Илмий-техникавий инқилоб даврида, глобаллашув ва компьютерлаштириш асрида –*чи* аффиксли моделнинг сўз яшаш имкониятлари ва доираси бир неча баробар ошиб кетди.

Ушбу моделнинг сўз яшалишдаги вазифаси ўзбек тилининг терминологик сўз яшалиш меъёрларида ҳам яққол намоён бўлади.

–*чи* билан ясалган отларнинг маъновий ўзига хосликлари у қўшилаётган ўзакка ҳамда унинг ўзига тегишли бўлган хусусиятлар таъсирида шаклланади.

–*чи* аффиксли от – терминлар семантик структурасига кўра бир қанча гуруҳларга бўлинади.

1. Бирор бир касб-ҳунар, мутахассислик билан шуғулланувчи субъект номини ифодаловчи терминлар: *тракторчи* («тракторист»), *спортчи* («спортсмен»), *воситачи* («маклер»), *нефтчи* («нефтяник»), *сувоқчи* («штукатур»), *электрчи* («электротехник; электрик; электрамантёр»), *экскаваторчи* («экскаваторщик») ва ҳ.к.

Умумий ҳодисалар ҳамда касб-ҳунар, мутахассислик терминлари қатори уларнинг ўз терминологиясига эга бўлган турли соҳа ва йўналишлари ҳам мавжуддир.

1) –*чи* аффикси касб-ҳунар, мутахассисликларнинг умумий маъносини билдирувчи сўзларга қўшилиб, ушбу касб-ҳунар ва мутахассисликларга тааллуқли от-терминларни ясайди: *хизматчи* («служаший, сотрудник»), *тилчи* («лингвист»), *жангчи* («воин, боец»), *чорвачи* («животновод, скотовод») ва ҳ.к.;

2) муайян касб-ҳунар, мутахассисликнинг аниқ соҳасида банд бўлган шахсни англатувчи от-терминларни ҳосил қилади: *танкчи* («танкист»), *автоматчи* («автоматчик»), *дозиметрчи* («дозиметрист»), *зенитчи* («зенитчик»), *понтончи* («понтонёр») (умумий термин – *жангчи*), *каратэчи* («каратэист»), *гимнастикачи* («гимнаст»), *волейболчи* («волейболист; волейболистка») (умумий термин – *спортчи*), *бўёқчи* («маляр»), *бетончи* («бетонщик»), *монтажчи* («монтажник»), *пайвандчи* («сварщик») (умумий термин *қурувчи*), *гижжакчи* («музыкант, играющий на гиджаке»), *скрипкачи* («скрипач; скрипачка»), *рубобчи* («рубабист»), *ногорачи* («литаврист, ударник») (умумий термин –*санъатчи*) ва ҳ.к.

–*чи* аффиксли модель касб-ҳунар, фаолиятнинг аниқ соҳасини ифодаловчи

номлардан ранг-баранг мазмун-маъноли отларни юзага чиқаради. Чунончи:

а) қандайдир нарса-предмет, буюм, ашё яратувчи субъект номини билдирувчи терминлар ясади: *тақачи* («кузнец-готовящий подковы и кующий лошадей»), *гиламчи* («ковровщик, ковровщица»), *домначи* («строитель доменного печа»), муқовачи («переплетчик»), *бешикчи* («плотник, готовящий деревянную колыбель») ва ҳ.к.;

б) айна касб, ҳунар, мутахассислик билан шуғулланувчи шахс номини англатувчи терминларни ҳосил қилади: *айгоқчи* («лазутчик, шпион»), *қўпоровчи* («диверсант»), *ихтирочи* («изобретатель»), *арендачи* («арендатор»), *аукциончи* («аукционист»), *суруштирувчи* («дознаватель»), *тафтишчи* («ревизор, контролёр») ва ҳ.к.;

в) муайян касб-ҳунар соҳасида қўлланувчи асбоб-ускуна, жиҳоз, буюм, техника воситалари номларидан ушбу техника воситаларини бошқарувчи шахслар отини ясади: *мотоциклчи* («мотоциклист»), *танкчи* («танкист»), *бульдозерчи* («бульдозерист»), *тўпчи* («артиллерист»), *гранатамётчи* («гранатамётчик»), *машиначи* («портной; портниха»), *грейдерчи* («грейдерист»), *экскаваторчи* («экскаваторщик») ва ҳ.к.;

г) қандайдир бир объектга масъул, мутасадди ишчи, хизматчи, арбоб номини ифодаловчи терминларни юзага келтиради: *омборчи* («кладовщик»), *дўкончи* («лавочник»), *корхоначи* («содержатель предприятия»), *дорихоначи* («аптекарь») ва ҳ.к.;

д) аниқ фаолият, касб-ҳунар соҳа йўналишини англатувчи асосларга қўшилиб, мазкур соҳа билан банд шахслар номини билдирувчи терминлар ясади: *денгизчи* («матрос, моряк»), *йўлчи* («дорожник»), *атомчи* («атомщик»), *кимёчи* («химик»), *металлчи* («металлист»), *метрочи* («рабочий или служащий метро»), *домначи* (1. «строитель доменной печи»; 2. «доменщик») ва ҳ.к.;

е) фаннинг турли соҳаларида хизмат қилувчи мутахассислар, ходимлар номини ифодаловчи терминлар ясади: *тарихчи* («историк»), *адабиётчи* («литератор»), *фольклорчи* («фольклорист»), *лугатчи* («лексикограф»), *матнчи* («текстолог»), *тилчи* («лингвист») ва ҳ.к.;

ж) муайян нарса-предмет, буюм, маҳсулотни сотувчи субъект номини билдирувчи терминларни воқелантиради: *морсчи* («продавец напитка морс»), *газетачи* («продовец газет»), *ҳолвачи* («продавец халвы, торгующий халвой») ва ҳ.к.

Худди шундай йўл билан ясалган баъзи бир ясама терминлар ҳам бирор – бир маҳсулотни тайёрловчи, ҳам уни реализация қилувчи – сотувчи шахсни ифодалайди: *пахтачи* (1. «хлопковод»; 2. «скупщик хлопка»), *пашмакчи*

(1.»изготовитель пашмака»; 2. «торгующий пашмак»), *қалпоқчи* (1.»мастер, шьющий войлочные головные уборы»; 2. «торгующий головные уборы, шапочки»), *бешикчи* (1. «мастер деревянной колыбели»; 2. «торгующий деревянные колыбели») ва ҳ. к.

2. Меҳнат, ҳодиса, иш-ҳаракат билан машғул шахсларни ифодаловчи от-терминларни юзага келтиради : *исёнчи* («бунтовщик»), *босқинчи* («агрессор»), *навбатчи* («дежурный, дневальный»), *жсиноятчи* («преступник») ва ҳ.к.

1. Маълум бир иш - ҳаракат иштирокчиси номини билдирувчи терминлар ясайди: *намойишчи* («демонстрант»), *ҳимоячи* («защитник»), *марофончи* («участник, участница марафона»), *музокарачи* («переговорщик, переговорщица») ва ҳ.к.

2. Қайсидир оқим, йўналиш, йўл тарафдори, мухлиси номини англатувчи терминларни ҳосил қилади: *монархиячи* («монархист»), *республикачи* («республиканец»), *сепаратчи* («сепаратист»), *оппозициячи* («оппозиционер»), *кантчи* («приверженец идеи Канта») ва ҳ.к.

3. Спорт жамятлари ва клублар номларини ифодаловчи сўзларга кўшилиб, шу жамят ёки клублар аъзоларини англатувчи терминлар ясайди: *пахтакорчи* («пахтакоревец»; «член спортивного клуба “Пахтакор”»), *динамочи* («динамовец»; «член спортивного общества “Динамо”»), *навбахорчи* («навбахоревец»; «член спортивного клуба “Навбахор”») ва ҳ.к.

Экстралингвистик омиллар таъсири, чунончи, сўнгги вақтларда фан, техника, ахборот технологияларининг шиддатли ривожланиши натижаси ўлароқ ўзбек тилида *-чи* аффикси иштирокида нарса-предмет, буюм, аппаратлар номларини атовчи терминларнинг миқдори яна-да ортди.

Бундай ҳодиса биринчилардан ўзбек ҳарбий терминологияси тизимида қайд этиган бўлиб (Ёдгоров1996;20), булар жумласига *бомбардимончи* («бомбардировщик»), *қирувчи авиация* («истребительная авиация»), *штурмчи* («штурмовик»), *фоторазведкачи самолёт* («самолёт –фоторазведчик») сингари терминлар киритилади.

6. Зоология терминлари таркибида эса *нина* («игла, иголка») сўзидан ясалган *ниначи* («стрекоза»), *балиқ* («рыба») зоонимидан ҳосил қилинган *балиқчи* («чайка») ёки *сутэмизувчилар* («млекопитающиеся») каби лексемаларнинг қўлланаётганини кузатамиз.

-лик аффиксли сўз ясовчи модель Ушбу қолип ўзбек тилидаги ўта сермахсул сўз ясовчи моделлардан бири бўлиб, унинг кўмагида нафақат соф ўзбекча (туркийча), балки ўзлашма сўзлардан ҳам қуйидаги турдаги от-терминлар ҳосил қилинади:

1) Ҳолат, сифатнинг мавҳумлиги, умумийлиги маъносини ифодаловчи от-терминларни юзага чиқаради. Мазкур маъноли отлар асосан ўзакдан англашилган ҳолат-сифат, фазилат-сифат ёки муайян белгига кўра воқеланган ҳодисани билдирувчи исмлардан ясалади. Баъзи мисолларни келтирамиз: либераллик («либерализм»), *сафарбарлик* («мобилизация»), *жанговорлик* («боевые качества»), *иштаҳасизлик* («гипорексия») ва ҳ. к.;

2) белги - хусусият, сифат ёхуд ҳолатни ифодаловчи от-терминлар ясайди: *зичлик* («плотность, уплотнённость»), *суюқлик* («жидкость»), *тенглик* («равенство»), *кўрлик* («аблепция»), *саросималик* («замещательство»), *гомогенлик* («гомогенность»), *дебиллик* («дебильность») ва ҳ.к.;

3) қандайдир юмуш, машғулот, вазифага мўлжалланган нарса, буюм, ашё номини ифодалайди: *уруғлик* («семена, семенник»), *қишлик* («зимняя одежда»), *пахталиқ* («ватный камзюл»), *тағлик* («подгузник») ва ҳ.к.;

4) онда-сонда –*лик*//–*лиқ* аффиксли отлар қатнашчи номини англатади: *бошлиқ* («начальник»);

5) маълум бир жой, ерни номловчи от-терминлар ясайди: *тоғлик* («гористая местность»), *қирлик* («холмистая степь, возвыщенность»), *жарлик* («крутой берег, овраг, обрыв»), *қумлик* («песчаное место, пески»), *бўшлиқ* («полость») ва ҳ.к.;

6) шахсинг яшаш ўрни, турар жойи, касб-ҳунари, мойиллиги, машғулот тури, хизмат жойи, мақоми каби маъноларни ифодаловчи от-терминларни воқелантиради: *аскарлик* («воинская повинность»), *фуқаролик* («гражданство, подданство»), *президентлик* («пост президента»), *ректорлик* («должность ректора»), *жарроҳлик* («профессия или занятие хирурга»), *машинистлик* («профессия машиниста»), *космонавтлик* («профессия космонавта»), *радиотлик* («профессия радиста»), *шаҳарлик* («горожанин») ва ҳ.к. ;

7) ҳосил қилувчи асоснинг кўлами, ҳажми ёки сифати натижаси маъноларини ифодаловчи от-терминларни шакллантиради: *еттилик* («семёрка»), *бирлик* (1. *грам.* «единственное число»; 2. *мат.* «единица»), *кўплик* (*грам.* «множественное число»), *иккилик* («двустищие»), *тўртлик* («четверостищие») и т.п.;

8) пул бирликлари номларини билдирувчи терминлар ясайди: *сўмлик* («достоинством в узбекских сумов»), *долларлик* («достоинством в американских долларов»), *маркалик* («достоинством в немецких марках») ва ҳ.к.;

9) техника билан банд бўлган соҳа йўналишлари ҳамда корхоналар номларини атовчи терминларни ҳосил қилади: *темирчилик* («кузнечное ремесло»), *пайвандчилик* («сварное ремесло»), *авиасозлик* («авиастроение»), *пўлатсозлик* («сталелитейное дело»), *машинасозлик* («машиностроение») ва ҳ.к.;

10) муайян ходиса, воқеа, кўринишни англатувчи от-терминларни шакллантиради: *жисноятчилик* («преступность»), *хуқуқбузарлик* («правонарушение»), *ҳомийлик* («попечение»), *васийлик* («опекунство, опека»), *бадиҳағўйлик* («импровизаторство»), *маддохлик* («апология») ва ҳ.к.

-*лик//лиқ* аффикси ясама сўзлар билан бирикиб, асл ўзбекча терминларни воқелантиради. Бундай ҳолатларда у тубандаги кўшимчалар иштирокида турфа термин – дериватлар ясайди:

-*сиз + лик*: *вазнсизлик* («невесомость»), *уйқусизлик* («агрипния»), *шуурсизлик* («невнемяемость»), *дахлсизлик* («неприкосновенность»), *мадорсизлик* («бессилие, истощение») ва ҳ.к.;

-*дош + лик* : *ўриндошлик* («совместительство»), *қуролдошлик* («дружба по оружию, однополчанство»), *қариндошлик* («родство») ва ҳ.к.;

-*мас+ лик*: *чанқамаслик* («адипсия»), *сувўтмаслик* («водонероницаемость»), *юролмаслик* («абазия»), *битмаслик* («незаращение») ва ҳ.к.;

-*чан+лик*: *эрувчанлик* («растворимость»), *зирҳтешувчанлик* («бронепробиваемость»), *сезувчанлик* («чувствительность»), *чўзилувчанлик* («тягучесть»), *оқувчанлик* («проточность»), *яшовчанлик* («выживаемость»), *ўзгарувчанлик* («изменчивость») ва ҳ.к.;

-*ли+лик*: *чидамлилик* («прочность, крепость»), *калориялилик* («калорийность»), *даромадлилик* («доходность, прибыльность»), *чидамлилик* («прочность, крепость, носкость, износоустойчивость») ва ҳ.к.;

-*қоқ+лик*: *ботқоқлик* («трясина, болотистое место»), *ёпишқоқлик* («лепкость, клейкость»), *чанқоқлик* («жажда»), *қайишқоқлик* («эластичность, упругость, гипкость») ва ҳ.к. ;

-*(и)ш+лик*: *янглишлик* («ошибка, заблуждение»), *чекланишлик* («ограничивость»), *емишлик* («еда, пища, снесь») ва ҳ.к.;

-*роқ+лик*: *ялтироқлик* («глянцевитость»), *чинқироқлик* («пискливость»), *ўтроқлик* («оседлость, оседлый образ жизни»), *бақироқлик* («крикливость, шумливость») ва ҳ.к..

-*лик// -лиқ* аффикси чет тиллардан кирган сўз ясовчи морфемалар ёрдамида юзага чиққан ясама сўзлардан от-терминлар ҳосил қилади:

-*дон+ лик*: *билимдонлик* («знания, эрудиция»);

-*соз+лик*: *машинасозлик* («машиностроение»), *автомобилсозлик* («автомобилестроение»), *самолётсозлик* («самолётостроение»), *кемасозлик* («кораблостроение»), *тракторсозлик* («тракторостроение»), *шаҳарсозлик* («градостроительство») ва ҳ.к.;

-дор+лик: чорвадорлик («животноводство, скотоводство»), айбдорлик («виновность»), унумдорлик (1.»плодородность»; 2.»продуктивность»; 3.»производительность»); қулдорлик («рабовладение»), ҳосилдорлик («плодородие»), гумондорлик («подозрение»), ҳомиладорлик («беременность») ва ҳ.к.;

-вор+лик: улугворлик («величие, грандиозность»), тантанаворлик («торжественность, помпезность») ва ҳ.к.;

-кор(-гор, -кар)+лик: шоликорлик («рисоводство, рисосеяние»), галлакорлик («хлебопашество, возделывание зерновых культур»), гуноҳкорлик («виновность»), ҳамкорлик («сотрудничество») ва ҳ.к.;

-боз+лик : милтиқбозлик («оружейная перестрелка»), фоҳишабозлик («распутство»), гуруҳбозлик («групповщина»), қиморбозлик (1.»увлечение азартными играми»; 2. «азартные игры») и т.п.;

-дўз+лик: елкандўзлик («занятие по изготовлению парусов»), этикдўзлик («сапожное ремесло»), телпақдўзлик («занятие шапочника») ва ҳ.к.;

-каш+лик: чизмакашлик (1. «профессия или занятие чертежника»; 2. «профессия или занятие рисовальщика узоров для вышивания»), пиллакашлик (1. «занятие или профессия коконометальщика»; 2. «коконометание») ва ҳ.к.;

-хўр+ лик: қонхўрлик («жестокость, кровожадность»), одамхўрлик («каннибализм»), текинхўрлик (1. «дармоедство», «тунеядство»: 2.биол. «паразитизм»), порахўрлик («взятничество») и т.п.;

-паз+лик : сомсапазлик («занятие или профессия пирожника»), ошпазлик («профессия или занятие повара, кулинара») ва ҳ.к.;

-шунос+лик: ўлкашунослик («краеведение»), тупроқшунослик («почвоведение»), металлшунослик («металловедение»), тилшунослик («лингвистика, языкознание»), ҳуқуқшунослик («юридическая наука»), қонушунослик («законоведение») ва ҳ.к.;

-бон+лик: посбонлик («обязанности стража»), богбонлик («садоводство»), қўйчибонлик («занятие пастуха») ва ҳ.к.;

-парвар+лик: камбагалпарварлик («благотворительность»), инсонпарварлик («гуманность»), ватанпарварлик («патриотизм»), халқпарварлик («забота о народе, любовь к народу») ва ҳ.к.;

-фуруш +лик: одамфурушлик («работоторговля»), бангифурушлик («наркототорговля»), терифурушлик («торговля кожами или шкурами») ва ҳ.к.;

-параст+лик: бутпарастлик («идолопоклонство, язычество»), оташпарастлик («огнепоклонничество»), мансабпарастлик («карьеризм»),

шахсиятпарастлик («эгоизм; индивидуализм»), *ақиданарастлик* («догматизм») ва ҳ.к.;

-*хон* +*лик*: *достонхонлик* («чтение дастана, эпоса»), *газетахонлик* («чтение газет»), *навоийхонлик* («чтение произведения Навои»), *китобхонлик* («чтение книг») ва ҳ.к.;

-*гар* +*лик*: *даъвогарлик* (1. «положение истца»; 2. «предъявление иска»; 3. «претенциозность»), *савдогарлик* (1. «занятие торговлей, коммерция»; 2. «профессия торговца, коммерсанта»), *заргарлик* (1. «профессия или ремесло ювелира»; 2. «ювелирный ряд на базаре») ва ҳ.к.

Юқоридаги ашёвий материалларга асосланиб билдирилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, *от (сифат)* + *лик//лиқ* модели мавҳум маъноси билан ҳозирги ўзбек тилида, хусусан, термин ясашда жуда сермахсул ва фаол қолип сифатида эътироф этилади.

Шу билан бир қаторда, қилинган таҳлил -*лик//лиқ* аффиксининг: а) курол, асбоб, мосламалар номлари; б) ҳосил қилувчи сўз асосида шаклланган жой, ер номлари; в) пул бирликлари номларини ясашда каммахсуллигини

Мураккаб таркибга *эга -чилик (-чи+лик)* кўшимчали модель термин ясалиш жараёнида фаол қатнашади. Ушбу қолип куйидаги терминларни ҳосил қилади:

1) касб,хунар, машғулот ва соҳа номлари: *узумчилик* («виноградарство»), *қоракўлчилик* («каракулеводство»), *меъморчилик* («зодчество»), *тутчилик* («разведение шелковицы») ва ҳ.к.;

2) умумлаштирувчи номлар: *қурғоқчилик* («засуха»), *мўлчилик* («изобилие, обилие»), *маҳаллийчилик* («местничество»), *партизанчилик* («партизанщина») ва ҳ.к.;

3) нарса, буюм ёхуд ҳодиса, воқеа оти: *сўлчилик* («левачество»), *озчилик* («меншенство»), *неокантчилик* («неокантство»), *маъмуриятчилик* («администрирование») ва ҳ.к.

-лаш аффиксли сўз ясовчи модель

Жараён, хатти-ҳаракат номини ифодаловчи терминлар ясайди: *куртаклаш* («почкование»), *пайвандлаш* (1. с.-х. «прививка растений»; 2. тех.«сварка»), *стандартлаш* («стандартизatsия»), *лиофиллаш* («лиофилизatsия»), *пармалаш* («бурение, сверление»), *хромлаш* («хромирование»), *фрезерлаш* («фрезерование»; «фрезеровка, обработка фрезой»), *алюминлаш* («алюминирование»), *геперинлаш* («геперинизatsия»), *тоблаш* (спец.«закалка»), *пресслаш* («прессование»), *механизatsиялаш* («механизatsия») ва ҳ.к.

-лаштириш аффиксли сўз ясовчи модель

-лаш аффиксли сўз ясовчи модель сингари асосан Русча-байналминал ўзлашмалардан “ҳосил қилувчи асоснинг номи билан аталган таъминот, асбоб-ускуна, жиҳоз”(Даниленко 1977; 155) умумий маъносини ифодаловчи терминларни вужудга чиқаради: *автоматлаштириш* («автоматизatsiя»), *компьютерлаштириш* («компьютеризatsiя»), *телефонлаштириш* («телефонизatsiя»), *электрлаштириш* («электрофикatsiя»), *паспортлаштириш* («паспортизatsiя»), *газлаштириш* («газификatsiя») ва ҳ.к.

-ча аффиксли сўз ясовчи модель

Ўзбек тили грамматикасига доир асарларда *-ча* от туркумли сўзларнинг кичрайтириш – эркалаш шаклини ясовчи маҳсулдор, урғули аффикс тарзида баҳоланади (Кононов 1960;162; Мирзаев 1970;112).

Баъзи бир ишларда мазкур аффиксинг сўз ясовчи кўшимча эканлиги фактик материаллар кўмагида исботланган. Кузатилаётган аффикс (*ўзиюрар*) *аравача* («самоходная тележка»), *шпонка ариқчаси* («канавка шпонки»), *ҳаво ёстиқчаси* («подушка воздушная»), *кўчма вагонча* («подвижной вагон») каби бир қатор техника терминларини ҳосил қилишда қатнашади (Дониёров 1977; 96).

Биология терминлари тизимида *-ча* қатнашган маълум терминлар фаол қўлланади: *мияча* («мозжечок»), *қалпоқча* («шляпка гриба»), *катакча* («ячейка»), *тангача* («чешуа»), *таёқча* («палочки»), *пуфакча* («вакуоли»), *тешикча* («поршица»), *қилтиқча* («наготок»), *кокилча* («хохолок у птицы») ва ҳ.к. (Олимхўжаева1990;Раҳимова; 2007).

-дош аффиксли сўз ясовчи модель

Терминлар ҳосил қилишда маҳсулдор бўлиб:

1) ижтимоий шароит, умумий турмуш, ҳамкорлик, ҳамдўстлик маъноли шахслар номини ифодаловчи от-терминлар ясади: *юртдош* («соотечественник»), *маслакдош* («единомышленник»), *қуролдош* («друг по оружию»), *курсдош* («однокурсник»), *полкдош* («однопольчанин») ва ҳ.к.;

2) бошланғич, дастлабки асосдан келиб чиққан сифат, хусусиятни англатувчи теринларни шакллантиради: *жинсдош* («однородный»), *оҳангдош* («созвучный»; «гармонирующий»), *йўлдош* (мед. «плацента») ва ҳ.к.;

3) баъзи бир тилшунослик терминларини воқелантиради: *сифатдош* («причастие»), *равшидош* («деепричастие»), *ундош* («согласный звук»), *шаклдош* («омоним»), *ўзакдош* («однокоренной», «однокорневой») ва ҳ.к.

Мазкур модель ўзбек тили техника терминларини яашда қатнашмайди. Аммо ботаника терминлари тизимида ўта сермахсуллиги билан ажралиб туради: *чиннигулдош*, *айиқтовондошлар*, *бошоқдош*, *чучмомадошлар*, *зирадош*, *раънодош*, *токдош*, *гулнавшодадош* ва ҳ.к.

-соз аффиксли сўз ясовчи модель

Форсча-тожикча –соз суффиксли мазкур сўз ясовчи модель шахс номини ифодаловчи от-терминлар яшашда нисбатан фаоллиги билан ажралиб туради. –соз суффикси қатнашуви билан ҳосил қилинган қатор дериватларнинг ўзбек тили техникавий терминологияси тизимида нисбатан фаол қўлланиши кузатилади: *самолётсоз* («самолётостроитель»), *кемасоз* («судостроитель»), *соатсоз* («часовщик», «часовых дел мастер»), *тракторсоз* («тракторостроитель»), *ракетасоз* («ракетостроитель»), *вертолётсоз* («вертолётостроитель»), *металлсоз* («металлист»), *асбобсоз* («инструментальщик»), *вагонсоз* («вагоностроитель»), *станоксоз* («станкостроитель») ва ҳ.к.

-кар, -кор // -гор аффиксли сўз ясовчи модель

Форс-тожик тилидан кириб келган ушбу суффиксли модель ёрдамида муайян касб-ҳунар эгаларини англатувчи терминлар ясалади: *чилангар* («слесарь»), *заргар* («золотых дел мастер», «ювелир»), *даъвогар* («истец»; «претендент»), *шоликор* («рисовод»), *жавобгар* («ответчик»), *тадбиркор* («предприниматель»), *тажовузкор* («агрессор») (Усмонов О.1975; 51-56) ва ҳ.к.

-каш аффиксли сўз ясовчи модель

Келиб чиқиши форсча-тожикча ҳисобланувчи –каш аффикси иштирокида ясалган терминлар маълум касб-ҳунар билан машғул шахсни ифодалайди: *чизмакаш* (1. «чертежник»; 2. «мастерица, занимающаяся рисованием узоров для вышивания»), *арракаш* («пилщик», «распиловщик»), *кўчирмакаш* («плагиатор») и т.д. Ўзбек тили техника терминларини ҳосил қилишда ўта каммаҳсулдир.

-дор аффиксли сўз ясовчи модель

Форс – тожик тилининг элементи бўлмиш –дор суффиксли ушбу каммаҳсул модель :1) шахс номини: *байроқдор* («знаменщик»), *нишондор* («орденоносец»); 2) мавжудлик, эгалик сифатларини яшашда қатнашади: *зарбдор* («ударный»); *маҳсулдор* («продуктивный», *чиқимдор* («понесший расходы, требующий немало расходов») (Усмонов О.1975; 51-56) ва ҳ.к.

-боз аффиксли сўз ясовчи модель

Ушбу модель илмий терминология тизимида асл ўзбекча (туркийча), арабча, форсча-тожикча ҳамда Русча-байналминал лексик бирликлардан жуда оз ҳолатларда бирор-бир нарса билан қизиқувчи шахс номини англатувчи терминларни юзага чиқаради: *буйруқбоз* («бюрократ»), *мушакбоз* («пиротехник»), *сафсатабоз* («пустомеля», «демогог»), *милтиқбоз* («перестрельщик»), *шиқибоз* («болельщик»), *хотинбоз* («бабник») ва ҳ.к

-дўз аффиксли сўз ясовчи модель

Форсча-тожикча –дўз суффиксли мазкур каммаҳсул модель бирор - бир

нарса, буюмни тикувчи шахс номини билдиради: *мўйнадўз* («скорняк»), *этиكدўз* («сапожник»), *кавушдўз* («мастер, изготавливающий кожаные калоши»), *елкандўз* («специалист по изготовлению парусов») ва ҳ.к.

-шунос аффиксли сўз ясовчи модель

Келиб чиқиши нуқтаи назаридан форсча-тожикча ҳисобланувчи *-шунос* суффиксли бу қолип ўзбек тили терминологияси таркибида аксарият рус тилидаги иккинчи компоненти *-вед* суффиксли ясамаларга мос тушувчи, мазмунан шахс номини ифодаловчи терминларни шакллантиради (Кононов 1960; 110): *қонунишунос* («правовед»), *шарқшунос* («востоковед»), *машинашунос* («специалист по машинам»), *руҳшунос* («психолог»), *хитойшунос* («китаевед»), *тилишунос* («языковед»), *эронишунос* («иранист»), *матнишунос* («текстолог»), *сиёсатишунос* («политолог») ва ҳ.к.

-хўр аффиксли сўз ясовчи модель

Бу каммаҳсул модель баъзан : 1) шахсни: *одамхўр* («каннибал»), *арақхўр* («пьяница»), *текинхўр* («тунеядец», «дармод»), 2) хайвонларни ифодаловчи терминларни яшашда қатнашади: *асалхўр* («медод»), *морхўр* («козёл винторогий»), *чумолихўрлар* («муравьеды»), *гўштхўр* («плотоядный»), *ўтхўр* («травоядный», «питающийся травой») ва ҳ.к.

-параст аффиксли сўз ясовчи модель

Форс-тожик тилига тегишли суффикс ёрдамида воқеланган ушбу модель шахсни номловчи терминларни ҳосил қилади: *амалпараст* («карьерист»), *бутпараст* («язычник», «идолопоклонник»), *шахсиятпараст* («эгоист», «индивидуалист»), *худонапараст* («верующий»), *ақидапараст* («догматик», «сторонник догматизма»), *шаҳватпараст* («сладостолубец») ва ҳ.к.

-дон аффиксли сўз ясовчи модель

Форс-тожик тилидан ўзлашган суффиксли ушбу модель :

1) асосдан ифодаланган тарзда бирор нарса сақланадиган идиш, нарса:

тухумдон («яичник»), *оловдон* («жаровня»), *ўқдон* («патронник»), *кулдон* («пепельница»), *сиёҳдон* («чернильница») ва ҳ.к;

2) шахсга хос сифат, хусусият, фазилатни тавсифловчи сифат-терминларни ҳосил қилади: *ҳисобдон* («знаток счётного дела»), *билимдон* («образованный», «эрудит») ва ҳ.к. Баъзи бир илмий асарларда ўзбек тилида иккита *-дон* аффикс-омонимларнинг мавжудлиги ҳақида фикр билдирилган (Турсунов 1965).

-парвар аффиксли сўз ясовчи модель

Форс-тожик тилидан ўзлашган *-парвар* суффикси иштирокида

реаллашган бу каммаҳсул модель шахс отини англатувчи оз сонли терминларни ясайди: *етимпарвар* («покровитель сирот»), *ватанпарвар* («патриот»), *инсонпарвар* («гуманист»), *халқпарвар* («любящий народ»), *сулҳпарвар* («сторонник мира») ва ҳ.к.

– *фуруш* аффиксли сўз ясовчи модель

Форс-тожик тилига хос –*фуруш* суффикси кўмагида воқеъланган мазкур каммаҳсул модель ўрни билан шахс отини англатувчи терминлар яшашда кўзга ташланади: *ватанфуруш* («изменник»), *оғуфуруш* («торговец наркотиком»), *тамакифуруш* («продовец табака»), *одамфуруш* («работорговец», «торгующий людьми»), *нашафуруш* («торговец анашы, гашиша») ва ҳ.к.

- *гоҳ* аффиксли сўз ясовчи модель

Ўзбек адабий тили таркибига форс-тожик тилидан жуда барвақт ўзлашган –*гоҳ* аффикси иштирокида юзага келган бу модель асосдан англашилган воқеа-ҳодиса содир бўлувчи ўрин, жой номини ифодалайди: *жанггоҳ* («поле битвы», «арена битвы»), *аскаргоҳ* («военный лагерь»), *лашкаргоҳ* («военный лагерь») ва ҳ.к.

– *нома* аффиксли сўз ясовчи модель

Форсча-тожикча сўз-аффиксли ушбу модель асосан хужжат, ёзув, хат, хужжат номи намунаси маъносини англатадиган терминларни ясайди (УРСл 1988; 723): *баённома* («протокол»), *васиятнома* («письменное завешание»), *гувоҳнома* («свидетельство»), *аҳднома* («контракт», «договор»), *шартнома* («договор»), *маълумотнома* («справка»), *ахборотнома* («вестник»), *шаҳодатнома* («аттестат»).

4.2. Истиклол даври ўзбек луғатшунослиги эришган ютуқлар

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва 1991 йилда Мустақилликнинг қўлга киритилиши ўзбек лексикографияси олдида шонли уфқларни очиб берди. Мустақилликнинг дастлабки йиллардан бошлаб ўзбек луғатчилиги ўтмишда эришилган тажриба ва анъаналар негизида турфа турдаги луғатлар тузиш масаласини ижобий ҳал қилишга киришди. Бу борада қўйилган жиддий кадамлардан бири Ўзбекистон миллий энциклопедиясини Истиклол ғоялари асосида тузиш, собиқ шўролар даврида ноҳақ камситилган аждодлар ҳаёти ва фаолиятини объектив, ҳаққоний ёритиш, тоталитар тузум сиёсати ва мавкурасини ифодаловчи тушунчалардан воз кечиш сингари мақсадлар сари йўналтирилган 12 жилдан иборат Миллий энциклопедиянинг нашр қилиниши Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ўзининг илмий жиҳатдан чуқур, айна вақтда оммабоплиги билан кенг китохонлар орасида обрў-эътибор топиб, жаҳоннинг нуфузли қомуслари қаторидан муносиб ўрин олди. 32 дан ортқ фан соҳаларига доир

тушунчалар қатори умумбашарий маълумотларни ҳам ўз ичига қамраб олган энциклопедия жилдларида 60 мингдан ортиқ мақолалар келтирилган. Энциклопедиядан жой олган мақолалар 9 тахририят томонидан тавсия этилган. Мақолаларнинг ҳажми уларнинг мазмун-моҳияти, характеридан келиб чиққан ҳолда ўзаро фарқланган. Мамлакатлар, давлатлар, географик объектлар, сулолалар, машҳур тарихий шахслар кенгроқ ёритишни тақозо этган.

Этимологик луғат яратиш тузувчидан тил тарихидан юқори даражада хабардор бўлишни, тилда содир бўлувчи қонуниятлар, сўз ясалиши жараёнларини пухта эгаллашни тақозо этади. Этимологик луғатлар тузиш масаласига тилшунослар жуда эрта диққат қаратишган бўлса-да, бироқ том маънодаги этимологик луғатлар нисбатан кейинги даврларда яратилди. Туркийшуносликда этимологик луғатлар тузишга қўл урган олимлар бармоқ билан саналарли. Хусусан, “Чуваш тилининг этимологик луғати” Егоров томонидан ўз вақтид тузилди. Собиқ СССР ФА Тилшунослик институтида Э.В.Севортян раҳбарлигида дунё юзини кўрган “Туркий тилларнинг этимологик луғати” (Этимологический словарь тюркских языков).I-IV.М., 1974-1989, Ҳасан Эреннинг Туркий тиллар этимологик луғати шулар жумласига кирар эди. Ўтган асрнинг охирида ўзбек луғатшунослиги қаршида этимологик луғат яратиш масаласи кўндаланг турар эди. Ушбу ўта оғир, айни пайтда, шарафли вазифани амалга ошириш профессор Ш.Раҳматуллаев бошчилигидаги ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) тилчилари зиммасига юклатилди. 1997-1999 йилларда “Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати” чоп этилди. Тўрт китобчадаги мақолаларнинг талай қисми кейинчалик қайтадан тузилди, йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, бартараф қимлинди. Луғат 2000 йилда “Университет” нашриётида Ш.Раҳматуллаев номи билан “Ўзбек тилининг этимологик луғати” шаклида нашр қилинди. Мазкур луғатнинг биринчи жилди туркий сўзлар этимологиясига бағишланган бўлиб, унда 2400дан ортиқ сўз қамраб олинган. Луғатнинг 2003 йилда эълон қилинган II жилдида араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар, 2009 йилда дунё юзини кўрган III жилдида эса форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилаларнинг этимологияси берилган.

Ўзбек лексикографияси изоҳли луғатлар тузиш борасида ҳам муайян ютуқларни қўлга киритди. Маълумки, 1981 йили Москвадаги “Русский язык” нашриётида З.Мағруфов тахрири остида 60000 сўзни ичига олган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” икки жилд тарзида чоп этилган эди. Ўз вақтида ўзбек луғатшунослигининг улкан ютуғи сифтида баҳоланган ушбу луғат Мустақилликдан кейинги мавжуд талабларни қондиришда қўл келмай қолди. Зеро, унда изоҳланган сўзларнинг аксар қисми тоталитар тузум мафқураси, маънавияти билан боғлиқ эди. Ўзлигини ангаб етган, азалий қадриятларини қайта тиклаш йўлиги тушиб олган ўзбек миллати вакиллари учун истиқлол, озодлик, эркинлик, ватанпарварлик, фидойлик ғояларини тараннум этувчи мутлақо янги типдаги изоҳли луғат тузиш зарур эди. Ушбу жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда ЎЗР ФА Тил ва адабиёт инситути луғатчилари саъй ҳаракати натижасида 5 жилддан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” жорий алифбода нашр қилинди. Луғатнинг лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосидаги нусхаси нашр юзини кўриш арафасида.

Истиқлол йилларида ўзбек луғатшунослиги юқорида қайд этилган

луғатлардан ташқари икки тилли, чаппа(терс), частотали,тезаурс ва ҳ.к. луғатлар тузиш борасида ҳам сезилари ишларни бажарди. Айниқса, илм-фан, техника соҳасига доир терминологик луғатлар тузишдаги ишларни таъкидлаш лозим бўлади. Бу борада тиббиёт фанида қўлланувчи терминларнинг таржима, изоҳли луғатларининг катта миқдорда нашр юзини кўргани қуванарли ҳол. Тарихда қўлланган ижтимоий, сиёсий, ҳарбий терминлар изоҳига бағишланган луғатлар нашр қилинди. Натижада, бугунги китобхон ўтмиш билан яқиндан ошно бўлиш имкониятига эга бўлди.

Назорат саволлари

1. Ўзбек тили терминларининг асосини структур-семантик жиҳатдан қандай сўзлар ташкил қилади?
2. Ўзбек тили терминологияси қайси туркумли сўзлардан иборат?
3. Термин ясашда қайси усул энг сермахсул ҳисобланади?
4. От туркумли термин(турдош от)ларнинг аффиксал усул билан ясалиши ҳақида баҳс юритинг.
5. –чи аффиксли модель билан ясалган тарихий терминларни тавсифланг.
6. “Муҳокамат ул-луғатайн”да –чи аффикси иштирокида ясалган қайси соҳа истилоҳлари келтирилган?
7. –лик аффиксли модель қандай маъноли от-терминларни ҳосил қилади?
8. –чилик аффиксли модель қандай маъноли терминларни юзага чиқаради?
9. –ча, -дош, -лаш,-лаштириш аффиксли моделлар қандай маъноли терминларни ясайди?
10. Ўзбек тилида терминлар ясашда ўзлашма қўшимчаларнинг ўрни қандай?
11. Мустақилликдан кейин ўзбек лексикографияси қандай ютуқларга эришди?
12. “Ўзбек тилининг этимологик луғати” хусусида фикрингиз қандай?
13. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (беш томлик) сизни қониқтирадими?

Фойдаланилган адабиёт

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами. - Тошкент: Фан, 1988.
2. БектемировХ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент: Фан, 2002.
3. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. -Ташкент: Ёзувчи, 1991.
4. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.- М.: Наука, 1977.
5. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Тошкент: Фан, 1977.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1- амалий машғулот:

XX аср ўзбек терминологиясининг таракқиёт тамойиллари, методологик асослари: терминологияда юзага келган муаммолар, уларнинг омиллари ва сабаблари

Ишдан мақсад: Деярли 13 аср давомида ўзбек терминологияси ва лексикографияси шаклланиши ва ривожланиши динамикаси бўйича асосий кўникмаларни такрорлаш. Кўхна терминлардан ва луғатлардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаш.

Масаланинг қўйилиши: Ушбу амалий иш давомида тингловчи қуйидагиларни бажариши лозим:

- қадимги туркий тил матнларидан терминларни топиши

- эски туркий тил обидалари матнида қўлланган соф туркий терминларни аниқлаши

- эски ўзбек адабий тили манбаларида иўлатилган арабча ўзлашма терминларни кўрсатиши

- “Девону луғотит турк”даги терминлар талқинини изоҳлаши

- ўзбек тили терминологияси тизимида форсча-тожикча элементларни билиши

- “Қутадғу билиг” пандномасида қўлланган ҳарбий терминларни шарҳлаши

- Навоийнинг “Хамса” асари матнидан астропонимларни топиши

- “Бобурнома”да қўлланган мўғулча ўзлашма терминларни изоҳлаши.

Ишни бажариш учун намуна.

Қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили терминологияси ва луғатнавислиги.

Туркий ёзма-адабий тилнинг дастлабки намуналари сирасига кирмиш қадимги рун битиклари, шубҳасиз, туркий халқлар аждодларига хос юқори даражада шаклланган лисоний маданиятидан дарак берувчи манба вазифасини ўтайди. Қадимги туркий тил фонетик-фонологик, морфем-морфологик, лексик-семантик ва синтактик хусусиятлари Ўрхун-Енисей(Энасой) тош битиклари ва эпитафияларида ўз ифодасини топган. Руник обидалар жанр нуктаи назаридан олти гуруҳга тақсимланади:

1) тарихий–биографик битиклар: Кул-тегин, Мўғилон (Билга қаған), Кули-Чур, Тўнжук, Ўнгин, Селенга, Сужун, Қорабалғасун битиктошлари;

2) эпитафик битиклар: Енисей, Талас, Тува, Хақосия қабр тошлари;

3) қоялар, тошлар ва қурилишлардаги (Хўйтў-Темир) битиклар;

4) диний матнлар: фолкитоби “Фолнома”;

5) Турфондан топилган юридик/ҳуқуқий ҳужжатлар;

6) Маиший нарсалар-буюмлардаги битиклар.

Руник битиклар лексикаси таркибида бир қанча терминологик тизимларнинг мавжудлигини туркийшуносликда олиб борилган изланиш ва махсус тадқиқотлар

тасдиқлаган. Хусусан, қўйидаги мавзуи гуруҳларга оид терминлар тизимлар битиклар матнида фаол қўлланган:

1) Ижтимоий-сиёсий терминлар тизими – *қаган, тэгин, шад, йабғу, қатун, тудун, тутуқ, тарқан, бэг, элтабар, сабчи* “элчи”, *йолчи* “бошлиқ” ва ҳ.к.

2) Ҳарбий терминлар – *коруг* “айғокчи, жосус”, *айғучи* “ҳарбий маслаҳатчи”, *субаши* “саркарда, лашкарбоши”, *йэрчи* “йўл кўрсатувчи, кулавуз”, *сунгуш* “жанг, уруш”, *сунгуг* “найза”, *су* “лашкар, қўшин”, *буйрук* “фармонбардор”, *қишлақ* “қиш мавсуми учун мўлжалланган лашкаргоҳ, лагерь”, *қурган* “кўрғон, истехком”, *барғу* “ўлжа”, *тэгиш* “жанг”, *кэдим* “совут; ёпинчиқ”, *йэлма* “ғоратгар аскарӣ гуруҳ”, *булун* “асир, тутқун” ва ҳ.к.

3) Тижорат билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар: *арқиш* “савдо-сотик карвони”, *сат-* “сотмоқ”, *сатиг* “савдо-сотик”, *сатигчи* “тожир, савдогар”, *бэрим алим* “қарз”, *алим бэрим* “қарз”, *отағ* “қарз”, *отағчи* “қарздор”, ва ҳ.к.

4) Солиқ ва бож терминлари тизими – *бэрим* “тўлов”, *қабин* “тайёр маҳсулот билан тўланадиган солиқ тури”, *қубчир* “давлат томонидан фуқаролардан ундириладиган жон солиғи” ва ҳ.к.

5) Зоонимлар – *буғра* “эркак туя”, *арслан* “арслон, шер”, *ат* “от”, *уд* “қорамол (буғқа ёки сигир), *қағатир* “хўкиз”, *бори* “бўри”, *барс* “йўлбарс”, *тиши барс* “урғочи йўлбарс”, ва ҳ.к.

6) Астропонимлар: *ай* “ой”, *кун* “куёш”, *алтун йултуз* “Чўлпон, Венера”, *йэтиган* “Катта Айиқ”, *от йулдуз* “Марс”, *сув йулдуз* “Меркурий”, *топрақ йулдуз* “Сатурн”, *йиғач йулдуз* “Юпитер”, *йэр* “ер, замин” ва ҳ.к.

7) Анатомик терминлар – *йукрак* “юрак”, *қарак* “кўз, кўз гавҳари”, *қарин* “қорин”, *қол* “қўл”, *баш* “бош”, *бағир* “жигар”, *овка/опка* “ўпка” ва ҳ.к.

8) Тиббий терминлар – *буған* “чипқон, *кака тау* “йирингли яра, чипқон”, *иг* “дард, касаллик”, *иг ағриғ* “касаллик, дард”, *иг кэган* “дард, касаллик”, *адақ ағриғ* “оёқ оғриғи”, *ағиз ағриғ* *иг* “оғиз касаллиғи”, *бурун ағриғ* *иг* “бурун касаллиғи”, *боғуз ағриғ* *иг* “қилизўнгач, халқум касаллиғи”, *йурак ағриғ* *иг* “юрак касаллиғи”, *онгуч ағриғ* *иг* “томоғ оғриғи касаллиғи”, *қулзақ ағриғ* *иг* “қулоқ касаллиғи”, *ағругичи* “касал, бемор, дардманд” ва ҳ.к.

9) Маъдан номларларини англатувчи терминлар: *алтун* “олтин, тилла”, *кумуш* “кумуш”, *тэмур* “темир”, *бақир* “мис” ва ҳ.к.

10) Дунё (курра)нинг тўрт томони ва вақт (сутка) ўлчов бирлигини ифодаловчи терминлар тизими – *кун орту* 1) “пешин”; 2) “жануб”, *тун орту* 1) “ярим кеча”; 2) “шимол”, *тун сари* “шимол”, *танг сари* “шарқ”, *кун туғсиқ* “шарқ, кунтуғар”, *кун батсиқ* “ғарб, кунботар” ва ҳ.к.

Келтирилган мисоллар қадимги туркий тил терминологиясининг мавзу нуқтаи назаридан турфа, миқдор жиҳатдан анча кўплиғи, истилоҳларнинг асосини асл туркийча сўзлар ташкил этганини тасдиқлайди.

Ўрта Осиёнинг араблар томонидан фатҳ қилиниши оқибатида ислом дини, араб тили ва маданияти, араб хати шу минтақада азалдан истиқомат қилиувчи халқлар, миллатлар, қабилалар, қавмлар интеллектуал ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Араблар ҳукмронлиғидан кейин эрон маданияти, айниқса, сомонилар ҳукмронлиғи йилларида тараққий этди ва унинг туркий тиллар табиатиға,

характерига маълум даражада таъсири кўзга ташланди. X аср охирида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Кошғарда қорахонийлар салтанати ташкил топди. Шу даврдан эътиборан туркий адабий тилларнинг шаклланишида жиддий жараёнлар содир бўлди. Қорахонийлар вақтида жонли тиллар адабий тилдан фарқли ўлароқ хорижий тиллар элементларига нисбатан оз таъсирда бўлган. Форс-тожик тили аксарият ҳолларда расмий-идораларда эски туркий тил билан ёнма-ён қўлланган. Бу кезларда эски туркий тил сўз бойлиги, хусусан, терминлар тизими умум тил лексикаси таркибида шаклланди ва тараққий этди. Бундай экстралингвистик омиллар қатори интралингвистик факторларнинг роли катта бўлган эди. Математика, география, фалакиёт, тиббиёт, минерология, зоология, геометрия каби табиий фанлар сингари фалсафа, филология, лингвистика, тарихшунослик, диншунослик каби фан соҳаларининг жадал ривожланиши асосида эски туркий тил терминологиясининг қадимги туркий тил терминлар тизимидан кўп жиҳатдан фарқланиши яққол кўзга ташланади. Айтиш жоизки қадимги туркий тил сўз бойлигида мавжуд бўлган асл туркийча терминларнинг салмоқли қисми бу давр терминологиясида ҳам истеъмолда қолаверган.

Қорахонийлар даври терминологияси тизими эски туркий тилнинг ўз ресурслари ҳамда араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган бирликлар ҳисобга кенгайтиб борган.

Эски ўзбек тили терминологияси (XV-XIX аср охири) тизими қадимги тукий тил ва эски туркий тил терминологиясидек ўз ички имкониятлари ҳам ўзлашмалар ҳисобига шаклланди ва ривожланди. Эски ўзбекча терминлар ясашиш жиҳатдан туб ва дериватлардан ташкил топган эди. Терминлар ясашишида қатнашган аффиксларни лексик-грамматик характерига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) Исм-ўзаклардан от-терминлар ясовчи аффикслар: *йуртчи, йулдузчи, чэригчи, туралиқ, жибалик, кэжимлик* ва ҳ.к.;

2) Феъл –ўзаклардан от-терминлар ҳосил қилувчи аффикслар: *пусуг, болак, йуруш, чапқун, қувгун/қавгун, йасавул, тосқавул, татавул, ниаквул, йасал, қабал, йасақ, толғама, йасав, башламақ* ва ҳ.к.;

3) От(исм)лардан феъл-терминлар ясовчи аффикслар: *йагила-, оқла-, чэрикла-, жибалан-, қиличла-, атлан-* ва ҳ.к.;

4) Феъл-ўзаклардан феъл-термин ҳосил қилувчи кўшимчалар: *саваш-, уруш-, талат-, эврил-, йигил-* ва ҳ.к.;

Терминларнинг синтактик йўл билан ясашишига тубандаги фактик материаллар мисол бўлади: *коктэмур* “зирх, совут”, *йатиш тавачиси* “аскарларни ётоқ билан таъминловчи ҳарбий мансаб эгаси”, *улуғ уруш* “дахшатли жанг”, *он бэги, йуз баши, минг бэги, туман бэги* ва ҳ.к.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида адабий тил алоҳида ўзга хос ўринга эга бўлди. Бу давр адабий тили ва услубида жиддий ва муҳим ўзгаришлар юзага келди. Булар ўзбек халқи ҳаётида содир бўлган ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши натижасида майдонга чиқди. XIX асрнинг 2-ярмидан Ўрта Осиё Россияга қарам бўлиб қолди, Маҳаллий миллат орасида рус маданияти ёйила бошлади. Капиталистик муносабатлар ўзбек халқи ҳаётга ўз таъсирини кўрсата бошлади. Айтиш жоизки қадимги туркийча терминларнинг салмоқли қисми бу давр терминологиясида ҳам истеъмолда қолаверган. Ўзбек тили лексикаси ва терминологияси уч

манба асосида бойиб борди:

1) ўзбек тилининг ички имкониятлари ва қонунлари замирида юзага келган терминлар: *босмахона, низомнома* “устав”, *нишонтош* “ёдгорлик”, *йигилиш* “мажлис” ва ҳ.к.;

2) ўзбек тили терминологиясининг жонли халқ тили сўзлари ҳисобига кенгайтиши: *бозчи, бэзгак, исқаптопар, арава* ва ҳ.к.;

3) русча-ғарбий европача терминлар ўзбек тилига ўзлашиши: а) ижтимоий-сиёсий терминлар – *уезд, пристав, солдат, волость, дума* ва ҳ.к.; б) транспорт билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи терминлар – *поезд, вагон, вокзал, станция* ва ҳ.к.;

4) саноат, тижорат ва молия тизимида қўлланувчи терминлар – *завод, фабрика, вситавка, магазин, кредит* ва ҳ.к.;

5) маданият, фан, маориф соҳаси теринлари – *гимназия, театр, газета, музей, университет, кафедра* ва ҳ.к.;

6) тиббий терминлар – *госпиталь, лазарет, фельдшер* ва ҳ.к.;

7) ҳужжат ва мукофотлар терминлари – *медаль, паспорт, орден* ва ҳ.к.;

8) судлов терминлари – *суд, судья, закон* ва ҳ.к.;

9) ўлчов бирликлари номи – *пуд, минута, сажень* ва ҳ.к.;

10) ҳарбий терминлар – *генерал, корпус, конвой, капитан* ва ҳ.к.

Зикр этилган ўзлашма терминларнинг муайян қисми кейинчалик улар англатган тушунчаларнинг турмушдан чиқиб кетгани боис истеъмолдан қолди, баъзилари эса ўзбек тили сўзлари билан алмаштирилди.

Назорат саволлари

1. Ўрхун-Енисей битиктошлари жанр жиҳатдан неча гуруҳга тақсимланади?

2. Битиктошлар матнида қандай мавзуй гуруҳларга оид терминлар қайд этилган?

3. Араблар фатҳидан кейин туркий тилда қандай жараёнлар содир бўлган?

4. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида туркий терминологиянинг ҳолатига баҳо беринг.

5. Эски туркий тил терминологияси тизими қайси манбалар асосида шаклланди?

6. Қорахонийлар салтанатида туркий тилнинг мавқеи қай даражада эди?

7. Эски ўзбек тили терминологияси ривожига сабаб бўлган қандай омилларни биласиз?

8. XIX аср 2-ярмидан ўзбек терминологияси тизими қайси манбалар ҳисобига ривожланди?

9. Ўзбек тили терминологиясининг шаклланишида ўз қатламнинг ўрни қандай?

10. Мўғулча ўзлашмалар эски ўзбек тилининг қайси фан соҳасида миқдоран аксариятни ташкил қилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами. - Тошкент: Фан, 1988.
2. Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент: Фан, 2002.
3. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. -Ташкент: Ёзувчи, 1991.
4. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.- М.: Наука, 1977.
5. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Тошкент: Фан, 1977.

2- амалий машғулот:

Мустақиллик даври ўзбек терминологияси ва лексикографияси

Ишдан мақсад: Ўзбек тили ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий-техникавий ва ҳ.к терминлар тизими бўйича асосий кўникмаларни такрорлаш. Туб терминлар, ясама терминлар (сода ясама), кўшма терминлар, термин-бирикмаларни фарқлаш кўникмасига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Ушбу амалий иш давомида тингловчи куйидагиларни **бажариши лозим:**

-“Кул тегин битиктоши”да қўлланган давлат қурулига оид терминларни шарҳлаши

- тарихий-анъанавий терминлар хусусида мулоҳаза юритиши

-ўзбек терминологиясининг бойишига сабаб бўлган нисбатан янги терминларни маҳаллий м а тбуот органларида қўлланишини кузатиши

-ўзбек тили асосида воқеланган тилшунослик терминларини изоҳлаши

-ўзлашмалар иштирокида пайдо бўлган илмий терминларни изоҳлаши

- луғатлар ёрдамида қурол-яроғ номларини ифодаловчи терминларга баҳо бериши

- тиббий терминлар тизимида қўлланувчи юнонча ва лотинча терминларни фарқлаши

-терминологик луғатлардаги термин-бирикмаларнинг ўрнини белгилаши.

Ишни бажариш учун намуна

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий-техникавий ва ҳ.к.терминлар тизими.

Ўзбек тилида ҳозирги илмий-техникавий терминология ўз аксини кенг қамровда топган.

Ўзбек адабий тилининг ажралмас бўлаги ҳисобланмиш терминология ҳозирги ўзбек тилшунослиги фанининг ўта шахдам ва динамик тарзда тараққий этаётган категориялардан бири бўлиб, тил луғат бойлигининг муттасил ўсиб ҳамда кенгайиб боришида туганмас манба ролини бажаради.

Ўзбек тили илмий терминологиясида терминларнинг уч тури фарқланади (Бегматов 1988; 140):

1) тарихий-анъанавий терминлар. Бу турга тааллуқли сўзлар жуда қадимдан термин вазифасида қўлланиб келади ва ўзбек терминологиясининг ўзагини ташкил қилади. Масалан, *тўсиқ, юлдуз, солиқ, қирим, пул, олди-сотти, сўроқ, томир, оқсиллар, иситма* сингари кўпгина терминлар шулар сирасидандир;

2) терминологик тизимнинг бойишига боис бўлган нисбатан янги термин-ўзлашмалар: *сканер, сайт, каратэ, Интернет аукцион, томография, спектр, респиратор, психоллингвистика, прагматика, лингвокультурология, семема, пародонтоз, бактерия, видеотелефон, катапульт, радиолокатор, татами, плей-офф* ва ҳ.к.;

3) ўзбек тили сўз ясовчи қолиплари негизида ҳосил қилинган терминларни икки гуруҳга тақсимлаш мумкин :

а) она тили материаллари негизида пайдо бўлган терминлар: *боғловчи, тўлдирувчи, кесим, тенглик, қайта сайлов, тўлов, бошқарув, бўғилиш, титраш, бошқарма, ясама, қўниш, қурилма, кўчиш, иккиламчи бозор, қўшимча қиймат солиғи, терма жамоа* ва ҳ.к.;

б) ўзлашмалар иштирокида юзага келган терминлар: *ракетаэлтгич, автомобильсозлик, эшелонлаштириш, штурмчи, шифрлаш, фотоҳужжат, компьютерлаштириш, катетерлаш, бомбақидиргич, дзюдочи* ва ҳ.к.

Шубҳасиз, ўзбек терминологияси илмий-техникавий инқилоб даври деб ном олган XX асрда ҳам миқдор, ҳам сифат томондан жиддий ўзгаришларни бошидан кечирди. Бундай ўзгаришлар интралингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсири остида умум ўзбек адабий тилида содир бўлган жараёнлар ёрдамида аниқланади.

Муболағасиз таъкидлаш лозимки, ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши (1989) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Истиқлолни қўлга киритиши (1991) илм-фан тилининг кенг қамровли тараққиётини таъминлади.

Ўзбек тили терминологик лексикасининг фаоллашиш жараёни республиканинг давлат қурилиши, иқтисодий, ижтимоий, илмий, маданий ва маънавий тараққиёти, шунингдек, ижтимоий турмушнинг турфа жабҳаларига доир талайгина янги ҳодиса ва тушунчаларни ифодалаш зарурияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли ҳозирги пайтда ўта тезлик билан тўлишиб бораётган қатор терминологик тизимларни яна ҳам такомиллаштириш, юқори босқичга кўтариш ўзбек терминологияси олдида турган долзарб, кечиктириб бўлмас масалалардан ҳисобланади.

Сир эмаски, ҳар қандай тилнинг луғат таркиби уч нисбатан мустақил, яъни нотерминологик (мустақил маъноли сўзлар ва ёрдамчи сўзлар), умумилмий

(илмий соҳа вакиллари хос махсус лексемалар) ҳамда терминологик (аниқ терминологик тизимларга оид махсус лексемалар) қатламдан ташкил топади (Моль 1973; 41; Даниленко 1977; 27-20).

Бошқа тилларда кузатилгани каби ўзбек тили терминологик лексикаси асл ўзбекча (туркийча), ўзлашма (суғдча, хитойча, арабча, форсча – тожикча, мўғулча, Русча-байналминал), содда, оддий, барча томонидан кунда ишлатиладиган ва азалдан қўлланишда бўлган умум адабий тил сўз яшаш моделлари ҳамда термин яшаш қолиплари асосида шаклланган.

Шуни алоҳида урғулаш керакки, ўзбек тилининг ҳозирги соҳа терминологияси тизимида нисбатан анча кейин юзага чиққан терминлар сафида қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тилида қайд этилган лексик бирликларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга моликдир.

Ижтимоий-иқтисодий ва социал-сиёсий жабҳаларга доир ҳодиса ва тушунчаларни ифодаловчи ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология халқ кундалик ҳаётида содир бўлувчи турфа воқеалар билан яқиндан боғланган.

Давлатнинг сиёсий-маъмурий қурилиши, ташқи сиёсий фаолияти, ижтимоий тузилиши ва синфий табақаланиши, жамият аъзолариаро савдо-молиявий муносабатлар билин мустаҳкам алоқага эга ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминология тизимидаги лексик-семантик гуруҳларга кирувчи термин ҳамда термин-бирикмалар ўзбек тили луғат таркибини тўлдириган ва бойитган.

XI-XII асрларга хос қорахонийлар даври қўлёзма манбалари қариндош туркий тиллар, чунончи, ўзбек, уйғур, туркман, қозоқ, қирғиз ва ҳ.к. тиллар тарихи билан бевосита боғлиқ.

XIII-XIV асрларда Марказий Осиё ва Ўрта Осиё, Дашти Қипчоқ, Волгабўйи, Қирим ҳамда мамлюклар ҳукмронлик қилган Мисрнинг кенг минтақаларида турфа мазмундаги, ранг-баранг жанрдаги дунёвий ва диний туркий ёзма ёдгорликлар яратилган ва шуҳрат топган. Мазкур нодир ёзма обидаларнинг тили улкан ҳудуда истиқомат қилувчи туркий халқ (ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, татар, турк, озарбайжон ва ҳ.к.)лар адабий тилларининг шакилланишида муҳим аҳамият касб этганлиги туркологияда исботини топган.

Қорахонийлар давлати, Жўжи улусининг шарқий қисми, яъни Хоразм ва Чигатой улуси адабий тиллари заминида шаклланган, ҳозирги ўзбек адабий тилининг ўтмишдоши ҳисобланмиш эски ўзбек адабий тили лисоний хусусиятлари нуқтаи назаридан XI-XIV аср туркий ёзма манбалари тилига жуда яқинлиги билан характерланади. Кези келганда буюк Алишер Навоий, унинг салафлари, Бобур каби замондошлари шакллантирган ва ривожлантирган эски ўзбек адабий тилининг баъзи туркологлар томонидан чигатой тили билан айна бир хил, иккинчи гуруҳ олимлар томонидан чигатой адабий тилидан фаркланувчи жонли халқ тили, учинчи мутахассислар томонидан эса чигатой адабий тилининг варианты, деб қаралишини такроран таъкидламоқчимиз.

Биз томондан ўз вақтида эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тилида қўлланишда бўлган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминларни қиёсий-статистик таҳлили амалга оширилган эди. Таҳлил XI-XIV аср туркий обидалар тилида қайд этилган 700 та ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминлардан 645 таси ўзбек адабиёти классиклари асарлари тилида деярли фонетик ва семантик ўзгаришларсиз қўлланишда давом этганини кўрсатган эди.

Эски туркий тил ҳамда эски ўзбек адабий тилига хос ижтимоий-сиёсий ва

социал-иқтисодий терминларнинг салмоқли миқдори ҳозирги қариндош туркий тилларнинг терминологик лексикасига мутаносиб тушади.

Туркий лексик (терминологик) материалнинг умумийлиги ҳақида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлиш мақсадида биз томондан ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминлардан 503таси ажратиб олинган ва улар баъзи қариндош туркий тилларнинг мувофиқ лексик (терминологик) бирликлари билан қиёсланган эди. Таққослаш натижасида XI –XIV аср ёзма манбалари тилида ишлатилган 503 терминдан 348 таси уйғур тилида, 230 таси қозоқ тилида, 244 таси қирғиз тилида, 370 таси турк тилида, 390 таси ўзбек тилида қўланишда қолаётгани аниқланди.

Ҳатто ушбу тахминий таҳлил ҳам эски туркий тил даври қўлёзма манбалари ўзбек тили қатори бошқа туркий тиллар терминологиясининг шаклланиши ва қарор топишида асос вазифасини ўтаганлигидан далолат беради.

Муайян ашёвий материалларга мурожаат этамиз.

Ҳарбий лексика ўзбек тилининг қадимий қатламларидан бири бўлиб, унинг ҳамма ривожланиш босқичларида кузатилади. Умумадабий лексиканинг қатламларидан бири саналмиш ҳарбий терминлар тизимида ички ва ташқи омиллар таъсири остида шартланган ўзбек тилининг шаклланиш хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Ўзбек тилининг кўп асрлик тараққиёти давомида ҳарбий терминларнинг баъзилари эскирган ва тилнинг лексик хазинасидан тушиб қолган. Уларнинг ўрнига ўзбек тилини бойитган ўз ҳамда ўзлашма истилоҳлар қўлланган. Ҳарбий терминологиянинг тарихий-этимологик таҳлили унинг шаклланиши ва ривожланишида асл ўзбек(туркий)ча лексик бирликлар қатори араб, форс-тожик, мўғул ва рус тилларидан ўзлашган сўзларининг ҳам салмоқли ўрни борлигидан гувоҳлик беради.

Ҳозирги ўзбек ҳарбий терминологияси қадимийлиги VII-XIX асрларга бориб тақалувчи кўпгина сўзларни ўз тизимида сақлаб қолишга эришган. Бундай терминлар сирасига: 1) аскарый қисм ва қўшилмалар, жангчилар, асосий ҳарбий ҳаракат ва амалиётлар номларини ифодаловчи *қамал*, *юриш*, *кечув*, *кўрик*, *пистирма*, *қўшин*, *илгор*, *соқчи*, *қоровул*, *айгоқчи*, *тўпчи*, *денгизчи*, *чопар*, *мерган*, *қочоқ* ва ҳ.к.; 2) қурол-яроғ ва анжомлар номини англатувчи *тўп*, *қурол-яроғ*, *кема*, *ўқ*, *қўндоқ*, *қалқон*, *сол*, *кийим*, *қулоқчин* ва ҳ.к.; 3) *уруш*, *тинчлик*, *галаба*, *мағлубият* каби мавҳум маънони ифодаловчи лексик бирликлар оиддир.

Тарихий қадимийлиги бир неча юз йиллар билан ўлчанувчи зоологик терминология ҳам ҳозирги кунларга қадар маълум сондаги сўзларни тизимида асраб қолишга муваффақ бўлган. Синчковлик билан қилинган таҳлилга мувофиқ XI-XIV аср эски туркий тил ёзма обидалари тилида қўлланган 432 та зоонимнинг 365 таси асл туркийча, 33 таси форсча-тожикча, 26 таси арабча, 5 таси мўғулча, 3 таси эса ҳинд-европача эканлиги аниқланган. Соф туркийча 365 зоонимлар туб (158) ҳамда ясамаларга (207) тақсимланади. Ясама зоонимларнинг 132 таси морфологик, 59 таси синтактик, 5 таси эса семантик йўл билан ҳосил қилинган. Чунончи, *тўнгиз*, *бўрсик*, *бия*, *кийик*, *қуён*, *шунқор*, *ғоз*, *ўрдак*, *бурга*, *қўнгиз* сингари талай лексик бирликлар ҳозирги ўзбек зоологик терминологияси таркибида фаол қўлланмоқда (Абдушукуров 1998; 1).

Илк марта VII-XIV асрлар ёзма ёдгорликлари матларида қайд этилган *элчи, элчилик, элчихона, ёрлик, сулҳ, сулҳнома, хабар, жосус, таширф, ижозат, қабул, нома, муҳр, душманлик, нишон* ва бошқа асл ўзбекча (туркийча) ҳамда бошқа тиллардан ўзлашган сўз ва сўз бирикмалари замонавий ўзбек дипломатик терминологияси тизимида кенг ишлатилмоқда (Дадабаев 1994 ;4-13.).

Айни чоғда, ҳозирги ўзбек дипломатик терминологияси тараққиётини унинг таркибига кириб келаётган, бугунги жаҳон дипломатияси соҳасида мавжуд тушунча ва мазмунларни ифодаловчи лексемаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги ўзбек дипломатик терминологияси генетик жиҳатдан турли-тумандир. Унинг сафида азалдан қолиб келган, умумтуркий терминлар қатори, шарқ ва Европа (рус, инглиз, немис) тилларидан турли замонларда кириб келган ўзлашмалар ҳам ўз аксини топган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” материаллари асосида қилинган статистик таҳлил дипломатик терминларнинг умум ўзбек адабий тилида қўлланиш даражаси частотасининг пастлигини кўрсатди. Хусусан, номи тилга олинган изоҳли луғатдан ўрин олган 60.000 сўзларнинг бор-йўғи 410 тасини, яни 0,7%ини дипломатик терминлар ташкил қилади, холос (Абдуллаева 2003;160).

Маълумки, жуда қадим замонлардан инсонларнинг вақтни аниқлаш, бир макондан бошқа жойга ҳаракат қилиш, саёҳатларга бориш эҳтиёжи натижасида осмон ва ундаги жисмлар, ёритқичлар ҳаракатини ўрганувчи махсус фан, яъни астрономия шаклланди. Астрономия фанининг асрлар мобайнидаги тараққиёти натижасида ушбу соҳага тегишли лексемалар микротизими шаклланди.

Ҳозирги ўзбек тили астрономик терминологияси тизими X-XIV асрлардан эътиборан муомалага кирган *нужум илми, мунажжим, юлдуз, сайёра, устурлоб, Хулкар, Арслон, бурж, Қовға, Етаган, Чўлпон, Муштарий* сингари қадимий астропоним (космоним)ларни сақлаб қолишга эришган (Дадабаев 1994; 32-43).

Астрономия ва космонавтика фанларининг сўнгги вақтларда жадал ривожланиши,табiiй, ўз ифодасини ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бойлигида ҳам топди.

Уран, Нептун, Плутон, астероид, Улуғбек астероиди, Осиё астероиди, Галлей кометаси, Неуймин кометаси, селеноним, Кирилл кратери каби астропонимлар илмiiй ва илмiiй-оммабоп нашрларда фаол ишлатилмоқда, дарслик, қўлланма ҳамда турли характердаги луғатларда қайд этилмоқда (Примов 2009).

Хуллас, генетик кўриниши нуқтаи назаридан ўзбек тилида қўлланувчи терминлар: а) терминология тизимида тайёр тил бирлиги сифатида қабул қилинган сўзлар; б) махсус ном тарзида ясалган сўзларга тақсимланади. Бундай кўринишни муайян лисоний ҳодиса ва вазиятларнинг маҳсули, деб баҳолаш керак бўлади.

2-вазифа

Туб терминлар, ясама терминлар (сода ясама), қўшма терминлар, термин-бирикмалар.

Ўзбек терминологияси тизимида туб терминлар қатори деривативларнинг ҳам роли салмоқли лидир. Туб терминлар ўзбек терминологияси тизимининг барча шаклланиш ва ривожланиш босқичларида кўзга ташланади. Хусусан: *эл,*

йурт, ёқ, ўқ, тўра, тамга, қин, бой, кунг, қул, ёв, қорин, жағ, ўпка каби туб терминлар деярли барча терминологик тизимлар учун хосдир. Ясама терминлар, шубҳасиз, ўзбек терминлогиясининг улкан қисмини ташкил этади. Ясама терминлар морфологик ва синтактик йўл билан ҳосил қилиниши жиҳатидан умумлексикадан фарқланмайди.

Аффиксация термин яшанинг энг маҳсулдор усули бўлиб, бу усул ўзбек терминлогияси қарор топишининг биз билан юқоридаги босқичларида етакчилик қилган. Фикримизни қуйидаги фактик мисоллар билан тасдиқлаймиз. Аффиксация усули билан ясалган сифат – терминлар.

Маълумки, от сўз турукумига хос лексик бирликларнинг термин тарзида қўлланиши бўйича сўз туркумлари қаторида етакчиликка эгаллиги ҳеч ким учун янгилик эмас. Шу билан бирга, илм-фан тилида (яъни мавжуд илмий адабиётда қўлланган) махсус тушунчаларни ифодалайдиган ҳамда терминологик номларга доир барча талабларга жабоб берадиган терминлар ўрнида ҳам феъл (феълдан ясалган бир ўзакли исмлар), ҳам сифат, ҳам равишларнинг эркин ишлатилиши мумкинлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Морфологик усул билан ҳосил қилинган сифат – терминлар қуйидаги икки гуруҳга тақсимланади: 1) исмлардан ясалган сифат-терминлар; 2) феъллардан ясалган сифат-терминлар.

1. Исмлардан сифат-терминларнинг ясалиши

-ли аффиксли сўз ясовчи модель

Соф ўзбек (туркий)ча -ли аффиксли сўз ясовчи модель тубандаги маъноли терминларни юзага чиқаради:

а) бошланғич асосда номланган эгалик, мажудлик, борликни ифодалайди : *заҳарли (заҳар), мисли(мис), шарикли(шарик), кислотали (кислота), тузли (туз), яроқли (яроқ), фосфорли (фосфор), дуккакли (дуккак)* ва ҳ.к.;

б) дастлабки асоснинг предметлик номини билдиради: *зарарли (зарар), муддатли (муддат), мақсадли (мақсад), қимматли (қиммат), нуқсонли (нуқсон), фойдали (фойда)* ва ҳ.к.;

в) нимагадур яроқлилиқни билдиради : *яроқли(яроқ), ейимли (ейим), ейишли (ейиш), хавфли (хавф), ичимли (ичим)* ва ҳ.к.

– *сиз аффиксли сўз ясовчи модель*

-сиз аффиксли сифат-терминлар –ли аффиксли сифат-терминларнинг антоними, яъни зидди (*гильзали-гильзасиз, стволли-стволсиз, мўйнали – мўйнасиз , газли – газсиз, темирли-темирсиз* ва ҳ.к.) бўлиб, қуйидаги маъноларни ифодалашга хизмат қилади:

а) бошланғич асос орқали ифодаланган нарсанинг мавжуд эмаслиги: *ишсиз* (*иш*), *айбсиз* (*айб*), *гуноҳсиз* (*гуноҳ*), *никоҳсиз* (*никоҳ*), *хавфсиз* (*хавф*), *далилсиз* (*далил*), *жарангсиз* (*жаранг*), *қуролсиз* (*қурол*) ва ҳ.к.;

б) дастлабки асоснинг оз миқдордалигини кўрсатади: *жирсиз* (*жир*), *тузсиз* (*туз*), *сувсиз* (*сув*) ва ҳ.к.

- *чан* аффиксли сўз ясовчи модель

–*чан* кўшимчали ушбу катта сўзлардан “қатъий равишда намоён бўлувчи фазилят, характер белгиси ва мойиллик”ни ифодалайдаган терминларни ҳосил қилади : *яшовчан* (*яшов*), *ўзгарувчан* (*ўзгарув*), *сезувчан* (*сезув*), *учувчан* (*кимё.учув*), *эрувчан* (*эрув*), *кўринувчан* (*ҳарб.кўринув*), *товланувчан* (*товланув*), *сочилувчан* (*физ.сочилув*), *эгилювчан* (*эгилюв*) ва ҳ.к.

– *чил* аффиксли сўз ясовчи модель

–*чан* кўшимчасининг фонетик тури бўлмиш катта сўзлардан “қатъий равишда намоён бўлувчи фазилят, характер белгиси ва мойиллик”ни ифодалайдаган терминларни ҳосил қилади : *дардчил* (*дард*), *изчил* (*из*), *халқчил* (*халқ*), *эпчил* (*эп*) ва ҳ.к.

– *симон* аффиксли сўз ясовчи модель

Мазкур модель ҳозирги ўзбек тили зоология ҳамда биология терминлари тизимида ўхшашлик, бир хиллик маъносини ифодаловчи нисбатан салмоқли миқдордаги лексемаларни ҳосил қилишда ўз ифодасини топган. –*симон* аффиксли сифат-терминлар маъно жиҳатидан рус тилидаги иккинчи компоненти «...подобный», «...образный», «видный» элементларидан ташкил топган кўшма сифатларга мувофиқ келиб, бошқа терминологик тизмларда ҳам фаол ишлатилиши билан ажралиб туради: *ивасасимон* (*кит*), (*кит*) *ивасевый*; *сейвал*), *одамсимон* (*одам*), *тумшуқсимон* (*тумшуқ*), *занжирсимон*

(*биол.занжир*), *қисқичбақасимон* (*қисқичбақа*), *китсимон* (*кит*), *кротсимон* (*кўрсичқонлар*) (*крот*), *ўргимчаксимон* (*ўргимчак*), *маймунсимон* (*маймун*), *ишқомсимон* (*махс..*) (*ишқом*), *баргсимон* (*мед. барг*), *газсимон* (*газ*), *қалқонсимон* (*анат.қалқон*) ва ҳ.к.

– *аро* сўз - аффиксли сўз ясовчи модель

Асл туркийча –*аро* (“промежуток”) сўз - аффиксли ушбу сўзлардан “қатъий равишда намоён бўлувчи фазилят, характер белгиси ва мойиллик”ни ифодалайдаган терминларни ҳосил қилади : *халқаро* (*халқ*), *қитъалараро* (*ҳарб. қитъа*), *планеталараро* (*планета*), *фанлараро* (*фан*), *миллатлараро* (*миллат*), *хўжаликлараро* (*хўжалик*), *ҳужайралараро* (*биол. ҳужайра*), *қобиргалараро* (*тиб.қобирга*), *турлараро* (*биол.тур*), *зоналараро* (*зона*), *банклараро* (*банк*) ва ҳ.к.

бе- префиксли сўз ясовчи модель

Келиб чиқиши жиҳатидан форс - тожик тилига хос бе- префиксли ушбу каммаҳсул модель асосдан англашилган сифат, фазилатнинг мавжуд эмаслиги, йўқлигини ифодалайди: *бетараф*(*тараф* «сторона»), *бевосита* (*ҳарб. восита*), *беғуноҳ* (*ғуноҳ*), *бехатар*(*хатар*) ва ҳ.к.

но- префиксли сўз ясовчи модель

Форс-тожик тилидан анча барвақт ўзбек адабий тилга кириб келган бе-олд кўшимчали мазкур каммаҳсул модель иштирокида инкор маъносини билдирувчи сифат-терминлар ясалади: *номамаҳфий* (*маҳфий*), *ноқонуний* («незаконный», (*қонун*), *номаълум* (*ҳарб. маълум*), *нодавлат* (*давлат*), *нотижорат* (*тижорат*), *ноаниқ* (*лингв.аниқ*), *ночизиқли* (*чизиқли*), *норасмий* (*расмий*), *ностандарт* (*стандарт*), *ноконтакт* (*контакт*), *нобиологик* (*биологик*), *нокристаллик* (*кристаллик*) ва ҳ.к.

сер- префиксли сўз ясовчи модель

Форсча – тожикча *сер* – префиксли бу маҳсулдор модель от сўз туркумли сўзлардан асосда воқеланган мўл-кўллик маъносини ифодаловчи сифат-терминларни юзага чиқаради: *серсув* (*сув*), *сергўшт* (*гўшт*), *серёмғир* (*ёмғир*), *сердаромад* (*даромад*), *серилдиз* (*илдиз*) , *серкепак* (*кепак*), *серсут* (*сут*), *сертола* (*тола*), *серчиқит* (*чиқит*), *сермаҳсул* (*маҳсул*), *серунум* (*унум*) ва ҳ.к.

Сер – префиксли моделнинг нафақат соф ўзбекча (туркийча) шунингдек, форсча-тожикча, арабча ва Русча-байналминал лексик birlikлардан ҳам сифат-терминлар ясадини алоҳида таъкидлаш керак бўлади.

кам - префиксоидли сўз ясовчи модель

Кам- ўзбек тили грамматикасига тегишли баъзи бир асарларда кўшма сифатларнинг биринчи компоненти тарзида баҳоланса, бошқа бирларида эса префиксоид сифатида белгиланади.

Илмий терминологияда анча маҳсулдор ҳамда фаол ҳисобланувчи *кам-*префиксоиди қатнашган модель бошланғич асосдан англашилган микдорнинг озлиги маъносини ифодаловчи сифат-терминларни ясайди: *камқон* (*қон*), *камсут* (*сут*), *камсув*(*сув*), *камҳосил* (*ҳосил*), *камдаромад* (*даромад*), *камхарж*, *камхаражат* (*харж*, *харажат*), *камқувват* (*қувват*), *камчиқим* (*чиқим*), *каммаҳсул* (*маҳсул*) ва ҳ.к.

– (*в*) *ий* аффиксли сўз ясовчи модель

Араб тилидан ўзлашган - (*в*) *ий* аффиксли модель от туркумидан сифат-терминларни яшаш учун хизмат қилади.

-(*в*) *ий* аффиксли модель унли фонемелар билан тугаган отлардан тубандаги терминларни ҳосил қилади: *конституциявий* (*конституция*), *ядровий* (*ядро*), *кимёвий* (*кимё*), *физикавий* (*физика*), *маъновий* (*маъно*), *фуқаровий*

(*фуқаро*), *самовий* (*само*), *коллизиявий* (*коллизия*) ва ҳ.к.

Ундош фонема билан тугаган отлардан нисбий сифат-терминлар ясади: *миқдорий* (*миқдор*), *маъмурий* (*маъмур*), *ҳарбий* (*ҳарб*), *тиббий* (*тиб(б)*), *қонуний* (*қонун*), *интизомий* (*интизом*), *иқтисодий* (*иқтисод*) ва ҳ.к.

-(в)ий аффикси қўшилиши натижасида *-а*, *-ат* билан тугайдиган арабча отлар ушбу қўшимчларини тушириб қолдиради: *миллий* (*миллат*), *сиёсий* (*сиёсат*), *ижтимоий* (*ижтимоиёт*), *моддий* (*модда*), *маънавий* (*маънавият*), *интизомий* (*интизом*), *маърифий* (*маърифат*) ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган ашёвий мисоллар ўтган асрнинг 60-йилларида кammaхсул деб топилган *-(в)ий* аффиксининг (Кононов 1960;152) ҳозирги вақтга келиб нисбатан унумли аффиксга айланганлигидан далолат беради.

Назорат саволлари

1. Ўзбек тили илмий терминларининг нечта тури мавжуд?
2. Ўзбек тили материаллари асосида пайдо бўлган терминлар нечта гуруҳга оид?
3. Истиклолдан кейин илм-фан тилининг тараққиётида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг роли борми?
4. Тилнинг луғат таркиби қанча мустақил қатламдан ташкил топади?
5. XI-XIV асрларда ишлатилган ИС терминларнинг ҳозирги қардош туркий тилларда қўлланиш даражаси қандай?
6. Ҳозирги ўзбек тили ҳарбий терминологияси тизимида VII-XIX асрларга оид истилоҳлар сақланиб қолганми?
7. Ўзбек тили дипломатик терминологияси тизимида кўхна сўзларнинг улуши қай даражада?
8. Исmlардан сифат-терминлар ясовчи махсулдор қўшимчалар хусусида мулоҳаза юритинг.
9. Сифат-термин яшашда ўзлашма қўшимчаларнинг ўрни қай даражада?
10. *-(в)ий* қўшимчасининг ҳозирги пайтда термин яшашдаги иштирокига тўхталинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами. - Тошкент: Фан, 1988.
2. БектемировХ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент: Фан, 2002.
3. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. -Ташкент: Ёзувчи, 1991.
4. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.- М.: Наука, 1977.
5. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим

масалалари. Тошкент: Фан, 1977.

3- амалий машғулот:

Терминларнинг ясалиши: терминологик луғатлар.

Ишдан мақсад: Ўзбек тили терминологик тизимининг морфологик, синтактик ва семантик усуллар ҳисобига бойиши ва кенгайиши бўйича асосий кўникмаларни такрорлаш. Умумадабий сўзларнинг терминологик лексика тизимига кўчиши, умумадабий лексиканинг маъновий ўзгаришлар боис терминлар сафига ўтиши, сўз-от ва термин-отнинг турли денотатларни ифодалаши билан фарқланиши борасида кўникмага эга бўлиш.

Масаланинг кўйилиши: Ушбу амалий иш давомида тингловчи куйидагиларни **бажариши лозим:**

- умумистеъмолга хос лексиканинг терминлашувига мисоллар келтириши
- терминология тизимига кўчган умумадабий сўзларни терминологик луғатлар ёрдамида талқин қилиши
- бирламчи маъносини йўқотиб, яқка маъноли илмий терминга айланган сўзларни изоҳлаши
- ўтган асрнинг иккинчи ярмида тузилган терминологик луғатларда келтирилган сиёсий терминларни бугунчи кун нуқтаи назаридан талқин қилиши
- муайян луғатнинг тузилиш принципларига баҳо бериши
- луғатларда сининим терминларнинг берилишига муносабат билдириши
- терминлогик луғатларда берилган терминларнинг этимологиясини изоҳлаши
- истиқлол даври соҳа терминологик луғатлардан хабардор бўлиши.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа.

Терминларнинг морфологик, синтактик, семантик усуллар билан ясалиши.

Терминологиянинг шаклланиш ва тараққий этиш жараёни тилга хос сўз ясалиши қонуниятлари ҳамда тилнинг лексикаси асосида содир бўлади. Умумистеъмолга оид лексиканинг терминлашуви воқеаси тарихий ҳисобланади. Бу ҳодиса тил ва терминология орасидаги икки томонлама муносабатни кўрсатади. Мазкур жараён шунингдек, умумадабий лексика ва терминологик лексика ўртасидаги жипс алоқаларда яққол намоён бўлади.

Умумадабий сўзлар сўзлашув тили, диалектлар, лаҳжалар ва социал жаргонларнинг лексик бойлиги ва меъёрини ташкил қилади. Айни замонда, умумхалқ сўзлари ҳар қандай миллий тил терминологиясини ҳамиша тўлдириб, кенгайтириб борувчи манбалардан бири тарзида эътироф этилади.

Умумадабий сўзларнинг терминологик лексика тизимига кўчиши (транстерминлашув)нинг икки тури мавжудлиги аниқланган .

1. Терминологияга кўчган умумадабий лексик birlikларнинг маълум қисми ўз маъносини сақлаб қолган ҳолда ишлатилади: *илдиз* («корень»), *сув* («вода»),

шамол («ветер»), *денгиз* («море»), *дарё* («река»), *ой* («луна»), *куёш* («солнце»), *буғдой* («пшеница»), *тол* («ива»), *узум* («виноград»), *шимол* («север»), *жануб* («юг»), *ер* («земля»), *айгир* («жеребец»), *балиқ* («рыба») ва ҳ.к. Бу ўта кенг қамровли лексика қатлами бўлиб, мавзу жиҳатдан жамият, инсон, табиат, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан мустаҳкам алоқага кирган. Қайд этилган сўзлар кенг умумадабий ҳамда ўз навбатида, тор махсус соҳага тааллуқлидир. Мазкур сўзларнинг ифодаланувчиси ва ифодаловчиси турли соҳаларда мос тушади, аммо улар маъно объекти, ахборот кўлами, мазмун-маъно тури билан фарқланади.

2. Умумадабий лексиканинг бошқа бўлаги юз берган маъновий ўзгариш оқибатида терминлар сафига ўтади. Қоидага кўра умумадабий тилдан терминологик тизимга олинган сўзлар муайян илмий тушунчани ифодалаш учун хосланади, илмий термин мақомига эга бўлади.

Масалан, ўзбек тили техник терминологияси тизимида деталлар, механизмлар, машина қисмлари ҳамда турли буюм-асбобларни англантиш учун хосланган *кўз*, *оёқ*, *қадам*, *бармоқ*, *қўлтиқ*, *тўсиқ*, *қобирга*, *огиз*, *тирноқ*, *қулоқ*, *пичоқ*, *қути*, *тароқ*, *қозон*, *қошиқ*, *бармоқ*, *панжа*, *мушт* сингари сўзлар талай микдорни ташкил қилади. Илмий матнларда бу сўзлар ўзларининг бирламчи (денотатив) маъносини йўқотиб, якка маъноли илмий терминга айланади.

Ушбу махсус тушунчаларни аташ усули анъанавий, объектив ҳамда жуда сермахсул ҳисобланади.

Янги терминларни ҳосил қилиш ҳисобига мавжуд эҳтиёжларни қондириш мушкул кечган ҳолларда мажбурий чора сифатида тил луғат фондидаги сўзларга мурожаат этилади. Мазкур гуруҳга тегишли сўз-от ва термин-отлар ҳар хил денотатларни ифодалаш билан ўзаро фарқ қилади. Баъзи бир лексик бирликлар мисолида махсус маънонинг шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида *чаноқ* сўзи 1) ўйиб ясалган кичик ҳажмдаги ёғоч идиш; 2) коса, товоқ, лаганча маъноларида қўлланаган. Бу лексема эски ўзбек адабий тилида “ҳайвонлар сув ичадиган идиш” маъносини англантиган. Фаннинг кейинги ривож босқичлари даврида кузатилаётган сўз тиббиёт терминологияси тизимига махсус маънони ифодаловчи термин сифатида кирган ҳамда “тос суяги, думғаза суяги” ва “косасимон ўйиқли суяк” маъноларини ифодалашга йўналтирилган.

Юқорида қайд этилган вазиятда ҳозирги ўзбек адабий тилида ўзининг дастлабки маъносини йўқотган умумистеъмол сўз маъносидан метафорик кўчим асосида махсус терминнинг ясалиш жараёни яққол намоён бўлади. Чунончи, *чаноқ* тиббий термини қуйидаги синтагматик бирикмалар таркибида фаол қўлланиши билан диққатни тортади: *катта чаноқ* («таз большой»), *болалар чаноғи* («таз детский»), *инфантил чаноқ* («таз инфантильный»), *кичик чаноқ* («таз малый»), *карлик чаноқ* («таз карликовый»), *ясси чаноқ* («таз плоский»), *ёрилган чаноқ* («таз разщепленный»), *кенг чаноқ* («таз широкий»), *тор чаноқ* («таз узкий») ва ҳ.к.

Қорахонийлар даври эски туркий тилга соф туркийча *куч* лексемасининг синоними сифатида араб тилидан ўзлашган *қувват* сўзи мавҳум “куч, қудрат, мадор” маъносини ифодалаш учун кириб келган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида

ушбу ўзлашма умум томонидан қўлланувчи сўз сифатида нафақат ўз ўрнини мустаҳкам сақлаб қолишга эришган, балки физика фани соҳасида “энергия, қувват” маъносини англлатувчи термин тарзида ҳам кенг ишлатилади. Асл туркийча *куч* сўзига келсак, у кўлам чегалари кенг кўпмаъноли сўз сифатида “куч-қудрат, қувват” маъносида умумадабий тилда ҳамон қўлланиб келмоқда.

Умумилмий лексика тарзида *куч* физика, техника, ҳарбий иш, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик соҳаларида “қудрат”, “кучлар, қўшинлар”, “қувват, қонуний ҳуқуққа эгалик” каби маъноларни ифодалашга хизмат қилмоқда - *ирода кучи* («сила воли»); *Ернинг тортиши кучи* («сила притяжения Земли»); *иш/ишчи кучи* («рабочая сила»); *мамлакатнинг ҳарбий кучлари* («вооруженные силы государства»); *янги қонун кучга кирди* («новый закон вступил в силу») ва ҳ.к.

Умумадабий лексик бирликнинг терминлашуви жараёни натижасида омонимлашиш содир бўлади, яъни янги ифодаланмиш учун илгаридан маълум бўлган қобикдан фойдаланилади. Мана шундай усулда, масалан, *бурун* («мыс»), *қўлтиқ* («залив») ва ҳ.к. географик терминлар шаклланган.

Терминологик луғатларнинг салмоқли улушини ташкил қилувчи транстерминлар ўз ифодасини шунингдек изоҳли, энциклопедик ҳамда таржима (умумий ва хусусий) луғатларда ҳам топади.

Терминологик лексика ва умумадабий лексика ўртасидаги муносабат икки ёқлама кечади. Терминларнинг умумадабий лексика доирасига ўтиши ҳам икки белгига эга: а) бир қисм терминлар умумий кундалик ҳаётга ўзларининг денотатив маъносида киради – *компьютер, Интернет, космос, космик кема, SMS, баённома, мавзе, вилоят, туман, фермер, биржа, депутат, факультет* ва ҳ.к.; б) бошқа гуруҳ терминлар туб маъновий ўзгаришлар билан ўзлаштирилади. Масалан, ботаникада қўлланувчи *бўтакўз* («василек приплюснутый, василек синий») термини умумадабий тилда ҳам “улкан чиройли кўзлар” кўчма маънони, ҳам катта чиройли кўзли эркак ёки аёл кишини англатади.

Азалдан *без* анатомик термини умумий адабий тилда “ўжар, қайсар” инсонга нисбатан қўлланиб келади. *Бўта* зоологик термини умумий адабий тилда “ўғил, бола, ўғлон” мажозий маъносини ифодалайди ва ҳ.к.

Бу хилдаги терминологик лексиканинг умумий қўлланувчи тил томонидан ўзлаштирилиши субъектив омил ҳисобланиб, у нутқда экспрессивликка бўлган муайян эҳтиёжни қондиришга қаратилган бўлади. Терминологияда фақат фан тили лексикаси таркибида ўзининг асл, номинатив-денотатив вазифасида истифода этилиши аниқланган. Баъзи бир терминларнинг умумадабий лексикага суқилиб кириши (ва умумадабий тил луғатларида қайд этилиши), турли адабиётларда оммабоплиги, ёйилганлиги, қўлланувчанлиги уларнинг адабий тил томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди.

2-вазифа. Терминологик луғатлар, уларнинг мазмуни ва сифатини аниқлаш.

Ўзбек терминологик луғатлари, таъбир жоиз бўлса, фан соҳаларининг деярли барчасини қамраб олган дейиш мумкин. Аниқ фан соҳалари каби ижтимоий-гуманитар фан соҳалари доирасида қўлланувчи терминларнинг маъно-моҳиятни ифодалашга йўналтирилган луғатнавислик ишлари республика илмий-тадқиқот

институтилари етакчи олимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан тузилган. Терминологик луғатларнинг аксариятида рус тилидан ўзлашган терминларнинг ўзбек тилида ифодаланишига бағишланган. Албатта, мавзуга ажратилган вақтнинг чегараланганини ҳисобга олиб, гуманитар фан соҳалари, чунончи, ҳуқуқшунослик, тарих, тилшунослик доирасида яратилган айрим терминологик луғатларга тўхталамиз. О.Усмонов ва Р.Дониёров томонидан 1979 йили “Ўзбекистон” нашриётида 15000 ададда тuzатилган ва тўлдирилган ҳолда иккинчи марта нашр қилинган “Русча интернационал сўзлар изоҳли луғати” ,муаллифлар таъкидлаганидек, ўзбек тили нинг кенг маънодаги изоҳли луғати бўлмай, унинг вазифасига фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларни, шунингдек, ўзбекча газета ва журналларда, илмий-оммабоп ва ижтимоий-сиёсий асарларда учрайдиган Русча-байналминал ва илмий-публицистик терминларнигина ўз ичига олган ва уларга ўзбек тилида ўзлаштирилиши асосида изоҳ берилган, изоҳланаётган сўзларнинг эт

имологияси (келиб чиқиши) ҳақида ҳам баъзи маълумотлар келтирилган. Луғатдан жой олган сўз ва терминлар рус тилидан ва рус тили орқали қадимги юнон, лотин ҳамда Европа ва қисман Шарқ халқлари тилларидан ўзлаштирилган сўзлар ва терминлар ҳисобланади. Бу сўз ва терминларнинг бир қисми соф русча ўзлашмалар бўлиб, қолган қисми эса халқаро, байналминал ёки интернационал характерга эга бўлган. Мазкур луғат мутахассисларга эмас, балки балки кенг ўқувчилар оммасига,хусусан, зиёлилар ва талабаларга мўлжалланган эди. Луғатнинг тузилиш тартиби тубандагича кўринишни ҳосил қилган:

1. Бош сўзларнинг барча сўз ва терминлар алифбе тартибида берилган ва улар йирик қора ҳарфлар билан териблиб, ҳар қайсиси *abzas*дан бошланган.

2. Сўз ёки термин кўп маъноли бўлса, у ҳолда маъноларнинг ҳар бири араб рақамлари билан кўрсатилган ва улар ўзаро нуқта билан ажратилган.

3. Бош сўз ёки термин бошқа сўз билан кўшилиб ишлатилганда, у ҳолда бош сўздан кейин икки нуқта кўйилиб, кетидан таркибида ўша сўз ёхуд термин келган сўз бирикмаси берилган.

4. Таркибида бош сўз ишлатилган турғун сўз бирикмалари, таркибли терминлар ҳам мисол тарзида берилган. Луғатда улар ромба ишораси билан ажратилиб, қора курсив билан берилган: **абсолют... абсолют намлик** ва ҳ.к.

5. Биологик жинсни англатувчи сўзларнинг ҳар икки шакли ҳам луғатга киритилган: *лаборант – лаборантка, стенографист – стенографистка* ва ҳ.к.

6. Механизация, дезинфекция, координация каби сўзларнинг механизациялаш, дезинфекциялаш, координациялаш сингари ўзбекча шакллари билан ёнма-ён берилган.

7. Вуз, загс, дот, дзот, нэп, радар сингари қисқартмалар ўзбек тилида мустақил, яхлит сўз ёки термин сифатида луғатдан ўрин олган.

8. Омонимлар луғатда алоҳида-алоҳида берилган, бир-биридан рим рақами билан ажратилган.

9. Омоформлар ҳам рим рақамлари билан ажратилиб, алоҳида-алоҳида талқин қилинган.

10. Синонимлар мутлақ маънонига эга бўлса, у ҳолда изоҳ энг фаол қўлланадиган синонимга бериблиб, кам ишлатиладиган ёки эскирган маънодоши

сўз.айн. ўзи. ишораси орқали унга ҳавола қилинган: Локатор. Радиолокатор *сўз.айн.ўзи* ва ҳ.к.

11. Антоним сўз ёки терминлар мустақил тарзда берилган бўлса-да, лекин улар бир-бирига ҳавола қилинмайди. Мабодо бундай ҳавола антоним сўзлардан бирининг ёки ҳар иккисининг маъносини очишга, изоҳлашга ёрдам берса, ундай ҳолатда улар бир-бирига ҳавола қилинган: **микроскопик...; акси –макроскопик** ва б.

12. Ўзбек илмий терминлогиясига мансуб бўлган қўшма ва мураккаб қмсқартма сўзларнинг таркибий қисмлари луғатда бош сўз тариқасида берилган: **авиа-, авто-, агро-, гео-, гидро-, микро-, мото-, радио-, теле-, ультра-, фото-** ва шу каби.

13. Луғатда келтирилган сўзларга ўрни билан *физ., тех., мат., геол., астр., мед., фарм.* сингари белгилар қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, м азкур луғатдан ўрин олган ва изоҳланган байналминал сўз ёки терминларнинг муайян адади Мустақилликдан сўнг жамиятда юз берган туб ўзгаришлар оқибатида ўзбек тили сўз бойлигидан чиқиб кетди ёки улар мозийда аждодлар томонидан қўлланган лексик birlikлар билан алмаштирилди.

Тарихда қўлланган терминлар изоҳига бағишлаб мамлакатимизда нисбатан катта ёки кичик ҳажмдаги луғатлар нашр қилинди. Шундай луғатлар сирасига Х.Ю.Бекмуҳамедовнинг “Тарих терминлари изоҳли луғати” (Педагогика олий ўқув юртларининг студентлари ва ўрта мактаб тарих ўқитувчилари учун. Тошкент: Ўқитувчи, 1978), М.Исмоилов, А.Шароповларнинг “Тарих атамалари луғати”.Тошкент: Академнашр.2013, Ҳ.Дадабоевнинг “Тарихий ҳарбий терминлар луғати” (Тошкент. 2007) сингари асарларни киритиш ўзини оқлайди. Ҳуқуқшунослик доирасида ҳам луғатлар тузиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилганини таъкидлаймиз. Шу ўринда Ғ.Аҳмедов ва Ҳ.Бектемиров томонидан тузилган “Русча –ўзбекча юридик атамалар луғати”нинг “Адолат” нашриётида А.Саидов маъсул муҳаррирлиги остида 2002 йили эълон қилинган эътироф этиш мақсадга молик. Бинобарин, бу луғат тузилиши ва унда материалларнинг берилиши жиҳатидан аввалги луғатлардан фарқ қилади. Луғатга қонунлар, ҳуқуқшунослик, халқаро ҳуқуқ соҳасида, ҳуқуққа оид дарсликларда ҳамда иш юритишда ишлатиладиган терминлар ки ритилган. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий терминлар бир-бири билан боғланиб кетганлиги боис иқтисод ва ҳуқуққа оид чегарадош атамалар ҳам луғатдан ўрин олган. Луғатнинг афзалликларидан бири – унда терминларнинг кирилл ёзувидан ташқари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ҳам берилишидир. Ушбу луғатни яратишда Ф.Бакировнинг “Юридик терминлар луғати” (Тошкент, 1959), “Юридик атамалар ва иборалар луғати” (Тошкент, 1993)дан фойдаланилган. Бу йўналишда сўнгги пайтларда эълон қилинган ишлардан бири сифатида З.Муқимов ва О.Турсуновалар томонидан тузилган ва Самарқандда 2007 йилда чоп этилган “Ўзбек давлатчилигида қўлланган тарихий-ҳуқуқий атамалар”ни келтириш мумкин. Луғат ўзбек давлатчилиги тарихининг турли даврларида, турли тилларда қўлланган терминлар, уларнинг этимологияси (қайси тилга хослиги), тил ва ҳуқуққа оид маънолари изоҳларини қамраб олган.

Ўзбек луғатшунослигида тилшуносликка оид терминологик луғатлар яратиш борасида айрим ишлар қилинди. Чунончи, А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” да бугунги кунда тил соҳасида фаол қўлланаётган терминларнинг изоҳи берилган. Д.Худайберганаованинг “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати” (Тошкент, Тукрон замин зиё, 2015) да тилшуносликнинг янги соҳаларидан ҳисобланмиш лингвокультурологияга оид 100 га яқин терминлар изоҳини топган ва ҳ.к.

Назорат саволлари

1. Терминология қандай манбалар ҳисобига шаклланади?
2. Терминологиянинг воқеланишида қандай жиҳатлар ҳаракатга келади?
3. Терминларнинг қарор топишида умуммиллий қатламнинг роли қай даражада?
4. Илмий терминлар тизимида қадимги соф туркий қатламнинг ўрни борми?
5. Терминологик лексика ва умумадабий лексика ўртасидаги муносабатга баҳо беринг.
6. Терминларнинг маъно-мазмунини англаб етишда терминологик луғатларнинг қандай роли бор?
7. Ўтган асрда ўзбек тилида қандай фан соҳалари бўйича терминологик луғатлар яратилди?
8. Истиклол даври терминологик луғатлар яратиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?
9. Тарих терминлари луғатлари нима учун зарур?
10. Тилшунослик терминлари луғатлари яратиш бўйича қилинаётган саъй ҳаракатлардан хабардормиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов, Бектемиров Ҳ. Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати. Тошкент, : Адолат, 2002.
2. Бекмухамедов Х.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
3. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. Тошкент, 2007.
4. Исмоилов М., Шаропов А. Тарих атамалари луғати. Тошкент, Академнашр, 2013.
5. Муқимов З., Турсунова О. Ўзбек давлатчилигида қўлланган тарихий-ҳуқуқий атамалар. Самарқанд 2007.
6. Усмон О., Дониёров. Русча-интернatsионал сўзлар изоҳли луғати. Тошкент: ўзбекистон, 1972.
7. Худайберганаова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент, 2015.
8. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Фан, 2012.

4-амалий машғулот:

Истиқлол даври ўзбек терминологияси ва лексикографиясида ўзига хос хусусиятларнинг акс этиши

Ишдан мақсад: Мустақилликдан кейин ўзбек тили терминологияси тизимидан ўрин эгаллаган архаизмлар бўйича асосий кўникмаларни такрорлаш. Ўзбек тили этимологик ва энциклопедик луғатларининг тузилиш тамойилларини англаб етиш кўникмасига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Ушбу амалий иш давомида тингловчи куйидагиларни **бажариши лозим:**

- Мустақилликдан сўнг ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминлар тизимидан қайта ўрин олган эски сўзларни луғатлардан топиши

- давлат қурилишига доир арабча ўзлашмаларни талқин қилиши

- тоталитар тузум мафкураси билан боғлиқ русча, ғарбий европача терминларнинг истеъмолдан чиқиб кетиш сабабларини изоҳлаши

- “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да туркий сўзларнинг изоҳланиш тамойилларини шарҳлаши

- “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да арабча сўзларнинг ҳосилалари хусусида мулоҳаза юритиши

- “Бобур энциклопедияси”нинг тузилиш принципларини фактик мисоллар билан ёритиши

- “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да келтирилган мақолалар ҳажмининг турфалиги сабабларини тушунтира олиши.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа. Ўзбек терминологияси тизимида архаизмларнинг ўрни

Архаизмлар остида ўтмишда фаол қўлланган, бироқ вақт-замон ўтиши билан ишлатилиш частотаси ўта сусайган ёхуд ўрнини туб ёки ўзлашмаларга бўшатиб беришга мажбур бўлган лексик бирликлар назарда тутилади. Архаизмлар ўзбек тили сўз бойлигининг шаклланиш ва ривожланишининг бизга маълум барча даврларида мавжуд бўлган. Собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида ўзбек тили лексикасида қадимдан фаол қўлланиб келган кўпдан-кўп сўзлар туб ҳамда араб ва форс-тожик тилидан турли омиллар оқибатида ўзлашган сўз ва иборалар русча ёки рус тили орқали Ғарбий Европа тилларидан кириб келган лексик бирликлар билан алмаштирилган эди. Бунинг натижасида, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тилида ишлатилган минглаб сўзлар, терминлар эскирган, яъни архаизмлар сирасига кириб қолган эди. Ўзбек тилининг 1980 йилда Москвада нашр қилинган икки томдан иборат изоҳли луғатида талайгина сўзларга эскирган белгиси қўйилгани маълум.

Ўзбекистон 1991 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритгач, республика раҳбарияти ва ҳукумати олдида юқоридаги ноҳақликка барҳам бериш, мозийда

аждодлар тилида кенг кўламда ишлатилган сўз ва терминларга қайта жон ато этиб, уларга тил сўз бойлидан муносиб ўрин бериш, яъни эскирган тамғаси босилган лексик бирликларни русча ва у орқали тилимизга зўрма-зўраки олиб кирилган ғарбий европача сўз ва истилоҳлар ўрнида қўллаш борасида жиддий ҳаракатлар амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ ўзбек тилининг лексик таркиби, хусусан, терминлар тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ушбу ҳодиса оқибатида кўпдан-кўп эскирган сўзлар қайтадан муомалага олиб кирилди, ва аксинча, тоталитар тузум ва коммунизм қуриш ғояси, мафқураси билан боғлиқ тушунчалар инсонлар турмуш тарзидан чиқиб кетгач, уларни ифодалови кўпгина сўз ва терминларни ишлатишга ортиқча ҳожат қолмади. Чунончи, *демократик централизм, социализм, тарихий материализм, илмий коммунизм* каби термин ва бирикмалар тарих саҳифасидан ўрин олди. Аксинча, том маънодаги эркин ва озод давлат барпо этиш мафқураси остида ўз йўлини танлаб олган ўзбек халқи турмиш тарзида пайдо бўлган мутлақо янги тушунчалар ва реалиялар эски сўзлар қаторига киритилган лексемалар ёрдамида ифодаланди. Бундай ҳолат айниқса, ижтимоий-сий ва социал-иқтисодий терминлар тизимида равшан кўзга ташланди. Давлат бошқарув структурасининг ижрочи, қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи органларига тақсимланиши шу соҳаларга оид терминлар тизимининг соф ўзбекча ёки арабча ва форсча-тожикча сўзлар ҳисобига кенгайишига олиб келди. Ўзбек тили ижтимоий-сий терминлар тизимидан *вазир, бош вазир, вазирлик, вилоят, туман, қўрғон, ҳоким, вилоят ҳокими, туман ҳокими, ҳокимлик ёки ҳокимият, оқсақол, қишлоқ оқсоқоли* сингари архаизмлар мустаҳкам ўрин олди. *Жараён, маъруза, мавзу, ҳужум, ҳамла, илғор, соқчи, малҳам, шифокор, бош шифокор, саратон, қора сон, ҳайъят, бўҳрон, муҳр, ёрлик, тафтиш* сингари турфа соҳаларга оид терминлар бугунги кунда миллат вакиллари тилида фаол ишлатилмоқда. Хуллас, истиқлол туфайли анчагина эскирган сўз ва истилоҳлар ўзбек тили луғат таркибидан қайта ўрин эгаллади ва улар миллат вакилларининг кундалик мулоқати учун зарур вазифани бажаришга хи змат қилмоқда.

2-вазифа. Ўзбек тили этимологик ва энциклопедик луғатларининг тузилиш принциплари

Аввалги мавзулардан бирида этимологик ва энциклопедик луғатлар тузиш борасида ўзбек лексикографияси қўлга киритган ютуқларни тилга олган эдик. Энциклопедик луғатлар тузиш бўйича қилинган ишлар ўзбек тилининг этимологик луғатини яратишга нисбатан анча илгарилаб кетганлиги айни ҳақиқат. Бу борада шубҳага ўрин йўқ. Бундай ҳолатнинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Мадомики, ўзбек тили этимологик луғатларининг тузилиш принциплари хусусида фикр юритилар экан, биз албатта ҳозирча ўзбек тилида яратилган ягона этимологик луғат, яъни Ш.Раҳматуллаев томонидан тузилган “Ўзбек тилининг этимологик луғати”га мурожаат қиламиз.

Луғат мақолалари талқин қилинаётган сўз билан ёки ҳавола сўз билан бошланади ва улар қатъий алифбо тартибида жойланиб, бош ҳарфлар билан терилган.

Талқин қилинаётган сўз ва ҳавола сўз амалдаги ўзбек кирилл алифбосида

ёзилган, е, ё, ю,я ҳарфлари ўрнига икки товушни ифодалашига кўра икки ҳарф ёзилган; аксинча, бир товушни ифодалашига кўра нг ҳарф тизмаси ўрнига н ҳарфи берилган: **ойоқ, уйал-; ан, жан, сон** каби.

Луғат мақоласида талқин қилинаётган сўзларни ва уларнинг қисмларини ёзишда кирилл алифбосидан туркий луғатшунослик анъаналарига кўра қуйидагича фойдаланилган:

1) А ҳарфи билан қадимги туркий тилдаги бироз кенг унли товуш ифодаланган: **байрақ** ва ҳ.к;

2) Ё ҳарфи билан олдинги қатор унли товуш ифодаланган: **байрам** ва ҳ.к;

3) О ҳарфи билан ортки қатор ўрта кенг унли товуш ифодаланган: **бойин** ва ҳ.к.

Бош сўз феъл бўлган тақдирда, туркий тиллар луғатларида мавжуд анъанага биноан кетига чизик (-) қўйилган: **бела-, бура-** ва ҳ.к. Агар талқин қилинаётган сўз кўп маъноли бўлса, асосан бош маъноси, зарур ўринларда икки маъноси берилган. Маъно тарифлари Ўзбек тилининг изоҳли луғатига суянган ҳолда келтирилган. Маъно таърифидан кейин айти шу маънони тасдиқловчи жумла келтирилади. Бу жумла курсив билан ёзилиб, унинг таркибидаги сўз-мисол ёйиб терилган. Шундай кейин этимологик талқин бошланади. Талқин қилинаётган сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам, қадимги туркий тилда ҳам туб бўлса, бундай сўз биринчи навбатда товуш таркиби жиҳатидан юз берган ўзгаришлар кўрсатилган. Бундай товуш ўзгаришлари таркибили сўзларда ҳам таъкидланган.

Этимологик талқини берилаётган сўз маъно жиҳатидан ўзгарган бўлса, бундай маъно тараққиёти қандай маъно асосида рўй бергани изоҳланган. Ясама сўзлар талқин қилинган мақолаларда яшаш қандай маънодан амалга оширилгани кўрсатилган.

Этимологик талқин берилаётган сўзлар доирасидаги омонимлар рим рақалари қўйиб фарқланган: **ўт -1, ўт-II, ўта-1, ўта-II** сингари.

Қўшимча ёрдамида ясалган сўздан кейин “ясалган”, грамматик шакл юзага келса “ҳосил қилинган” сўзлари ишлатилган. Асос била қўшимча орасига баробар(=) аломати қўйилган. Сўз қисмлари орасидаги муносабатни кўрсатишда қавслардан истифода этилган. Товуш жиҳатидан ўзгарган сўзларнинг олдинги ва кейинги шакллари ўтиш белгиси (>) ёрдамида берилган. Изоҳланаётган сўз, асос ва қўшимчалар қора кичик ҳарфларда келтирилган. Этимологик луғат хусусидаги фикрларни ундан келтирилган қуйидаги намуна билан яқунлаймиз : АРИҚ “кичик оқин сув йўли”. **Баҳорда бу ариқларга сув сиғмай кетади.** Бу от асл қадимги туркий тилдаги “оқ-“ маъносини англатган **а:р-** феълидан **-(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ,1,188); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон,1,96); ўзбек тилида **а** унлиси **а** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **а:р+ық=а:рық>арик** (1,32).

Энциклопедик луғатларнинг тузилиши хусусида сўз борган кезде биринчи галда “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, “Болалар энциклопедияси”. “Тошкент энциклопедияси” каби қомусий асарларни назарда тутамиз. Ўзбек луғатшунослари эришган сўнгги ютуқлардан бири, шубҳасиз, 2014 йилда Шарқ нашриётида чоп этилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”

асаридир. Сал кам 64 босма табокдан иборат бу асар Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан тайёрланган бўлиб, Бобур меросини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, тизимга солиш, изоҳлар билан таъминлаш ва тарғиб этиш мақсадида нашр қилинди. Бобур энциклопедияси (БЭ) мақолаларини тайёрлашда умуман илмий энциклопедиялар учун қабул қилинган ёндашув ва баён услубига риоя этилган. Сўзларни беришда уларни аслига яқинлаштиришга эътибор қаратилган. Арабча изофаларни беришда ўзбекча талаффузга мос вариант сифатида *Хазойинул-маъоний* каби шакл қабул қилинган. Луғатда шахслар ҳақидаги мақолаларни номлашда қуйидаги қоидаларга асосланган: 1) шахсни идентификatsiyалаш – ном “БЭ”нинг қаерида тилга олинган бўлмасин, тегишли шахс ким эканлигини бир қийматли тарзда аниқлаш мумкин бўлиши: Жаҳонгир – Амир Темурнинг ўғли, Жаҳонгир мирзо Бобурнинг укаси, Жаҳонгиршоҳ – Бобурнинг 4-авлоди ва ҳ.к.; 2) биринчи принципга амал қилинган ҳолда шахснинг исми имкон қадар ихчам бўлиши (Амир Темур, Алишер Навоий, Иброҳим Сору ва ҳ.к.; 3) *мир, мирзо, саййид, хожа* каби сўзлар исмларнинг сифати ёки хитоб(титул) бўлганда ажратилиб, исмнинг таркибий қисми бўлса, қўшиб ёзиш; 4) ном идентификatsiyасини янада аниқлаштириш мақсадида унга нисба, лақаб каби қўшимчалар мақола номидан сўнг, тўлиқроқ исми шариф ва бошқа маълумотлар қавс ичида келтирилган. Амалдаги қоидалардан фарқли равишда (лекин инглиз тилида қабул қилинганидек) хито, лақаб каби қўшимчалар исмнинг таркибий қисми сифатида бош ҳарфлар билан берилган. Бу қоида сулолалар номига нисбатан ҳам қўлланган. М.: **САЙЙИДҚОСИМ ЭШИКОҒА** (412), **ДЎСТ МУХРДОР** (231) ва ҳ.к. Библиографик материал ўзбек ўқувчисига мўлжалланган бўлиб, мавзуга тегишли адабиётни қамраб олишни мақсад қилмаган. У асосан, мақолага қўшимча вазифани ўташ учун йўналтирилган. Биографик мақолаларга илова қилинган асарлар рўйхати асосан, Бобурга бағишланган ёки бобуршуносликка алоқадор. Назарий аҳамиятга молик, махсус тадқиқот талаб қилган мақолаларда айрим библиографик маълумотлар матн ичида кўрсатилган. Сўз ва ибораларнинг асл вариантлари ва бошқа баъзи маълумотлар “Сўзлик” деб номланган Илова тарзида берилган. БЭ имкон даражасида иллюстрatsiya ва хариталар билан таъминланган. БЭ Заҳириддин Муҳаммад Бобур исмининг кирилл ва лотин алифбосидаги нашрларда ёзилиши, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти мавзусида ёқланган диссертatsiyalar, “Бобурнома” хранологияси, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида арабча ибора ва жумларлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг Ўзбекистонда нашр этилиши ва “Бобур энциклопедияси сўзлиги” каби иловалар, Исмлар кўрсаткичи, “БЭ”га мақола, харита, библиографик маълумот ва иллюстрatsiya тайёрлаганлар ҳамда рус ва инглиз тилидаги Резюме билан яқунланган.

Истиклол йилларида Амир Темур тарихи баён этилган кўпгина манбалар дунё юзини кўрди. Чунончи, Низомуддин Шомий, Ғиёсуддин Али, Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Ҳофизи Абрў, Муинуддин Натанзий, Фасих Хавофий, Абрураззоқ Самарқандий, Улуғбек мирзо, Хондамир, Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий, Заҳируддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ҳайдар мирзо каби муаррихларнинг бебаҳо асарлари халқимизга тақдим этилди.

Номлари қайд этилган муаррихларнинг асарларида Амир Темур ҳаёти ва

фаолиятига қайсидир даражада алоқадор бўлган кўпдан-кўп инсонлар, хусусан, машҳур шахслар билан бир қаторда оддий халқ вакиллари, тасодифий учраган кишилар исмлари, насаби, мансабу лавозими, касби кори, жамиятда тутган ўрни, феъл – атвори, хулқи ва ҳ.к. хусусида қимматли маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларга суянган ҳолда Темурбек даврдошлари портретини чизиш, уларнинг инсоний фазилатлари, ички ва ташқи дунёси ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин бўлади. Шуларни ҳисобга олиб биз томондан “Амир Темур замондошларининг мўъжаз энциклопедияси”ни яратилди.

Илмий энциклопедиялар талабларига риоя қилинган ҳолда тузилган мазкур луғатдан ўрин олган мақолалар ҳажман, табиий, бир биридан фарқ қилади. Зотан, муайян шахс тўғрисидаги мақоланинг катта ёки кичиклиги шу шахсга доир маълумотнинг тарихий манбаларда нисбатан кенг ёхуд ўта қисқа берилгани билан изоҳланади.

Луғат алифбо тартибида тузилган бўлиб, ички алифбо тартибига ҳам риоя қилинди. Шу ўринда ўқувчи диққатини бир жиҳатга қаратишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Луғат материалларини тегишли манбалардан тўплаш, тартибга солиш жараёнида бирон бир шахснинг исми, шарифи, қайси қавмга мансублигини ифодаловчи маълумотларнинг ранг- баранглиги, баъзан улар ўртасида тафовутларнинг борлиги кўзга ташланди. Шундай ўринларда антропонимнинг варианты қавс ичида келтирилди: *Али(Алибек), Бойсунгур(Бойсункур), Мироншоҳ(Амиранишоҳ)* ва ҳ.к.

Луғатдан ўрин олган шахсларнинг сулоласи: *Шоҳрух мирзо, Искандар ўғлон, Сарой Мулк хоним, Султон Бахт бегим*, мансаби, лавозими, рутбаси: *Аббос баҳодур, Калон тавачи, Лолам қурчи*, касби: *Мавлоно Бадруддин мунажжим, Тўкал бавурчи*, қавми, уруғи: *Ёдгор арлот, Баҳром жалойир, Баён қавчин, Қизил Мир Али ўйрат, Зиндачашм апарди, Идику мангит, Элчибўга ўзбек*, лақаби: *Апачи калта* ва ҳ.к. кичик ҳарфлар билан ёзилди.

Луғатдаги *Худайдоди Ҳусайний, Шамсуддин Аббос, Саййидхожаи Шайх Али баҳодур* сингари бирикмаларни *Ҳусайннинг ўғли Худайдод, Аббоснинг ўғли Шамсуддин, Шайх Али баҳодурнинг ўғли Саййидхожа* тарзида тушунмоқ лозим.

Назорат саволлари

1. Этимологик луғатлар тузиш иши қаерда ва қачон бошланган?
2. Қайси қардош туркий тилларнинг этимологик луғатлари тузилган?
3. “Туркий тилларнинг этимологик луғати” ким томондан тузилган?
4. “Туркий тиллар этимологик луғати”нинг кейинги йилларда нашр қилинган жилдлари хусусида мулоҳаза юритинг.
5. Турк тилининг этимологик луғатини ким яратган?
6. Этимологик луғатнинг тузилиш принципи қандай ва бошқа луғатлардан нимаси билан фарқланади?
7. Ўзбек тилининг этимологик луғатини тузишда қандай йўл танланган?
8. Энциклопедик луғатлар тузиш ибтидоси қайси даврга бориб тақалади?
9. Ўзбек тилидаги дастлабки энциклопедик луғати қачон тузилган?
10. Собиқ шўролар даврида тузилган “Ўзбек совет энциклопедияси” хусусида баҳс юритинг.

11. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нинг мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётида тутган ўрни қандай?

12. “Бобур энциклопедияси” нинг Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш борасидаги аҳамиятини очиб беринг.

Фойдаланилган адабиёт

Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Шарқ, 2014.

Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I-III. Тошкент: Университет, 2000-2009.

Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. I-VII. М., 1974-2014.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. I-XII. Тошкент. 2000-2006.

2-Амалий машғулот.

Ўзбек терминологиясини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар

Ишдан мақсад: Мустақилликдан кейин ўзбек тили терминологияси тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича эгалланган асосий кўникмаларни такрорлаш. Соҳа терминологиясида кечаётган сезиларли ўзгаришлар, чунончи, терминларни тартибга солиш, бир хилликка келтириш хусусида керакли кўникмага эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Ушбу амалий иш давомида тингловчи қуйидагиларни бажариши лозим:

- луғатларда берилган мотивланмаган терминларни изоҳлаши
- луғатлар ёрдамида мотивланган терминларни талқин қилиши
- терминологик луғатлардан рус тилидан ўзлашган суффиксли терминларни топиши
- рус тилида сўз ясовчи аффикслар билан ясалган терминларнинг ўзбекча *-чи* аффикси билан алмаштирилишига мисоллар келтириши
- русча-байналмилан қўшма терминларнинг ўзбек тилига ўзлашиш принципларини изоҳлаши
- чет тили ясама терминларининг ўзбек тилига калькаланиш орқали ўзлашиши йўллари билиши
- ўзбек тили терминологиясида русча префиксоидлар ёрдамида ясалган термин-калькаларни шарҳлаши
- “Ўзбек тили изоҳли луғати” тузилиш тартибидан хабардор бўлиши
- изоҳли луғатларда омонимларнинг берилишини талқин қилиши.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа. Соҳа терминологиясида рўй бераётган ўзгаришлар. Терминларни унификациялаш ва тартибга солиш.

Терминологияга доир адабиётларда таъкидланишича, мотивланмаган, яъни белгили терминлар ўз таркибига тилда мавжуд туб лексик бирликлар, бошқа тиллардан кирган ўзлашмалар, калькалар, шунингдек ўз сўзлардан семантик (метонимик) кўчим орқали ҳосил бўлган терминларни қамраб олади.

Ўзлашмаларнинг ҳар қандай тил тараққиёти ва бойиши қонуниятининг манбаларидан бири эканлиги сир эмас. Ўзлаштириш жараёни мураккаб ҳодиса бўлиб, лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар билан чамбарчас боғланган. Ижтимоий – сиёсий, тижорий-иқтисодий, диний муносабатлар, маданий алоқалар, бир тилдан бошқа тилга қилинадиган адабий таржималар ва ҳ.к. натижасида у ёки бу тил луғат таркибида ўзлашмалар пайдо бўлади. Табиий, ушбу ҳодиса бошқа қариндош бўлмаган тиллардан кирган катта миқдордаги ўзлашмаларга эга ўзбек адабий тили учун ҳам тааллуқлидир.

Узоқ муддатли тарихий тараққиёт давомида ўзбек халқи ўзга халқ ва миллатлар билан мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий ва лисоний муносабатларда бўлган. Бундай алоқлар натижасида ўзбек адабий тилининг луғат таркиби янги тушунчалар ҳамда реалиялар ҳисобига яна-да бойиди ва бойиб бормоқда. Ўзбек адабий тилига келиб чиқиши нуқтаи назаридан турфа ва ранг-бараранг сўзлар ўзлашган.

Калькалаш сўз ўзлаштиришнинг олий шакли бўлиб, унинг тилнинг бугунги кундаги луғат таркиби кенгайиши ва бойишида жуда фаоллиги аллақачон аниқланган.

Калькалаш жараёни ўзбек тилининг барча терминологик тизимларига хос бўлиб (Шоаҳмедов 1974), асосан икки маълум, яъни: а) структур (сўз яшаш), б) семантик калька тури орқали реаллашади. Бу тизимда, шубҳасиз, структур калькалар етакчилик қилади. Структур (сўз яшаш) калькалар сирасига ўзбек адабий тили воситалари ёрдамида бошқа тилларга оид моделлардан, уларнинг морфологик қисмларини таржима қилиш билан ясалган терминлар киради. Муайян тилнинг лексик – сўз яшаш материаллари негизида ҳосил қилинган структур калькалар том маънодаги ўзлашма ҳисобланмайди (Тихонов 1991; 136).

Ҳозирги ўзбек терминологияси тизимида чет тилларга хос элементларнинг алоҳида миқдори мавжуд бўлиб, уларни калькалашга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Масалан, *телефон, телеграф, трактор, танк, изотоп, индикатор, орден, болт, арфа, ринг, хоккей, департамент, парламент, мина, импорт, экспорт, антенна, арматура, прокурор, аэробус, автобус, метро, амперметр, мотор, дизель, астронавт, механик, радиотехник, протон, нейтрон, электрон* каби Русча-байналминал характердаги кўпгина терминлар таркибан ўта ранг –баранг бўлиб, техника, илм-фан, маданият, санъатнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган. Бундай юзага келишни ифодаловчи ҳамда муттасил ривожланувчи терминлар қатлами ўзбек тилининг мулкига айланган. Ҳозирги пайтда ҳам тайёр терминларни ўзлаштириш жараёни ўз фаоллигини сақлаб қолмоқда.

Айни чоғда, ўзбек тили ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ҳ.к. соҳалари терминологияси тизимида ўзбек тили қонунларига бўйсунган ҳолда муайян қисми ўзбек тилининг сўз ясовчи элементлари билан алмаштирилган

улкан миқдордаги Русча-байналминал терминлар қўлланмоқда.

Сўз ясовчи суффикси ўзбек тили аффикси билан алмаштирилган ўзлашма - терминлар

Рус тили терминологияси таркибининг салмоқли улушини сўз ясовчи суффикслар билан ясалган, мотивланган терминлар ташкил қилади (История лексики русского литературного языка 1981; 152-166).

Сўз ўзлаштириш жараёнида кам миқдордаги терминлар сўз ясовчи суффикслари билан бирга ўзлаштирилади (*металлист, милитарист, моторист, нигилист, социалист* ва ҳ.к.). Бироқ аксарият ҳолларда терминлар ясашда қатнашган суффикслар ўзбек тилининг айнан бир хилдаги, ўхшаш аффикслари билан алмаштирилади.

Сўз ясовчи суффикслари –чи аффикси билан алмаштирилган терминлар

а) - ист: *танк-чи (танкист), трактор-чи (такторист) штанга –чи (штангист) , параюот-чи (параюотист), роман-чи (романист), торпеда-чи (торпедист), радиометр-чи (радиометрист), монархия-чи (монархист), футбол-чи (футболист)* ва ҳ. к.;

б) - ник: *транспорт-чи (транспортник), монтаж-чи (монтажник), нефт-чи (нефтяник), десант-чи (десантник)* ва ҳ. к.;

в) - щик: *арматура – чи (арматурищик), туннел-чи (туннельщик), трамвай-чи (трамвайщик), фальцовка–чи (фальцовщик; фальцовщица), постановка-чи (постановщик), сигнал-чи (сигнальщик), арматура-чи (арматурищик)* ва ҳ. к.;

г) - чик: – *проход-чи (проходчик), ракета-чи (ракетчик), разведка-чи (разведчик), прокат-чи (прокатчик), паркетчи (паркетчик)* ва ҳ. к.;

д) - овицик// -льщик: *кран-чи (крановицик), сеялка-чи (сеяльщик), нивелировка-чи (нивелировицик), штамп-ловчи, штамповка-чи (штамповицик)* ва ҳ.к.;

е) – ёр: *лифт-чи (лифтёр), башня-чи (башнёр), экспорт-чи (экспортёр), импорт-чи (импортёр), бокс-чи (боксёр)* ва ҳ. к.;

ё) – тор: *авиатсия-чи (авиатор), эксперимент-чи (экспериментатор), экспроприатсия-чи (экспроприатор), эвакуатсия-чи (эвакуатор), декоратсиячи (декоратор)* ва ҳ.к.;

ж) - ск (ий): *гвардия-чи (гвардейский; гвардеец), полиция-чи (полицейский)* ва ҳ.к.;

з) - смен: *рекорд-чи (рекордсмен), спорт-чи (спортсмен), полиция-чи (полисмен), яхта-чи (яхтсмен)* ва ҳ. к.

и) - ант: *диверсия-чи (диверсант)* ва ҳ. к.

Шундай қилиб, шахс оти, муайян касб-хунар эгаси номи ҳамда шахснинг ҳолати, аҳволи, вазиятини ифодаловчи русча суффиксларни ўзбекча (туркий)ча – чи аффикси билан алмаштириш натижасида қуйидаги жиҳатлар воқеланади: а) русча-байналминал сўзнинг асоси ўзгармаган ҳолда янги термин ясалади (*республика-чи – республиканец, дозиметр-чи - дозиметрист*); б) ўзлашма асос шакли тўла тиклангандан сўнг янги термин юзага келади (*селекция - чи – селекционер, сеялка - чи – сеяльщик*) ва ҳ.к.

Ўзбек тилига ўзлашган феъдан ясалган от - терминлар

Маълумки, рус тилида феъдан ясалган исмлар – *ни(е)*, *-к(а)*, *-atsi(я)*, *-izatsi(я)*, *-фикatsiя* сингари суффикслар кўмагида ҳосил қилинади. Мазкур суффиксли терминлар ўзбек тили терминологияси тизимига ўзлари ифодаловчи реалиялар ва тушунчалар билан биргаликда тайёр тил бирликлари сифатида кириб келади. Масалан, *амортизatsiя*, *аннексия*, *ассимиляция*, *артикуляция*, *аллитерatsiя*, *аэронавигatsiя*, *кооператив*, *книминалистика*, *криминология* ва ҳ.к.

Шу билан бир қаторда, феъдан ясалган от – терминлар ўзлаштириш жараёнида ўзбек тили таъсирига учрайди ва феъдан от ясовчи суффикслар ҳеч бир қийинчиликсиз ўзбекча *-лаш*, *лаштириш* каби фаол аффикслар билан алмаштирилади. Баъзи бир ашъвий материалларга мурожаат қиламиз:

а) - ни (е): *аккредит-лаш* (*аккредитование*), *код-лаш* (*кодирование*), *асфальт-лаш* (*асфальтирование*), *автомат-лаштириш* (*автоматизatsiя*) ва ҳ.к. *Торможение*, *кооперирование*, *изолирование* сингари ўзлашма терминларнинг асоси ўзбек тилида мустақил маъно ифодаламайди. Бундай вазиятларда ўзбек тилида ўзлашманинг асоси қайта тикланади ва унга ўзбекча аффикс қўшилади. Масалан, *тормиз-лаш* от (*торможение*), *абстракт-лаш* от (*абстрагирование*) ва ҳ.к.;

б) – *atsi(я)*, *-изatsiя*, *-фикatsiя*, *-к(а)*: *циан-лаш* (*цианизatsiя*), *ион-лаш* (*ионизatsiя*), *менаника-лаш* (*механизatsiя*), *газ-лаштириш* (*газификatsiя*), *гермет-лаш* (*герметизatsiя*), *конденс-лаш* (*конденсatsiя*), *табул-лаш* (*табуляция*), *вальц-лаш* (*вальцовка*), *фрез-лаш* (*фрезеровка*), *легал-лаштириш* (*легализatsiя*), *паспорт-лаштириш* (*паспортизatsiя*) ва ҳ.к.

Ўзбек тилига ўзлашган Русча-байналминал терминлар

Русча сўз + русча сўз ёки байналминал сўз + русча сўз структурали қўшма терминлар ўзлашиш жараёнида ўзбек тили қонуниятларига бўйсунди.

Русча-байналминал қўшма терминларнинг ўзбек тилида ўзлашиши тубандаги усуллар билан амалга ошади:

1. Русча-байналминал терминларнинг рус тилига хос иккинчи компоненти ўзбек тилидаги мос сўз билан эмас, балки сўз ясовчи аффикс билан алмаштирилади. Оқибатда, Русча-байналминал қўшма термин ўзбек тилида ясама терминга айланади:

- *соз*: *машина-соз* (*машиностроитель*), *вагон-соз* (*вагоностроитель*), *самолёт-соз* (*самолётостроитель*), *ракета-соз* (*ракетостроитель*), *шаҳар-соз* (*градостроитель*) ва ҳ.к.;

- *созлик*: *машина-созлик* (*машиностроение*), *вагон-созлик* (*вагоностроение*), *прибор-созлик* (*приборостроение*), *ракета-созлик* (*ракетостроение*) ва ҳ.к.;

- *шунос*: *материал-шунос* (*материаловед*), *машина-шунос* (*машиновед*) ва ҳ.к.;

- *шунослик*: *материал-шунослик* (*материаловедение*), *машинашунослик* (*машиноведение*) ва ҳ.к.

2. Русча-байналминал қўшма терминларнинг иккинчи компоненти ўзбекча айни мутаносиби билан алмаштирилади ёхуд калька усули билан таржима қилинади: *бомба - қидиргич* (*бомбоискатель*), *бомба -пана* (*бомбоубежище*), *гипер – товуш* (*гиперзвук*), *кино – қурилма* (*киноустановка*), *электр - ҳисоблагич*

(электросчетчик), электр-сим (электропровод), радио-ниқоблаш (радиомаскировка) ва х.к.

Ушбу метод Русча-байналминал характердаги қисқартма кўшма терминларни ўзлаштириш жараёнида ҳам қўл келади: *аэро-чана (аэросани), теле-марказ (телецентр), термо-қаршилик (термосопротивление), гелио-қурилма (гелиоустановка), теле-шарҳловчи (телекомментатор, авиа-соз (авиастроение), авто-йўл (автодорога)* ва х.к.

3. Русча – байналминал терминнинг ҳар икки компоненти ўзбекча мутаносиби билан алмаштирилади (ёки калька қилинади): *ҳавоиситгич (воздухоагрегатор), ҳақосовутгич (воздухоохладитель), ҳавотозалагич (воздухоочиститель)* ва х.к.

Русча-байналминал мураккаб кўшма терминларнинг ўзлашиши

Ҳозирги ўзбек терминологияси тизимида хаддан зиёд миқдордаги Русча-байналминал мураккаб кўшма терминлар қўлланмоқда. Ушбу мураккаб кўшма терминларнинг маълум қисми ўзбек тили томонидан тайёр, асл ҳолда ўзлаштирилади: *генерал-майор, унтер – офицер, штаб – квартира, самолёт – снаряд, пулемёт-пулемёт, марш-парад, радиометр-рентгенометр, штаб-квартира* ва х.к. Бундай ўзлашмалар ўзбек терминологиясининг салмоқли улушини ташкил этади.

Бошқа бир гуруҳ мураккаб кўшма терминларнинг сўз тартиби ўзбек тилига ўзлашиш асносида ўзгаради: *учувчи –инспектор (лётчик-инспектор), космонавт-учувчи (лётчик – космонавт), механик - инженер (инженер – механик), амфибия - танк (танк –амфибия), бульдозер – танк (танк-бульдозер), уролог- врач (шифокор) (врач –уролог)* ва х.к .

Русча-байналминал мураккаб кўшма терминларнинг учинчи бўлаги ўзлашиш жараёнида қисман ёки тўла ўзбекча лексик birlikлар билан алмаштирилади:

1) Мураккаб кўшма терминнинг компонентларидан бири ўзбекча сўз билан алмаштирилади (ёхуд калькаланади): *шлем-ниқоб (шлем-каска), самолёт – нишон (самолёт –мишень), ҳаво десанти (воздушно-десантный), ўқчи –радист (стрелок –радист), мина – тузоқ (мина-ловушка), одам-амфибия (человек-амфибия), киловатт-соат (киловатт-час), мактаб-интернат (школа – интернат), альфа-нурлар (альфа-лучи), альфа-емирилиш (альфа –распад), гамма-нурлар (гамма –лучи)* ва х.к. Бунга ўхшаш терминлар ўзбек тилига ўзлашиш чоғида сўз тартибини сақланиб қолади.

2) Мураккаб кўшма терминларнинг компонентларидан бири ўзбек тилидаги мутаносиб сўз билан алмаштирилади (ёки калька йўли билан таржима қилинади). Бундай ҳолатда мураккаб кўшма терминларнинг сўз тартиби ўзбек тилида ўзгаради: *тутувчи – самолёт (самолёт-перехватчик), бузгунчи – самолёт(самолёт-нарушитель), ракетаэлтар-самолёт (самолёт-ракетоносец), демократ-шоир (поэт-демократ)* ва х.к.

3) Мураккаб кўшма терминларнинг ҳар икки компоненти ўзбекча эквиваленти билан алмаштирилади (ёхуд калькаланади). Бундай вазиятда ўзлашма терминнинг сўз тартиби ўзгаришга учрамайди: *ўра-тузоқ (яма-ловушка), учииш – қўниш (взлётно-посадочный), ҳарбий-ҳаво (военно-воздушный), ҳарбий-денгиз (военно-*

морской), ҳарбий-дала (военно-полевой), ижтимоий-иқтисодий (общественно-экономический) ва ҳ.к

4) Ўзлашма мураккаб қўшма терминларнинг ҳар икки компоненти ўзбекча мутаносиби билан алмаштирилади (ёхуд калькаланади), бунда мураккаб қўшма терминларнинг сўз тартиби ўзгаради: *мутахассис – аскар (солдат-специалист), мўлжалчи-ўқчи (стрелок-наводчик), қирувчи-учувчи (лётчик-истребитель), кузатувчи–учувчи (лётчик-наблюдатель), синовчи – учувчи (лётчик-испытатель) ва ҳ.к*

Ҳозирги ўзбек тили терминологиясида калькалалаш йўли билан янги термин яшаш масаласига алоҳида диққат қаратилади. Русча-байналминал терминларни тўла ёки қисман таржима қилиш усули билан ҳосил қилинган ўзбек тили терминлари мавжуд терминология тизимининг яна ҳам кенгайиши ва бойишида муҳим аҳамият касб этади.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошида Русча-байналминал лексиканинг ўзбек тили сўз бойлиги таркибига шиддат билан кириши кузатилади. Ўзбек адабий тили хорижий сўз ва терминларни ўзлаштириш жараёнида уларни нафақат тайёр, асл ҳолда қабул қилди, балки калькалалаш усулига таянган тарзда тўлалигича ёхуд қисман таржама қилиш йўлидан борди. XX асрнинг бошларида кўпгина Русча-байналминал терминлар ўзбек тилига ўгирилган эди. Чунончи: *учувчи (авиатор), тинтув (обыск), от қуввати, от кучи (лошадийная сила), отаиҳона (паровоз), отаиҳ кема (пароход, корабль), давлат думаси (государственная дума), дунё илми (светские науки), эркинлик (свобода), жадидачи (новатор), спиртлик ичқуликлар (спиртные напитки) шулар жумласидандир (Усмонов 1981). Бунга ўхшаш анча эрта ясалган терминларнинг аксарияти бугунги тил қонуниятларига бўйсунган ҳолда ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланишда давом этмоқда.*

Хуллас, ҳозирги замон ўзбек тили терминологияси Русча-байналминал элементларни структур (сўз ясовчи) ҳамда семантик калькалалаш орқали сезиларли тарзда бойиб бормоқда.

Структур калькалалаш ясама сўзлар, қўшма сўзлар ва сўз бирикмалари чегарасида содир бўлади.

Ясама терминларни калькалалаш

Чет тили (рус тили) ясама терминларини калькалалаш жараёнида ўзбек тилида бор бўлган мутаносиб асос ҳамда сўз ясовчи аффикс танланади. Бунинг натижасида ўзбек тилида мутлақо янги термин ҳосил бўлади, бундай терминлар айниқса илм-фан ва техника терминологияси тизимида кенг қўламда акс этган: *тўғрилагич (выпрямитель), тақсимлагич (распределитель), кўтаргич (подъёмник), итаргич (толкатель), тебраниш (амплитуда), озиқлагич (питатель), иқлимлаиши, иқлимлаштириши (акклиматизация), ўрмонишунос (лесовод), иссиқхона (теплица), давлатишунос (государствовед), ҳиссадор (дольщик), васиятчи (завещатель), буюртмачи (заказчик), тамғалаш (клеймение), майдон (маслёнка), портлатгич (взрыватель) ва ҳ.к.*

Қўшма терминларни калькалаш

Қўшма терминларни калькалаб таржима қилиш жараёнида уларнинг ҳар икки компонентига мутаносиб тушадиган ўзбекча сўз танланади. Хусусан: *яримўтказгич* (полупроводник), *шалтоқсепгич* (эжижеразбрасыватель), *ариққовлагич* (канавакопатель), *сувўлчагич* (водомер), *газўлчагич* (газомер), *тезотар* (скорострельный), *мойжувоз* (маслобойка), *бугтарқатгич* (парораспределитель), *тулкиқуйруқ* (лисохвост), *ёғоч кесувчи* (лесоруб), *музёрар* (ледокол), *камқонлик* (малокровие), *арзонбаҳо* (малоценный), *жунқанот* (зоол. шерстокрыл), *асалхўр* (зоол. медоед), *қисқа метражли* (короткометражный), *қизилтан* (краснокожый), *қизилқанот* (зоол. красноперка), *картошкәккич* (картофелесажалка), *картошқақазгич* (картофелекопатель), *сувгул* (бот. водокас), *сувқовоқ* (бот. горлянка) сингари катта миқдордаги терминлар айни шундай ҳосил қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзлашаётган қўшма терминларнинг иккинчи компоненти маъно нуқтаи назардан унга мос тушувчи ўзбекча сўз билан ҳар вақт ҳам алмаштирилавермайди:

-хона: *кўчатхона* (лесопитомник), -зор: *кўчатзор* (лесопитомник), -дор: *ердор*, *заминдор* (землевладелец), -чан; *ёнувчан* (легковоспламеняющийся), -хўр: *қасамхўр* (клятвопреступник), -соз: *кемасоз* (кораблестроитель), -қич: *йиртқич* (кровожадный), -иш: *нурланиш* (лучеиспускание) ва ҳ.к.

Ўзбек тили терминологияси тизимида русча-байналминал префиксоидлар ёрдамида ҳосил қилинган калькалар тез-тез қўлланади (Бегматов 1985; 181; Дониёров 1977; 145-146). Бундай усулда ясалган терминлар сирасига қуйидагиларни киритиш ўринли:

авиа-: *авиаалоқа* (авиасвязь), *авиақисм* (авиачасть), *авиатўп* (авиапушка), *авиакорхона* (авиазавод), *авиасаноат* (авиапромышленность), *авиакорхона* (авиазавод) ва ҳ.к.;

авто-: *автонозир* (автоконтроль), *автойўл* (автодорога), *автоюклагич* (автопогрузчик), *автоҳавоскор* (автолюбитель), *автотиркама* (автоприцеп), *автосузоргич* (автополищик), *автомактаб* (автошкола), *автопойга* (автогонки), *автопойгачи* (автогонщик) ва ҳ.к.;

аэро-: *аэропуркагич* (аэроопрыскиватель), *аэрочанглагич* (аэроопылитель), *аэротадқиқот* (аэроисследование) ва ҳ.к.;

агро-: *агросаноат* (агропромышленность), *агрокимё* (агрехимия), *агромаданият* (агрокультура), *агроиқлим* (агроклимат), *агроўрмон* (агролес) ва ҳ.к.;

анти-: *антизарра* (античастицы), *антимодда* (антивещество), *антидунё* (антимир), *антижисмлар* (антитела) ва ҳ.к.;

гео-: *геосиёсат* (геополитика), *геокимё* (геохимия) ва ҳ.к.;

гидро-: *гидроиншоот* (гидросооружение), *гидроқўтаргич* (гидроподёмник), *гидрокучайтиргич* (гидроусилитель) ва ҳ.к.;

гипер-: *гипертекислик* (гиперплоскость), *гипертовуш* (гиперзвук), *гиперчизиқ* (гиперлиния), *гиперлойиҳа* (гиперпроект) ва ҳ.к.;

изо-: *изочизиқлар* (изолинии), *изомой* (изомасло) ва ҳ.к.;

квази-: *квазиюлдуз* (квазизвезда), *квазиқулоқ* (квазиухо), *квазиқавариқ*

(квазивытуклость) ва ҳ.к.;

инфра-: *инфратовушлар* (*инфразвуки*), *инфрақизил* (*инфракрасный*), *инфратизим* (*инфраструктура*) ва ҳ.к.;

макро-: *макроиқлим* (*макроклимат*), *макросаноат* (*макропромышленность*), *макрооинот* (*макрокосмос*), *макротузилма* (*макроструктура*), *макромайдон* (*макрополе*), *макроиқтисодиёт* (*макроэкономика*) ва ҳ.к.;

микро-: *микроиқлим* (*микроклимат*), *микрофотонусха* (*микрофотокопия*), *микротузилма* (*микроструктура*), *микромайдон* (*микрополе*), *микротуман* (*микрорайон*) ва ҳ.к.;

мото- : *мотоаравача* (*мототележка*), *мотопойга* (*мотогонки*), *мотопойгачи* (*мотогонщик*) ва ҳ.к.;

пневно- : *пневмобошқариш* (*пневноуправление*), *пневмоболга* (*пневмомолоток*), *пневноюклагич* (*пневногрузчик*), *пневноқиқиш* (*пневнодавление*) ;

теле-: *теледастур* (*телепрограмма*), *телеминора* (*телебашия*), *телебошқариш* (*телеуправление*), *телеалоқа* (*телесвязь*) , *телеқурилма* (*телеустановка*), *телелойиҳа* (*телепроект*), *телеуста* (*телемастер*) ва ҳ.к.

2-вазифа. Соҳа изоҳли луғатлари тадқиқи

Ўзбек лексикографияси фан-техника соҳалари бўйича изоҳли луғатлар яратиш борасида муайян ютуқларни қўлга киритгани кўпчиликка маълум. Ўзбек тили изоҳли луғатлари тузиш анъаналари Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарига бориб тақалади. Изоҳли луғатлар тузишнинг бош принципларидан бири, маълумки, бош сўзнинг маъно-мазмунини, моҳиятини очиб беришда фактик мисол алоҳида аҳамият касб этади. Маҳмуд Кошғарий луғатида муайян сўзнинг изони келтиришда эскуи туркий тилда қўлланган гаплар, иборалар, мақол, матал, жонли сўзлашув тили материаллари, халқ оғзаги ижоди намуналари тасдиқловчи манба фазифасини ўтаган. Айни шундай усул ва ҳолатни “Бадое ул-луғат”, “Абушқа”, “Санглох”, “Келурнома”, “Луғати чигатоийи ва турки усмони” каби луғатларида изоҳлаган сўзлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ҳозирги ўзбек терминологияси соҳа терминлари изоҳли луғатларини тузишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ушбу йўналишда нафақат табиий фанлар, балки фалсафа, тарих, адабиётшунослик, лингвистика сингари ижтимоий-гуманитар фан соҳалари доирасида ҳам талайгина изоҳли луғатлар нашр қилинган ва улар мутахассислар, қолаверса, кенг китобхонлар ҳукмга хавола қилинган.

Мумтоз адабиёт намояндалари асарларига изоҳли луғатлар тузиш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан кун тартибига долзарб масала тарзида қўйилган эди. Зеро, бундан бир неча асрлар муқаддам яратилган бебаҳо манбаларда қўлланган бир қанча историзмлар ва архизмларнинг маъносини бугунги кунда тўла тушуниш амри маҳол ҳисобланади. Шу сабабли мозийда битилган обидалар моҳияти, уларда илгари сурилган ғояларни англаб етишда, албатта, ғозирги китохон луғатларга мурожаат қилиши табиий ҳол. Мана шундай кезларда изоҳли луғатлар ўқувчига яқиндан кўмакка келади. Юқорида номлари зикр қилинган

луғатлар асосан Алишер Навоий ва эски адабий тилида ижод қилган кўпдан-кўп шоирлар асарларида ишлатилган сўзларнинг маъносини очиб беришда муҳим роль ўйнаганини аввал ҳам таъкидлаган эди. Бироқ бугунги кун китохони бу луғатлардан тўлалигича фойдаланиш имкониятига эга эмас. Чунки, бу луғатларнинг оммавий нашрлари ҳануз амалга оширилмаган. Мана шу жиҳатларнинг ҳисобга олиниши оқибатида 1983-1985 йилларда ЎзР ФА “Фан” нашриётида Э.Фозилов таҳрири остида тўрт жилддан иборат “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” чоп этилди. Кенг китобхонлар, мутахассисларга етказиб берилган ушбу асар изоҳли луғатларга қўйилган талаб ва принципларга биноан яратилган эди. Луғат Сўз боши, Изоҳли луғатнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш тартиби, манбалар ва уларнинг қисқартмалари ҳамда бош сўз-мақолалардан иборат тарзда шакллантирилган.

Сўз бошида луғат тузувчилари, картотека фонди ва материалларни тўпловчилар, қўлёзмани нашрга тайёрлашдаги техник ишларни амалга оширганлар ва ҳ.к хусусида маълумот келтирилган.

Луғатнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш тартибида луғат таркиби, луғат мақоласининг тузилиши, сўз мақоласининг изоҳи, луғатдаги фразеологик бирликларнинг берилиши ва талқини, иллюстратив материалларнинг берилиши хусусида мулоҳаза юритилган. Манбалар ва уларнинг қисқартмаларидан эса Алишер Навоий назмий ва насрий асарларининг қўёзма нусхалари ҳамда нашрлари ҳақида аниқ маълумотлар ўрин олган.

Изоҳли луғатга улуғ шоир асарларида истеъмолда бўлган сўз, фразеологик иборалар, турғун бирикмалар киритилган. Ҳар бир сўз (мустикал, ёрдамчи сўз, юклама, ундов) луғатда алоҳида бош сўз-мақола сифатида талқин қилинган. Бош сўзлар алифбо тартибида жойлаштирилган. Сўзнинг грамматик шакллари бир сўз сифатида қаралган. Бир сўзнинг турли фонетик вариантлари бир луғат мақоласида берилган. Қўшма сўзлар бош сўз сифати берилмай, ўз таркибидаги компонентларидан бири мақоласи ичида, биринчи компонент мақоласида келтирилган: *Авд* “қайтиш”; *-эт-//қил-* “қайтмоқ, қайтиб келмоқ” ва ҳ.к.

Омоним сўзларнинг ҳар бири алоҳида мақолаларда бош сўз тарзида берилган, рим рақамлари билан бир-биридан фарқланган: *Азм* I “ният, мақсад, майл, қатъий қарор; жазм, ирода”; *Азм* II “суяк, устухон” ва ҳ.к. Бош сўз ёлғиз ишлатилмасдан, бирикма таркибидагина қўлланган бўлса, бош сўздан кейин ўша сўзнинг бирикмадаги ҳолати изоҳланган, айрим ўринларда бош сўз изоҳланиб, сўнгра бирикма ёритилган: *Авр* – *авр ўл-* “яланғоч бўлмоқ” ва ҳ.к. Синонимлар алифбо тартибида ўз ўрнида бош сўз сифатида талқин қилинган. Луғат мақоласи қуйидаги элементлардан иборат:

-бош сўз транслитерация асосида берилган;

-нодир қўлёзмалардаги сўзларнинг арабча типик ёзув шакли Иловада берилган;

- бош сўзнинг маъноси ёки маънолари изоҳи;

-бош сўз маъноларини тасдиқловчи қўлёзма ёки нашрлардан олинган мисоллар;

-қўлёзманинг саҳифа ва қаторлари, нашр қилинган манбанинг варақлари;

-изофа, идиоматик, фразеологик, турғун бирикмалар, қўшма от ва феъллар

шарҳи ва иллюстратив материал;

-бош сўзнинг фонетик варианты параллел чизикдан сўнг берилган. Луғатда изоҳланган сўз алоҳида қўлланмаган тақдирда ўша сўз билан келган бирикма келтирилиб, шарҳланган.

Сўзларнинг мустақил маънолари бир-биридан араб рақамлари билан ажратилган, ҳар бир маънога тегишли маъно нозикликлари баъзи ўринларда ажратилмай, мисоллар бериш билан кифояланган.

Сўзларнинг маъносини очишда қуйидаги усуллардан фойдаланилган:

-қисқача тушунтириш йўли билан изоҳлаш;

-кенг тушунтириш йўли билан изоҳлаш;

-синонимлар ёрдамида изоҳлаш;

-антонимлар орқари изоҳлаш;

-қисқача энциклопедик маълумотлар келтириш орқали изоҳлаш;

-реалияни кенгроқ изоҳлаш.

Сўз маъноларини жойлаштиришда уларнинг ўзаро яқинлиги, ички муносабати инобатга олинган. Полисемантик сўзларни изоҳлашда аввал уларнинг бош(бирламчи), сўнгра ҳосила маънолари берилган. Алишер Навоий асарлари тили изоҳли луғатини тузиш жараёнида сўзлар маъносини изоҳлашда матн, сўзнинг ҳозирги ўзбек тилидаги лексик-семантик, грамматик эквиваленти назардан қочирилмаган.

Адиб асарларида қайд этилган атоқли отлар, асарлар номлари, географик объектлар номлари ва ҳ.к. луғатнинг “Илова”сида келтирилган ва изоҳланган.

Сўзларнинг маъносини очиб беришда муаллифлар мозийда Навоий асарларига тузилган луғатлар, тадқиқотларга ўрни билан мурожаат қилишган.

Назорат саволлари

1. Соҳа терминологиясига доир изоҳли луғатлар сизни қониқтирадими?
2. Изоҳли луғатларнинг бошқа тип луғатлардан фарқи нимада?
3. Изоҳли луғат тузишда қандай принципларга амал қилинади?
4. “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” хусусида қандай фикрдасиз?
5. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”га баҳо беринг.
6. Мустақиллик даврида тузилган изоҳли луғатлардан фойдаланасизми?
7. Изоҳли луғатдаги сўзнинг бош ва ҳосила маъноларини изоҳлашда қандай принципга ёндашиш лозим?
8. Сиз фаолият юритаётган олий таълим муассасасида қандай фан соҳаларига доир изоҳли луғатлар тузилган?

Фойдаланилган адабиёт

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-IV. Тошкент: Фан, 1983-1985.
2. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами. -Тошкент: Фан, 1988.
3. БектемировҲ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент:

Фан, 2002.

4. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. -Ташкент: Ёзувчи, 1991.

5. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.- М.: Наука, 1977.

6. Дониёров Р. Ёзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Тошкент: Фан, 1977.

7. Русча-лотинча-ёзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати. Тошкент: Камалак-Ҳамшира, 1999.

8. Худайберганава Д .Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент, Турон замин зиё, 2015.

9. Ёзбек тилининг изоҳли луғати. I-II. М., Русский язык. 1981.

10. Ёзбек тилининг изоҳли луғати I-V. Тошкент: Фан, 2000-2006 .

10. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, Фан 2002.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Қадимги туркий битиктошлари тилида қўлланган ижтимоий-сиёсий терминларни аниқланг.

2-кейс. Эски туркий тилда ишлатилган ҳарбий терминларни аниқланг (“Қутадғу билиг” пандномаси мисолида).

3-кейс. Эски ўзбек тили терминологиясида қўлланишда бўлган мўғулча ўзлашмаларни изоҳланг.

4-кейс. Ўтган аср ўзбек илмий-техник терминологияси нафақат туб балки Русча-байналминал ўзлашмалар ҳисобига бойиди. *Фикрингизни ашёвий материаллар билан тасдиқланг.*

5-кейс. Истиклол даврида ижтимоий-сиёсий терминлар тизимида архаизмларнинг қайта жонланиши кўзга ташланади. *Фикрингизни далиллар билан асосланг.*

6-кейс. Ҳозирги ўзбек терминологиясида термин яшаш моделларининг ранг-баранглиги. *Фикрингизни ашёвий материаллар билан исботланг.*

7-кейс. Ҳозирги ўзбек терминологияси умумадабий лексиканинг терминлар тизимига кўчиши ҳисобига кенгаймоқда. *Фикрингизни лингвистика терминлари мисолида тасдиқланг.*

8-кейс. Ўзбек тилининг этимологик луғати ўзбек тили лексик фондида қўлланаётган туб, арабча ва форсча-тожикча ўзлашмалар ва уларнинг ҳосилаларига йўналтирилган. *Фикрингизни Ш.Раҳматуллаевнинг 2000-2008 йилларда эълон қилинган луғатига асосланган ҳолда шарҳланг.*

9-кейс. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (5 жилдлик) да тоталитар тузум мафкураси билан боғлиқ сўзлар ифодасини топган эмас. *Фикрингизни 5 жилдлик луғат ва 1981 йилда Москвада чоп этилган 2 жилддан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” билан муқояса қилган ҳолда исботланг.*

10-кейс. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” томларида собиқ шўролар даврида номи таъқиқланган буюк аجدодларимиз ҳақида керакли маълумотлар берилган. *Фикрингизни “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”(12 том) ва “Ўзбек совет энциклопедияси”(14 том) билан қиёслаган ҳолда баён этинг.*

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш

Мустақил таълим мавзулари:

1. Терминология ва лексика.
2. Терминлар моҳияти.
3. Терминологиянинг лингвистика объекти сифтида ўрганилиши.
4. Терминологиянинг ҳозирги ўзбек тили лексик структурасидаги ўрни.
5. Терминологиядаги ўзгаришларнинг умум адабий тилдаги жараёнлар билан бевосида боғлиқлиги.
6. Терминологиянинг фан тили сифатида талқин қилиниши.
7. Фан тилининг лексик таркиби.
8. Нотерминлогик лексика.
9. Умумилмий лексика.
10. Терминологик лексика.
11. Терминологиянинг лексик-генетик тавсифи.
12. Терминологияга тайёр ҳолда олинган сўзлар.
13. Махсус ном сифатида ҳосил қилинган сўзлар.
14. Терминологиянинг лексик-семантик тавсифи.
15. Терминологияда умумтил семантик жараёнлари.
16. Терминлар тизимидаги полисемия.
17. Терминологиядаги омонимия.
18. Терминологиядаги синонимия.
19. Терминологиядаги антонимия.
20. Терминларнинг семантик йўл билан ясалиши.
21. Терминларнинг синтактик усулда ясалиши.
22. Соҳа терминологиясини тартибга солишнинг лингвистик асослари.
23. Стандартлаштириладиган терминларга қўйиладиган меъёрий талаблар.
24. Ўзбек лексикографиси шаклланиши тарихида “Девону луғотит турк”нинг ўрни.
25. Ўзбек тилида яратилган изоҳли луғатларнинг тузилиш принциплари.
26. Ўзбек тили этимологик луғатининг тузилиши.
27. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси.
28. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.

VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|-----------------|--|---|
| битиктош | тошга битилган ёдгорлик | Stone manuscripts |
| лексикография | луғатшунослик | Lexicography |
| терминология | илм, фан, техникага оид истилоҳлар ҳақидаги фан | The subject about knowledge, science, technics |
| туб термин | муайян тилнинг ўзига хос истилоҳи, ўз термин | The terms of some language |
| ўзлашма термин | бошқа тиллардан олинган истилоҳ | The borrowed terms from other languages |
| модель | қолип, сўз ясаш қолипи | The model, derivation model |
| дериват | ясама сўз | derivation |
| қўшма термин | композиция усули билан ҳосил қилинган истилоҳ | The term is made by composition way |
| термин-бирикма | синтактик усул билан ясалган истилоҳ | The term is made by syntactic way |
| эски туркий тил | XI-XIV асрларга оид туркий тил | The turkic language of XI-XIV centuries |
| этимология | сўзнинг келиб чиқишини ўрганувчи соҳа; сўзнинг келиб чиқиши | The field researching on etymology of words; the etymology of the word |
| синонимлар | маънодош сўзлар | Synonyms |
| унификатсия | тартибга солиш | Unification |
| изоҳли луғат | тилда қўлланувчи сўзларнинг маъно талқинини берувчи лексикографик асар | Lexicographic work that gives the commentary the meaning of the words in language |
| калька | бошқа тилдан ўзлашган сўзнинг таржимаси | The translation of borrowed word of other language |

| | | |
|------------------|---|--|
| транстерминлашув | умумадабий сўзларнинг терминлар tizимига кўчиши | The transposition to the system of terms of literary words |
| омонимлар | шаклдош сўзлар | Homonyms |
| полисемия | кўпмаънолилиқ | Polysemantic words |
| архаизм | эскилик белгисига эга сўз | Archaic words |
| аббревиатура | қисқартма сўзлар | abbreviation |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
5. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. -Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
6. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
7. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрдаги Давлат тили ҳақида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш

ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори (ЎзР ВМнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сонли, 2016 йил 28 июлдаги 244-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республи-касини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 152-сон қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Ташкент: Ёзувчи.1991.

2. Абдушукуров Б. Эски туркий тил лексикаси. – Тошкент, 2015.

3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-IV. – Тошкент: Фан, 1983-1985.

4. Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. –Тошкент, 2002.

5. Дадабаев Х. Старотюркская дипломатическая терминология в XI-XIV вв. Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. – Ташкент: Фан, 1994. -С.4-13.

6. Дадабаев Х. Астрономическая наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIV вв. Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. – Ташкент: Фан, 1994.

7. Дадабаев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007.

8. Дадабаев Х. Общественно-политическая терминология в историко-хронологических произведениях Агахи. Казахская терминология в годы независимости. – Алматы, 2014. – С.97-103.

9. Дадабаев Х. Лексико-генетические особенности узбекской терминологии. Лингвист. Илмий мақолалар тўплами У1. – Тошкент, 2015.-С.4-10.
10. Дадабаев Х. Ўзбек тилида аффиксация усули билан ясалган сифат-терминлар, “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, 2016. –Б.193-199.
11. Дадабаев Х. Ўзбек тилида морфологик усул билан термин яшаш. Лингвист. Илмий мақолалар тўплами УП. – Тошкент, 2016.-Б.4-10.
12. Дадабаев Х. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент, 2007.
13. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.,: Наука, 1977.
14. Исмоилов М., Шарапов А. Тарих атамалари луғати. – Тошкент: «Akademnashr», 2013.
15. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. – Тошкент, Фан, 2007.
16. Чориев З. Тарих атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999.
17. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. 1 республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986.
18. Ўразбоев А. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси. – Тошкент: Muharrir nashriyot, 2013.
19. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2002.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. www.tdpu.uz
5. www.pedagog.uz
6. www.nuuz.uz
7. www.bimm.uz
8. www.literature.uz
9. www.kutubxona.uz